

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙТАЪЛИМТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШБОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИОШИРИШТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тиббий биологик фундаментал фанларни  
ўқитишда замонавий ёндошувлар”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент -2019**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** ТТА, Анатомия, клиник анатомия кафедраси мудири, т.ф.д., профессор **Усмонов Р. Д.**  
TTA, Анатомия, клиник анатомия кафедраси катта ўқитувчи **Гулманов И. Д.**

**Тақризчилар:** ТТА, Анатомия, клиник анатомия кафедраси профессори, т.ф.д. **Н.Х.Шомирзаев.**

Тошкент Давлат стоматология институти Физиология, патофизиология, микробиология ва фармакология кафедраси профессори, т.ф.д. **И.М.Мухамедов.**

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент тиббиёт академияси Кенгашининг 2019 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли қарори билан тасдиқтавсия килинган.

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ..... .	23
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	32
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	86
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	96
VI. ГЛОССАРИЙ.....	97
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	112

## I. ИШЧИ ДАСТУР.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳоратларини оширишга ҳамда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган қатъий ислоҳотлар мазмунини очиб беришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулартальимсоҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмунни жамият ривожи ватаълим-тарбия жараёнининг инновацион масалалари, олий таълим нинг норматив-хуқуқий асослари вақонунчилик хужжатлари, илғортаълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълимжараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимили таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масоғавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

## **. Олийтаълимнинг норматив-хукукий асослари.**

1. 1. Жамият ривожи ватаълим –тарбия

жараёнининг инновацион масалалари.

1. 2. таълим -тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик хужжатлари.

## **2. Илғортаълим технологиялари ва педагогик маҳорат.**

2. 1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

2. 2. Тиббий педагогларда тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантириш.

## **3. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш.**

3. 1. Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3. 2. Тиббиётда рақамли трансформация.

## **4. Амалий хорижий тил.**

4. 1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

4. 2. Педагог маҳорати ва компетентлиги шаклланишида амалий хорижий тил аҳамияти.

## **5. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари.**

5. 1. Олийтаълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий тенденциялари.

5. 2. Даилилларга асосланган тиббиёт.

## **6. Махсус фанлар.**

6. 1. Тиббий биологик фундаментал фанларни ўқитишда замонавий ёндашувлар.

6. 2. Тиббий биологик фанлардаги илмий-услубий янгиликлар ва ютуқлар.

## **7. Малакавий аттестация.**

### **Курснинг мақсади вавазифалари.**

Олийтаълиммуасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илгор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг вазифалариiga қўйидагилар киради:

- “Тиббий биология” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Тиббий биология” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунинда тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Жамият ривожи ватаълим –тарбия жараёниннинг инновацион масалалари”, “таълим –тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик ҳужжатлари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “таълим жараённада ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Олий таълим жараёнини бошқариш датизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий тенденциялари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёр гарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар кўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга гэга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- тиббий биология йўналиши фанининг асосий назарий ва амалий соҳаларда эришган ютуқларини, муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини;
- тиббий биологик фанларнинг фундаментал ва амалий жиҳатларини;
- тиббий биология йўналиши соҳасидаги инновацияларни ватаълим технологияларини ўқув жараёнига татбиқ этишининг назарий ва амалий асосларини;
- тиббий биология соҳасидаги мутахассисларга қўйиладиган замонавий талабларни;
- касалликлар ривожланиш босқичларининг тиббий-биологик хусусиятларини;
- касалликларни ташхислаш ва даволаш жараёнларида тиббий-биологик фанлар ютуқларининг аҳамиятини;
- тиббий биология йўналишидаги стандарт ва инновацион текшириш усулларининг касалликлар профилактикасидағи моҳиятини **билиши** керак.

### **Тингловчи:**

- тиббий биология йўналиши фанларини ўқитиша илғортаълимтехнологияларидан самаралифойдаланиш ;
- касалликривожланишинуқтаи назаридан патологик босқичларни таҳлил қилишда тиббий-биологик фанлар ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда ёндашиш;
- касалликларнинг социал-демографик муаммоларини ҳал қилишда тиббий биология йўналишлариданфойдаланиш ;
- диагностика, даволаш ва профилактика масалаларида тиббий биология фанларининг замонавий усулларини самарали қўллаш;
- замонавий тиббиётнинг ижтимоий аҳамиятли соҳаларида тиббий биология ва клиник фанлар интеграциясига асосланган муҳим тадбирларни ташкиллаштириш **кўнимкамларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- тиббий биология йўналиши соҳасида замонавий диагностика усуллариданфойдаланиш ;
- тиббий биология йўналиши соҳаларида касалликларнинг кечиш динамикасини аниқлаш;
- касалликларни даволашда тиббий биология йўналишидагизамонавий юқори самарали технологияларни қўллаш;
- касалликлар профилактикасида тиббий биологияйўналишиўри;
- тиббий биология йўналиши фанларини ўқитиша муаммоли педагогик вазиятларга инновационёндашиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

### **Тингловчи:**

- тиббий биология йўналиши нуқтаи назаридан касалликларни ташхислаш ва даволашда илғор хорижий тажрибаларни амалиётда қўллаш;
- шошилинч ҳолатларда тез ёрдам кўрсатишнинг тиббий-биологик асоси ҳақидаги;
- каминвазив ташхислаш ва даволаш усулларини қўллашнинг тиббий-биологик жихатдари ҳақидаги;
- мамлакат, аҳоли, регион, географик, иқлим, беморлар жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқиши каби кўрсаткичларни таҳлил қилиш, қайта ишлашда тиббий биологик фанлар методологияларини қўллай олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малакаоширишкурси 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Аттестациядан муваффақиятли ўтганкурс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

# **“ТИБИЙ БИОЛОГИЯ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАОШИРИШКУРСИНинг ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

## **1. ОЛИЙТАЛЬИМ НИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**1.1. Жамият ривожи ватайлим -тарбия жараёнининг инновацион масалалари.**

Жамият ривожининг янгича назарий-концептуал асослари. Давлат ва жамият ривожланиши ни янада такомиллаштириш стратегияси: асосий йўналишлари ва янгича шакллари. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар.

Халқ билан мулоқот. Давлат идораларининг халққа хизмат қилиши зарурлиги. Давлат хизмати агентлиги, унинг бошқарувдаги афзалликлари ва самарадорлиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг миллий тараққиёт йўлимини қатъият билан янги босқичга кўтариш истиқболлари ҳақидаги фикрлари.

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожлантириш стратегиясининг гасосий йўналишлари ва инсон капиталини ривожлантириш масалалари таълим-тарбия ривожи - жамиятни модернизациялашнинг, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим омили сифатида.

### **1.2. таълим -тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик ҳужжатлари.**

Жамиятда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартиба солиш таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Қонун тушунчаси ва унинг турлари. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси датаълим соҳасига оид меъёрлар ва уларнинг кафолатлари.

Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартиба солиш.

Қонуности ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олийтаълим тизимиға оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олийтаълим тизимиға тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсустаълим вазирлигининг таълим -тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлаттаълим стандартлар, ўқув режалар ва фандастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Олийтаълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари таълиммуассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг хуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

БМТ нинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва хуқуқий стандартларга мувофиқ аёлларнинг хуқуқларини таъминлашда Хотин-қизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари. Халқаро меҳнатташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнатташкилоти конвенциялари.

## **2. ИЛГОРТАЪЛИМТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ**

### **2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.**

инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари таълим, тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминловчи усуллар асосида ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш. Олий таълиммуассасаларида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқаришнинг инновацион шакл, метод ва воситалари. Замонавий таълим технологияларининг турлари инновацион таълим да илфор хорижий тажрибалар интеграцияси.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълим нинг муҳим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: интерфаол таълим методлари, кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим вапортфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Педагог касбий-инновацион компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантиришига акмеологик ёндашув. Акмеологик ривожланиш даражалари: концептуал, технологик, рефлексив, креатив ва инновацион даражаси.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари. Педагогнинг мустақил ўзини-ӯзи касбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

### **2.2. Тиббий педагогларда тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантириш.**

Тиббиёт таълиммуассасалари ўқитувчилари тадқиқотчилик компетентлиги. Тадқиқотчилик компонентларини такомиллаштириш даражасининг асосий тавсифи. Тиббий таълим педагоглари тадқиқотчилик фаолиятининг когнитив компонентлари асослари.

Нашр қилинган ишларда статистик таҳлил натижаларини тақдим этишининг замонавий халқаро тамойилларини.

Тиббий маълумотлар базасини статистик қайта ишлаш. Тиббий педагогларда тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантиришнинг асосий

қоидаларини шаклантириш. Тиббиётда қўлланувчи ўлчов шкалалари. Олинадиган эксперементал маълумотларнинг ўзига хослиги. Статистик қайта ишлаш учун тиббий маълумотлар базасини ташкил этиш. Тадқиқот натижаларини қайта ишловдан ўтказиш учун классификация ва адекват статистик мезонларни танлаб олиш. Статистик ишлов натижаларини интерпретация қилиш.

Тиббиёт тадқиқотлар режаси асосий қоидалари. Дастребки маълумотларни олиш учун қўлланиладиган кўрсаткичлар тавсифи. Маълумотларни классификация қилиш ва статистик қайта ишлашнинг асосий усулларини қўллаш.

Тиббийтаълимпедаглари процессуал фаолияти компоненти. Малакани эгалаш. Тиббий тадқиқотни режалаштириш. Нашр қилинган ишларда тадқиқот натижаларини тақдим этиш. Илмий тадқиқотчилик ишларида келиб чиқадиган муаммоларни таҳлил этиш. Олинган маълумотлар юзасидан фикрлай олиш ва холосалар чиқариш. Ўз тадқиқот натижаларини оммага тақдим этиш.

### **3.ТАЪЛИМЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

#### **3.1. Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий,касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларнитаълимжараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари,ахборот тизимлари,шахснингтаълим ,тарбияси варивожланиши да замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. ЛМС тизимлари – педагогнинг шахсий,касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар,унинг хусусиятлари ватаълимжараёнидағойдаланиш . Булутли технологиилар. Гоогле булутли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнини ва ахбороттаълиммайдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурий воситалар (AutoPlayMediaStudio,SouresLab,iSpringSuite,HotPotatoes ва бошқ. ) дан фойдаланиб мультимедиали ўкув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик,педагогнинг шахсий,касбий ахборот майдонини Scopus,ScienseDirect,Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

#### **3.2. Тиббиётда рақамли транформация**

Тиббиётда рақамли ахборот ҳақида тушунча. Тиббий маълумотлар: уларни тўплаш,сақлаш ва ишлатишда рақамли технологиялар. Тиббиётда қарор қабул қилишнинг технологик трансформацияси. Беморларниэлектрон рўйхатга олиш тизимлари. Соғлиқни сақлаш ахборот тузилмаси. Соғлиқни сақлаш ташкилотида ахборотларни бошқариш. Ахборот технологиилари воситаларини тиббиётда қўлланилиши.

Тиббиётда янги ахборот технологиялари,ахбороттизимишибошқариш. Замонавий ахборот технологияларини тиббий жараёнларга қўллаш натижасида иш фаолиятини сифатиниоширишва автоматлаштириш.

Тиббий текширув жараёнларида олинган натижаларни ахборот технологиялари ёрдамида қайта ишлаш,статистик анализ қилиш. Интерактив симуляторлардан тиббийтаълим ни ташкил этишдафойдаланиш . Ахборот технологияларни қўллаган ҳолда тиббиёт соҳасида аҳолига интерактив хизматлар кўрсатиш. Тиббиёт соҳасида олинган маълумотлар базасини ахборот технологиялар ёрдамидатлашимизимига интеграция қилиш.

## 4. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ

### 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самаралифойдаланиш . Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – В1,В2). Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти,урғ-одатлари,анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш,илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш,хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш,хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўникмалари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундалиқва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар,тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари,Ўзбекистон ҳақида,мамлакатимизнинг машҳур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот,резюме тўлдириш,оммавий ахборот воситалари,маданий ҳордиқ,телефонда сұхбат,саёҳат ва туризм,транспорт соҳаси,кашфиётлар,санъат,фан ватаълимсоҳаси,атроф-муҳитни муҳофаза қилиш,даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш,муҳокама ва таҳлил қилиш.

## 5. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

### 5.1. Олийтаълимжараёнини бошқаришдатизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий тенденциялари.

Тизим,тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олийтаълимтизими: таркиби,мақсад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари.

Педагогик тизимдатаҳлилий фаолият. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил методлари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти,тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қўйиладиган талаблар,унинг турлари ва психологик жиҳатлари. Педагогик

фаолиятда қарорнинг шаклланиши,қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш.

## **5.2. Далилларга асосланган тиббиёт.**

Даллилларга асосланган тиббиётни замонавий тиббиётда ўрни. Тиббийтадқиқотларни асосийдизайнлари. Илмий тадқиқот дебочаси. Илмий тадқиқот асосий категориялар ва тушунчалар. Клиник тадқиқотлар босқичлари,клиник тадқиқот усуллари классификацияси. Ёзма,аналитик тадқиқот усуллари. Клиник – экспериментал тадқиқотлар. РКИ,Систематик шарҳ ва мета-тахлил. Рандомизирланган тадқиқотларнинг олиб бориш усуллари. Таъсир этиш. Солиштириш. Тадқиқотларни олиб бориша “ниқоблаш” усулини қўллаш. Ниқоблаш усуллари. Систематик шарҳлар тузишнинг босқичлари,мақсади. Натижаларни баҳолаш усулларини аниқлаш. Олтин стандарт. Асосланганлик даражаси ва тавсиялар пирамидаси. Интернетдан ишончли ахборотларни кидириш. Клиник протоколлар ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбик этиш. Педагогикўқув жараёнида(ПБЛ) муаммоли ўқитиши тиббиёт мактабларидаривожланиши ,клиник муаммоларни яратиш ва далилларга асосланган маълумотларга асосланиш. Клиник қўлланмалар таҳлили. Касалликлар скрининги. Профилактика ва скрининг. Профилактика даражалари. Бирламчи,иккиламчи,учламчи профилактика. Даврий текширувлар мақсади. Замонавийтаълимтизимида ДАТни ўрни ва интеграцияси.

## **6. МАХСУС ФАНЛАР**

### **6.1. Тиббий биологик фундаментал фанларни ўқитишида замонавий ёндашувлар.**

Тиббий биологик фанларнинг асосий мақсади.

Тиббий биологик фанларни клиник фанлар билан интеграциялаган ҳолда ўқитиши асослари. Касаллик (нозологик шакл ёки бирлик),синдром,симптом тушунчаларининг тиббий-биологик фанлар миқёсидаги аҳамияти.

Онтогенез,ёшга оид анатомия,нормал анатомиянинг макроскопик ва микроскопик хусусиятлари. Анатомияни ўрганишида замонавий визуализацион услублар аҳамияти.

Умумий,хусусий (максус),қиёсий,эволюцион физиология. Одам физиологияси. Мехнат,спорт,овқатланиш,ёшга оид одам физиологиянинг касалликларни олдини олишда,даволашда,беморлар реабилитациясида тутган ўрни.

Нормал,патологик ва клиник физиологияни ўқитишининг замонавий усуллари.

Умумий ва хусусий (максус) патологик анатомия. Паталогоанатомик амалиёт. Алтератив жараёнлар,мослашиш ва компенсация жараёнлари,дисциркулятор жараёнлар,яллиғланиш,иммунопатологик жараёнлар,терминал ҳолатлар,тўқима ва аъзоларнинг ривожланиш

нуксонлари, ўсмалар (неопластик жараёнлар). Патологик анатомияда текшириш услублари: аутопсия, биопсия, микроскопия, молекуляр-биологик услублар (оқимли цитофлюориметрия, инситу гибридизация, полимераз занжирли реакция, микродиссекция, құшалоқ ёки учталик тамға).

Цитология, эмбриология, умумий ва хусусий (махсус) гистология. Цито- ва гистогенез қонуниятлари, хужайра, түқима ва аъзолар, уларнинг дифференцировкаси ва регенерацияси, ёшга оид ўзгаришлари, морфогенези, биологик, кимёвий, физик ва бошқа ташқи таъсирларга реакцияси, эволюцион динамикасини ўрганишда замонавий фан ютуқларидан фойдаланиш . Гистологияни ўрганишда физика, кимё, математика, генетика, биология, молекуляр биология, биокимё, ген инженерияси ютуқларига асосланиш аҳамияти.

Генетика ва селекция. Биотехнология ва генетика. Генетика ва тиббиёт. Ирсий касалликлар. Генетика ва экология.

Ген мутациялари. Репликация, репарация, рекомбинация ва мутацион жараён.

Биологик кимё. Статик, динамик, функционал биокимё. Ўсимликлар, ҳайвонлар, микроорганизмлар ва одам биокимёси. Ферментология.

Нормал ва патологик ҳолатларда организм ҳаёт фаолияти негизида турувчи биокимёвий жараёнларнинг молекуляр асосларини ўрганишнинг замонавий услублари.

Умумий, тиббий, саноат, геологик, ветеринар, қишлоқ-хўжалик микробиологияси. Микроорганизмларни микроскопик, биологик, культурал, молекуляр-генетик, серологик текширишда замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар қўлланилиши.

Иммунология, клиник иммунология, аллергология. Иммунитет танқислиги касалликлари, иммунопрофилактика, трансплантация, вакцинация масалалари.

Суд тиббиёти. Тирик шахслар экспертизаси, суд тиббий танатология, гистология, травматология, токсикология, биология, цитология, генетика, криминалистика ва суд тиббий психиатрияning мақсад ва вазифалари.

Тиббий кимё. Белгиланган биологик фаоллик турига эга дори воситалари, дори препаратлари таъсирининг молекуляр механизмларининг кимёвий жиҳатлари, кимёвий структура ва физиологик фаоллик орасидаги боғлиқлик.

Фармакология: фармакодинамика ва фармакокинетикани ўрганиш услублари. Фармакоэпидемиология. Фармация. Биокимёвий фармакология. Клиник фармакология. Молекуляр фармакология. Фармакогеномика. Экспериментал фармакология.

Биофизика, биомеханика, тиббий физика мақсад ва вазифалари.

Топографик анатомияни ўрганиш усуллари: голотопия, скелетотопия, синтопия, КТ, МРТ, МСКТ, рентгенологик текширувлар, допплерография, УТТ. Топик ташхис ва status localis тушунчаларининг клиникадаги аҳамияти.

Оператив хирургияда қўлга киритилган ютуқлар: замонавий миниинвазив операциялар, роботлаштирилган операция хоналари, микрохирургия, трансплантация келажаги. Соҳа, аъзо, тўқима тури, жойлашишига боғлиқ холда оператив очиб кириш усулларини танлашнинг операция натижасига вабутуонрганизмга таъсири.

Ахборот технологиялари. Коммуникацион тармоқли ахборот технологиялари. Илмий ахборотларни излашда ихтисослаштирилган тизимлар. Матнли маълумотлар билан ишлаш технологияси. Интеллектуал технологиялар. Структурланган ахборотларни сақлаш ва таҳлил қилиш. Маълумотларни визуализациялаш технологиялари. Ментал карталар. Маълумотларни муҳофаза қилиш технологиялари. Биологик эксперимент натижаларини математик қайта ишлаш. Ахборот технологияларининг техник, дастурий, услугбий, математик, ҳуқуқий, лингвистик, ахборот таъминоти.

Тиббий биология фанларининг мазмун ва моҳиятини ўз ичига қамраб олган мавзуларни шакллантириш, уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдириш усулларини жорий қилиш, тиббий биология фанларига оид мавзуларнинг клиник фанлар мавзуларини ўрганишдаги аҳамиятини кўрсатиш.

Тиббий биология фанларини ўрганишда изчиллик, таҳлилий ёндашиш, фикрларни мантиқий тарзда баён қилиш, мустақиллик кўникмалари.

## **6.2. Тиббий биологик фанлардаги илмий-услубий янгиликлар ва ютуқлар.**

Тиббий биология фанлари доирасида халқаро миқёсда Ўзбекистон Республикасида эришилган ютуқлар.

Табиий ва сунъий, лаборатор ва ишлаб чиқариш экспериментлари. Маълумотларни қайта ишлаш усуллари. Далилларга асосланган тиббий текширувлар моҳияти.

QSAP/QSPR («Quantative StructureActivityRelationship/Quantative Structure PropertyRelationship») услублари, ADMET технологияси. *in vivo*, *in vitro* ва *in silico* текшириш услублари.

Нанотиббиёт. Сунъий қўз тўр пардаси. Бионик қўз. Нейтрон микроскоп. Сунъий хромосома. Сунъий компонентлардан тузилган ДНК. Пулсациялаш қобилиятига эга сунъий томир протезлари. Сунъий ДНКлитирик ҳужайра – синтетик бактериал ҳужайра – Синтия. Сунъий рибосома.

Эмбрионал ва етук тўқималардан олинган ўзак ҳужайралар. SRISPR иммунтизимини нг аниқланиши. Ёшлик эликсири (қондаги GDF11 омил). iLIMB бионик қўл.

Фикр кучи билан бошқариладиган биопротез. Мияда хотирани ёзиш ва қайта ёзиш. Биологик мияга эга робот. Сунъий юрак AbioCor. Биосунъий жигар. Сунъий бачадон. Камерали таблеткалар. Чүчқа ва одамнинг биринчи гибриди – химера.

Антивирус ва антимикроб ҳоссасига эга “Урумин” препарати. Хромосом терапия.

Тиббий биологияфанларини ўқитишида замонавий лаборатор-инструментал текширув технологияларданфойдаланиш. Биологик,гистологик,анатомик,визуализацион,биокимёвий,генетик,молекуляр,функционал текшириш услуглари методологияси.

## **7. ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ**

Қайта тайёрлаш ва малакаоширишкурсларида педагогик амалиёт очиқ маъruzалар ва амалий машғулотлар ўтказиш,ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолдаамалгаоширилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар.**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар,кейслар,ўқув лойиҳалари,технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавийтаълимуслублари ванивационтехнологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари,мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан,электрон ресурслардан,тарқатма материалларданфойдалаништавсия этилади.

### **Мустақилтаълим ни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Мустақилтаълимқайта тайёрлаш ва малакаоширишкурсларининг масофавийтаълимтизимидағи тегишли ўқув-методик ресурсларини мустақил равища ўзлаштириш шаклидаамалгаоширилади. Шунингдек,мустақилтаълимжараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиғакиритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар,тегишли соҳа бўйича илмий журналлар,Интернет ресурслари,мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариандаги манбаалардан фойдаланилади.

## **8. АДАБИЁТЛАР**

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.:“Ўзбекистон”,2011.
2. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз– Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### **Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон,2019.
2. Ўзбекистон Республикасининг “таълимтўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил26 сентябрдаги “Олийтаълиммуассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасиниошириштизиминиянада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олийтаълиммуасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасиниошириштизиминиянада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикасининг“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидалариниамгаширишчора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонлиФармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олийтаълимтизиминиянада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатиниошириш да иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлаттаълимхизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда

Ўзбекистон Республикасининновационривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олийтаълиммуассасаларидаатълимсифатиниширишва уларнинг мамлакатдаамалгаширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиштизиминиянада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

### **Махсус адабиётлар**

1. Айзман Р. И. Проблемы подготовки преподавателя ОБЖ и пути их решения // Вестник НГПУ. – 2014. – №5. – С. 9-19.
2. Государев И. Б. К вопросу о терминологии электронного обучения. Человек и образование. – 2015, – №1 (42). – С. 180-183.
3. Жорина Л. В. Частная медицинская вирусология: моногр. – М.: Феникс,– 2007. – 208 с.
4. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г. М.,Бочкова Р. В. – 2-е изд.,перераб. и доп. – М.: Дашков и К,2018. – 304 с.
5. Ишмухamedov Р. Ж.,Юлдашев М.таълимва тарбиядаинновационпедагогик технологиялар. – Т.: “Ниҳол” нашриёти,— 2013,—2016. –2796.
6. Каримова В. А.,Зайнутдинова М. Б. Информационные системы. – Т.:Алоқачи,—2017. –256 с.
7. КаримоваВ. А.,ЗайнутдиноваМ. Б.,Назирова Э. Ш.,СадиковаШ. Ш. Тизимлитаҳлиласослари. – Т.:Ўзбекистонфайласуфлармиллийжамиятиянашириёти”,–2014. –192 б.
8. Креативная педагогика. Методология,теория,практика. / под. ред. Попова В. В.,Круглова Ю. Г. З-е изд. –М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”,–2012. –319 с.
9. Новиков,В. Е. Мотивация – ключевой фактор академической дисциплины и успеваемости студентов [Текст] / В. Е. Новиков // Фармация и общественное здоровье: сборник статей. – Екатеринбург,–2011. – С. 196-198.
10. Новиков,В. Е. Нравственное воспитание в медицинском образовании в современных условиях [Текст] / В. Е. Новиков,Е. В. Пожилова,Е. И. Климкина // Вестник Смоленской гос. медицинской академии. – 2014. – Т. 13,№ 1. – С. 76-78.
11. Основы медицинских знаний: учеб,пособие / сост.: Р. И. Айзман,В. Г. Бубнов,В. Б. Рубанович,М. А. Суботялов. – Новосибирск: АРТА,–2011. – 224 с.

12. Особенности преподавания медико-биологических дисциплин в подготовке психологов [Текст] / Л. К. Антропова, Г. Я. Двуреченская, Л. А. Козлова [и др.] // Медицина и образование в Сибири. – 2010. – № 3. – С. 8.
13. Платонов И. А. Необходимость средств технической поддержки дидактического материала на лекции [Текст] / И. А. Платонов, В. Е. Новиков // Актуальные проблемы педагогики высшей медицинской школы. – Смоленск: СГМА, 2011. – С. 15-16.
14. Платонов, И. А. Лекция как экспертный обзор современных знаний [Текст] / И. А. Плато-нов, В. Е. Новиков // Актуальные проблемы педагогики высшей медицинской школы. – Смоленск: СГМА, 2007. – С. 15-16.
15. Престиж профессии врача и нравственное воспитание современного студента [Текст] / О. С. Левченкова [и др.] // Вестник Смоленской гос. медицинской академии. Специальный выпуск. Актуальные проблемы педагогики высшей медицинской школы. – 2014. – С. 156-159.
16. Соколков, Е. А. Психолого-педагогические основы профессиональной подготовки специалиста в высшей школе [Текст]: учебник / Е. А. Соколков. – Новосибирск: НГИ, 2004. – 464 с.
17. Управление в высшей школе: опыт, тенденции, перспективы: аналитический доклад [Текст] / В. М. Филиппов, Б. П. Агранович, В. М. Кутузов [и др.] // Руководитель авторского коллектива В. М. Филиппов. – М.: Логос, – 2005. – 540 с.
18. Юсупбеков Н. Р., Алиев Р. А., Алиев Р. Р., Юсупбеков А. Н. Башқаришнинг интеллектуал тизимлари вақарорқабулқилиш. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, – 2015. – 572б.
19. Cimini, Domenico, Marzano, Frank S., Visconti, Guido, Applications for Climate, Meteorology and Civil Protection. 2007.
20. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Vook 1, 2.
21. John Tiyefenbacher, Approachestodisastermanagement- examining the implications of hazards, emergencies and disasters. 2011.
22. Larry Biyelawski David Metcalf Blended eLearning: Integrating Knowledge, Performance, Support, and Online Learning, 2003 by HRD Press, Inc.
23. Mark A Friyend, James P Kohn, Fundamentals of Occupational Safety and Health. 2015.
24. Means, B., Toyama, Y., Murphy, R., Bakia, M., & Jones, K. (2010, September). Evaluation of Evidence-Based Practices in Online Learning: A Meta-Analysis and Review of Online Learning Studies.
25. Nataliye Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.
26. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

27. WilliamRice. Moodle E-Learning CourseDevelopment - Third Edition.  
PacktPublishing– ebooksAccount; 3 edition 2015. - 350 pp.

### **Интернет сайтлар**

1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
3. <https://ziyonet.uz/>
4. <https://meduniver.com/>
5. <https://www.udemy.com/ru/>
6. <https://www.adaptlearning.org/>
7. <https://ru.khanacademy.org/>
8. <https://codecombat.com/>
9. <https://blendedlearning.pro/>
10. <https://www.ispring.ru/>

## Модулбўйича соатлар тақсимоти.

№	<b>Модул мавзулари</b>	Тингловчининг ўқув юкламаси,соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Мустакилтальим
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
<b>Назарий қисм(маърузалар)</b>						
1.	Тиббий биологик фундаментал фанларни ўқитишида замонавий ёндошувлар.			2		
2.	Тиббий биологик фанларни ўқитишида лойиҳалар услуби технологияси.			2		
3.	Креативлик – инновацион ривожланиш негизи.			2		
	<b>Жами</b>	<b>6</b>		<b>6</b>		
<b>Кўчма машғулот</b>						
1.	Тиббий биологияфандарини ўқитишида замонавий лаборатор-инструментал текширув технологияларданфойдаланиш.				4	
2.	Биологик, гистологик, анатомик, визуализацион, биокимёвий, генетик, молекуляр, функционал текшириш услублари методологияси.				4	
	<b>Жами</b>	<b>8</b>			<b>8</b>	
<b>Амалий машғулотлар</b>						
1.	Тиббий биологик фанларни клиник фанлар билан интеграциялаган ҳолда ўқитиш асослари.			2		
2.	Касаллик (нозологик шакл ёки бирлик), синдром, симптом тушунчаларининг тиббий-биологик фанлар миқёсидаги аҳамияти.			2		
3.	Фундаментал ва клиник фанларни ўқитишнинг узлуксизлик тамойиллари муаммоси.			2		
4.	Тиббий биологик фанларини ўрганишда изчиллик, таҳлилий ёндашиш, фикрларни мантиқий тарзда баён қилиш, мустакиллик кўникмалари.			4		
	<b>Жами</b>	<b>10</b>		<b>10</b>		

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Тиббий биологик фундаментал фанларни ўқитишида замонавий ёндошувлар.**

Инновация ва фоя. Инновацион технология асосида ишлашда педагог ва талаба муносабатлари.Инновацион педагогик фаолият модели. Педагогик технологиянинг тамойиллари.Таълим жараёнини лойиҳалаш даражалари ва тамойиллари.

### **2-мавзу: Тиббий биологик фанларни ўқитишида лойиҳалар услуби технологияси.**

Лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш босқичлари ва асосий йўналишлари.Лойиҳалар услубидан фойдаланишга қўйилган асосий талаблар.Лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш босқичлари.Лойиҳалар туркуми ва турлари.

### **3-мавзу: Креативлик – инновацион ривожланиш негизи.**

Креатив ўқитишининг хусусиятлари. Креатив ўқитишининг мақсади. Креатив компетенциялар. Креативлик ривожланганлик даражасини белгиловчи мезонлар. Креативлик методикасининг масалалари. Креативликни ривожлантиришга қаратилган услублар.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот:**

#### **Тиббий биологик фанларни клиник фанлар билан интеграциялаган ҳолда ўқитиши асослари.**

Фанлар кесимидағи таълим. Фанлараро интеграциянинг энг асосий вазифаси. Фанлараро интеграциянинг самараси. Интеграция сўзининг маъноси.Фанлараро боғланиш вазифалари.Фанлар интеграциясининг таркибий қисмлари.

### **2-амалий машғулот:**

#### **Касаллик (нозологик шакл ёки бирлик), синдром, симптом тушунчаларининг тиббий-биологик фанлар миқёсидаги аҳамияти.**

### **3-амалий машғулот:**

#### **Фундаментал ва клиник фанларни ўқитишининг узлуксизлик тамойиллари муаммоси.**

Фундаментал ва клиник фанларни ўқитишининг узлуксизлиги масалалари. Фанлараро боғлиқликларнинг долзарблиги ва зарурлиги, унинг шакллари, кутилган натижалари, мавжуд тўсиклар ва уларни бартараф этиш йўллари.

Фундаментал табиий фанлар ва клиник фанларни ўзаро боғлиқликда ўқитиши жараёнининг истиқболлари.

#### **4-амалий машғулот:**

**Тиббий биологик фанларни илмий-методологик жиҳатдан ўргатишда изчиллик, таҳлилий ёндашиш, фикрларни мантиқий тарзда баён қилиш, мустақиллик кўникмалари.**

Тадқиқотларда билимларнинг илмий усуллари. Экспериментал тадқиқотлар. Илмий тадқиқот методологияси ва методикаси. Илмий тадқиқотлар, унинг моҳияти ва хусусиятлари. Тадқиқот услубиятининг асосий компонентлари.

### **II. ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- ўқув ишини ташкиллаштиришнинг интерфаол шаклларидан: бинар маъруза, савол-жавобли маъруза, сухбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

- ўқувфаолиятини ташкил этиш шакллари сифатида қуидагилардан фойдаланиш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидуал;

## **IV. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

Таълимнинг интерфаол методлари – бу шахс психологияси, ўкув психология, катталар педагогикасининг энг янги тамойилларига асосланган машқ ва тренинглар орқали ўтадиган таълим методидир. Интерфаол методларда иштирокчи шахси асосий марказда бўлади. Тренинг жараёнида унинг лаёқат ва сифатлари ривожлантирилади. Интерфаол методлар ёрдамида таълим олувчи онгли равишда муаммони ҳал қилиш, қарор қабул қилиш ва мустақилликни англайди.

Интерфаол ишнинг асосий тамойили, гурух иштирокчиларининг ўзларини реал, ҳаётий вазиятга тушириш ва жавобларни ўзлари топишларига имкон яратиш. Интерфаол ёндашувнинг афзаллиги, инсон ўзи ўйлаган, топган ва тажриба орқали эришган маълумотларини осонроқ ўзлаштиради.

*Иштирокчилар тажрибасига мурожаат қилишимиз лозим: таълимнинг қайси интерфаол методларини биласиз? Биз дарсизмизда қайси интерфаол методлардан фойдаландик?*

Иштирокчилар методлар билан бирга машқларни ҳам айтишлари мумкин. Ёзилган фикрларга асосланиб, уларнинг қай бири машқ, кай бири метод эканлигини тушунтиринг. Мақсаддан келиб чиқсан ҳолда, машқларнинг ичida методлар ишлаб чиқилиши мумкинлиги ҳакида тушунча беринг.

### **Гуруҳлар иши**

Иштирокчиларни 4 гуруҳга ажратинг. Ҳар бир гурух алоҳида метод устида ишлашини тушунтиринг: 1-гурух «Ақлий ҳужум», 2-гурух «иашчанлик ўйини», 3-гурух «жуфтликлар иши», 4-гурух «ролли ўйин».

Вазифа: Методни тақдимот қилишни ўйлаб қўринг ва тақдимотга тайёрланинг ҳамда ушбу саволларни кўриб чиқинг:

- Қандай мақсадда қўлланади?
- Бу методни қўллашда нималарга эътибор бериш керак?
- Бу методнинг афзаллиги нимада?

Гуруҳлар тақдимоти. Ҳар бир гурух тақдимотидан кейин, тренер kommentariя беради, фикрларни тўлдиради ва саволларга жавоб беради.

### **Ақлий ҳужум.**

Ақлий ҳужум – педагог қўйган савол ёки муаммо юзасидан ҳар бир тингловчи ўз фикрини баён этишга имкон берувчи ўқув услубидир. Услуб моҳияти: «Бир калла яхши, иккита калла ундан яхши» принципи бўйича педагог томонидан белгиланган вазифа ва саволлар юзасидан эҳтимол тутиладиган ҳамма фикрлар вариантларини бир ерга жамлай олишда, истисно тариқасида таълим олувчининг барча фикрлари, жумладан

айтарли тўғри бўлмаганликлари ҳам инобатга олинади». Баён этилган фикрлар кейинги таҳлилда тингловчиларнинг қўйилган савол ёки муаммони тўғри тушунишларига имкон беради (тингловчиларга савол берилади, барча ғоя ва таклифлар ёзиб борилади).

### **«SCAMPER» усули.**

«SCAMPER» услуги янги фикрларни юзага келтиришни стимулловчи маълум бир саволларни қўйиш схемасидир, бошқача қилиб айтганда – бу креативлик услуги.

«SCAMPER» – бу, ўрганилаётган муаммонинг хусусиятлари устида мустақил ишлашни баён қилувчи сўзларнинг ҳарфлар билан белгиланган аббревиатураси ҳисобланади.

«SCAMPER» – бу:

**S**— Substitute (алмаштириш).

**C**— Combine (бирлаштириш).

**A**— Adapt (мослаштириш).

**M**— Modify/Magnify (модификациялаш, катталаштириш).

**P**— Put to Other Uses

(бошқачақўллаштавсиясиёкибошқасоҳалардақўллаш).

**E**— Eliminate (бартарафқилишёкиминимумгачаўзгартириш, қисқартириш).

**R**— Rearrange/Reverse (тартибиниўзгартириш).

Бу технологияни қўллашдан олдин масалани аниқ қўйиш зарур: ечими топилиши керак бўлган муаммони ёки қайта ишланиши лозим бўлган ғоя (фикр)ни аниқлаштириш.

**Технологиянинг мақсади:** мураккаб масалаларни ечишда янги ғоялар қидириб топишга ёрдам берадиган самарали схема. Бу технологиянинг келиб чиқишига барча янги ғоя ёки фикрлар эскиларининг модифициранган шакли эканлигига тасдиқловчи кузатувлар сабаб бўлган.

#### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларгамавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига «SCAMPER» технологиясининг босқичлари ёзилган қофозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари гурухий тартибда тақдимот қилинади.

«SCAMPER» усули қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**SUBSTITUTE (алмаштириш)** – мавжуд бўлган муаммонинг, жараённинг, ҳаракатлар тартибининг бир қисмини нима билан ва қандай қилиб алмаштириш ҳақида фикрлаш, бу ўз-ўзидан янги ғоялар пайдо бўлишига олиб келади.

**Саволлар:**

1. Таркибий қисмларни қандай қилиб ва нима билан алмаштирса бўлади?
2. Мавжудқоидаларни қандай қилиб ванимабилан ўзгартирса бўлади?
3. Қандай қилиб ванимабилан шаклни алмаштирилса бўлади?
4. Жараён қатнашчиларини нима билан ва қандай қилиб алмаштирилса бўлади?
5. Ҳодиса ёки жараён номини ўзгартирилса бўладими?
6. Бир қисмни бошқаси билан алмаштирилса бўладими?
7. Ушбу ғояни янги йўналишда қўллаб бўладими?
8. Жараён ёки ҳодиса билан боғлиқ хиссиётларимизни ўзгартирилса бўладими?
9. Жараён ёки ҳодисага, обьектга нисбатан ўзимизнинг муносабатимизни ўзгартирилса бўладими?

**COMBINE (бирлаштириш)** – олдингизга қўйилган муаммонинг ечимини топиш учун муаммони бир нечта қисмларини бирлаштириш ёки ушбу қисмларнинг ўзаро таъсирини кучайтириш имконияти борлиги ҳақида ўйланг. Креатив фикрлаш ва ғояларни генерациялаш муаммонинг мавжуд бўлган, аммо азалдан ўзаро боғланмаган қисмларини қўшиш ёки йўқ нарсани яратишни таҳмин қиласди.

**Саволлар:**

1. Бир нечта ўй-фикрлар натижаларини ёки уларнинг қисмларини бирлаштириш мумкинми ва қандай қилиб?
2. Олдимизга қўйилган масалани бошқаси билан бирлаштириш мумкинми?
3. Қўллаш соҳасини кенгайтириш учун нимани бирлаштирилса бўлади?
4. Нималар бирлаштирилиши мумкин?
5. Натижага эришиш учун турли имкониятларни бирлаштирилса бўладими?

**ADAPT (мослаштириш)** – мавжуд бўлган ғоялар ва усуллар ёрдамида янги масалаларни ечиш ҳақида ўйлаб қўринг. Айнан шу нарса энг керакли ечим бўлиши мумкин. Бу ерда шунга асосланиш керак-ки, янги ғоялар ҳозирда мавжуд бўлган ғояларнинг қисмларидан ташкил топади.

**Саволлар:**

1. Аналоглар борми, ва у нимага ўхшаш мумкин?
2. Шунга ўхшаш нарса билан танишманми?
3. Бу вазиятдан яна нимани олиш мумкин?
4. Бу муаммони ҳал қилиш учун бор нарсаларнинг қайсисидан фойдалана олишим мумкин?
5. Ўзим учун ишлатиш мақсадида кимнингдир ғоясини қўллай оламанми?
6. Менинг концепциям бошқа контекстда намоён бўлиши мумкинми?
7. Қўллай олишим мумкин бўлган бошқа соҳадаги ғоялар борми?

**MODIFY/MAGNIFY (модификациялаш, катталаштириш)** – мавжуд ғояларни кенгайтириш ёки модификациялаш усулларини излаш. Бундай йўл билан нафақат муаммо ечимининг айни вақтдаги вариантларини ўзгартириш, балки муаммони янги ракурс остида кўриш

имкониятига эга бўлиш, шунингдек ҳаракатлар самарасини ошириш мумкин.

Саволлар:

1. Нимани ва қандай қилиб модификациялаш мумкин?
2. Қайси ғояларни кенгайтириш мумкин ва қандай қилиб?
3. Энг катта самарага олиб келувчи нимани бажариш мумкин ва қандай қилиб?
4. Буни осонгина қайта қилиш иложи борми?
5. Мавжуд бўлган ғоя ва концепцияларга қўшимча баҳо берса бўладими?

**PUTTOOTHERUSES** (**бошқача қўллаш тавсияси ёки бошқа соҳаларда қўллаш**). Айнан шу вақтдаги ғояни бошқа соҳаларда қўллаш имкони борми? Олдин қўлланилган усуллар орасида ҳозирги муаммони ечимини топиш учун ёрдам берадиган бирон нарса борми? Кўпгина ҳолатларда бир нечта масалаларни фақат биттагина усул билан ечиш мумкин, фақат бу имкониятни кўра билиш керак.

Саволлар:

1. Буниянақандайқилибқўллашмумкин?
2. Буирежалаштирилганнарсаданташқариянабошқасигақўллашмумкинми и?
3. Шугоянибошқаларқандайқилибқўллайолишимумкин?
4. Мавжудғояниўзгартирганҳолдақўллашмумкинми?
5. Агаршугоянименҳозиргинабилганбўлсамуниқандайбаҳолаганбўлардим ?

**ELEMENTATE** (**бартараф қилиш ёки минимумгача ўзгартириш, қисқартириш**). Сизнинг ҳозирги ғоя ёки концепциянгизни қайта ишлаш мақсадида унинг баъзи қисмлари олиб ташланса ёки минималлаштирилса нима содир бўлишини фараз қилинг. Бир нечта таркибий қисмларни олиб ташлашга ҳаракат қилинг, – бу муаммолар доирасини кичиклаштиришга ёки умумийдан частнқй га ўтишга ёрдам беради.

Саволлар:

1. Муаммони соддалаштириш имкони борми?
2. Жиддий ўзгаришларга олиб келмасдан контекстдан нималарни олиб ташлаш мумкин?
3. Қайси шарт мажбурий эмас?
4. Можно ли сделать исключение из правил?
5. Муаммони бир нечта қисмларга ажратиш мумкинми ёки шартми?
6. Муаммони анча кам ҳажмда келтириш мумкинми?

**REARRANGE/REVERSE** (**тартибини ўзгартириш**). Тескари тартибда ҳаракат қилиш, ҳаракатлар кетма-кетлигини ўзгартириш имкони бор ёки йўқлиги ҳақида ўйланинг, бунинг учун нима қилиш керак ва бу қандай кўринишда бўлади? Баъзи вазиятларда бу муаммонинг ечимини тез топишга имкон беради ва янги ғоялар пайдо бўлишига олиб келади.

Саволлар:

1. Қандай тартиб энг потимал бўлади?
2. Алоҳида қисмлар ўзаро алмашиш хусусиятига эгами?
3. Ҳаракатларнинг бошқа кетма-кетлиги бўлиши мумкинми?
4. Сабаб ва оқибатни ўзаро жойларини алмаштириш мумкинми?
5. Ижобий ва салбий жиҳатларни ўрнини алмаштиrsa бўладими?
6. Муаммони тескари тартибда кўриб чиқсак нима бўлади?
7. Агар мен энг охирдан ҳаракат қилсан нима бўлади?

«SCAMPER» услуби етарлича оддий, лекин биринчи қарашда бошқача туюлиши мумкин. Шу нарсани тушуниб олиш керак-ки, бу усул шаблонни парчалашни, муаммолар ечимини топишнинг янги усувларини излаш ва мавжуд ечимлар ҳамда ғояларга асосланган янги фикрлар генерациясини шакллантиришни белгилайди. Аммо бу усулни тўғри ва самарали ишлатиш учун тажриба керак, бўлмаса ундан маълум бир самара олиш мураккаб.

### **“KWL/KWHL креатив” усули.**

Таълим да қўлланиладиган графикли органайзерларнинг сони кўп. Графикли органайзерларни барча фанлар учун тайёрлаш мумкин, маҳсус таълим да эса улар талабалар билимни бошқаришда жуда ҳам фойдали ҳисобланади. Бу органайзерларнинг баъзилари конкретлаштирилган бўлса ҳам, улар орасида мия ҳужуми ва билимлар билан дастлабки танишиш борасида KWL-диаграммаси энг кўп ишлатилади. KWL-диаграммаси – бу график органайзер бўлиб, билимларни, саволларни, шунингдек олинган билимларни ёзиш учун мўлжалланган. Олий таълим да бошланғич курс талабалари учун ўқиши ва маълумот тўплаш борасида эътиборни бир жойга жамлашда KWL-диаграммаси жуда ҳам унумли ҳисобланади.

KWL-диаграммаси маълум бўлган маълумот ҳақида фикр юритиш, унга қизиқиши, янги маълумотларни топиш имкониятини беради.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

Типик KWL-диаграммасида учта устунча бор: К – “Мен нимани биламан”; W – “Мен нимани билишим керак”; L – “Мен нимани билдим?”. Мажбурий бўлмаган «Н» устунча (Н – “Мен қандай ўқийман?”) ҳам бор, бунда KWHL-диаграммаси ҳосил бўлади.

KWLдиаграммасининг биринчи устуни – бу “К”устуни, ёки “Мен нимани биламан” устунидир. Бунда талабаларнинг мавзу бўйича бошланғич билимлари мия ҳужуми усулини амалга ошириш орқали белгиланади. Талабалар ўзларининг билимларини калит сўзлар ёки қисқа гаплар билан изоҳлашади ва ёзишади. К устуни анча кенг информациони ўзида сақлайди, бунда йўналтирувчи саволлар қўлланилиши мумкин.

“W” устуни ёки “Мен нимани билишни ҳоҳлайман (билишим керак)” устуни мавзудан нималарни олиш ҳақида фикрлашга ундейди. Талабалар

ўзларининг дастлабки билимларини қўллаган ҳолда мавзу бўйича яна нималарни билиб олиши ҳақида ўйлаши керак. Бу устун талабаларни аниқ мақсад билан ишлашга ундаиди.

“Н” устуни, яъни “Мен қандай ўқийман” устуни талабаларга маълумотни қаердан излашни режалаштиришга ёрдам беради. Талабалар “W” устунидаги саволларни қўллаб, билим олиш учун қандай ресурсларни топиши ёки ишлатиши мумкинлиги ҳақида ўйлашади. Бунда ўқитувчи талабалар учун ресурсларнинг минимал миқдорини белгилаб бериши мумкин.

“L”устуни ёки “Мен нимани ўргандим (билдим)” устуни талабалар матн ёки масала устида олиб борган ишлари тутатилгандан кейин тўлдирилади. Бу ерда талабалар “W” устунидаги қўйилган саволларга жавоб беришади. Бундан ташқари, талабалар айни вақтда билиб олган қизиқарли нарсаларни ҳам ёзиши мумкин. Агар талабалар “W” устунидаги барча саволларга жавоб берга олмаса, унда жавоб топиш учун бошқа ресурсларни излашга рухсат берилади, асосийси саволлар жавобсиз қолмаслиги лозим. “L”устунидаги барча саволларга жавоб берилиши керак.

K Мен нимани биламан	W Мен нимани билишим керак?	L Мен нимани билдим?

K Мен нимани биламан	W Мен нимани билишим керак?	H Мен қандай ўқийман?	L Мен нимани билдим?

### “Дизайн фикрлаш” методи.

Олий таълим муассасаси педагог кадрларини интеллектуал ижодкорлигини ривожлантириш билан бирга уларнинг педагогик фаолиятини креатив олиб боришда дизайн-фикрлаш технологиясидан фойдаланиш таълим сифатини янада ошириш га хизмат қиласди.

Дизайн-фикрлаш (инг. *Design - thinking*) технологияси – таҳлилга эмас, балки ижодий ёндашувга асосланган бўлиб, муҳандислик, педагогик ва бошқа соҳаларда қўлланилади.

Дизайн-фикрлаш технологиясини қўллашнатижасида янги ғоялар орқали муаммонинг ечими топилади. Ушбу технологиянинг назарий ва амалий машғулотларида қўлланилиши натижасида тингловчиларнинг мавзу юзасидан чуқур билимга эга бўлиши билан бир қаторда интеллектуал салоҳияти ва креативлиги ривожланди. Дизайн-фикрлаш технологияси мавзу юзасидан ечими маълум бўлмаган муаммоларни

тингловчиларнинг педагогик тажрибасидан келиб чиқиб ўрганиш ва тўсатдан пайдо бўлган ғояларни ифодалашга имкон берди. У тингловчиларда тасаввурни, ижодий-яратувчанлик қобилиятини ривожлантириб, янги ғояларга илҳомлантириди. Натижада, уларда мавзу юзасидан илмий манбалар билан ишлаш қўникмаси ва креатив компетенцияси ривожланди.

**Методнинг мақсади:** қадамба қадам амалга ошириладиган усул бўлиб оддийдан мураккабга қараб боради. Билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат киласиди.

1-босқич: **эмпатия** – тингловчи мавжуд муаммога максимал “кўмилиши”: муаммони ўрганиши, уни ҳар томонлама таҳлил қилиши ва тушуниб олиши керак.

2-босқич: **фокуслаш** – барча йигилган билимлар масалани ечиш учун конкретлаштирилади, аналитик фикрлаш ва асосий масалаларни топишга ўргатади.

3-босқич: **ғоя** – муаммо ёки масаланинг ечимини топиш учун керакли бўлган кўпгина ғоялар шакллантирилади, улар асосида прототиплар яратилади ва синалади. Турли вариантлар ичидан энг фойдалиси, камҳаражатлиси танлаб олинади. Бу ғояни тақлиф қилган ўқувчи уни ҳимоя қила олиши керак.

4-босқич: **прототип** – муаммо ечимини топишга ёрдам берадиган ғоянинг прототипини, моделини ёки макетини ясаш.

5-босқич: **тест** – прототипни амалиётда синаб кўриш. Прототипларни тестдан ўтказиш бир неча маротаба, итератив ва реал шароитларда амалга оширилиши мумкин.



### “SWOT-тахлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат киласиди.



### **Мавзу: Оператив аралашувларда қўлланиладиган оғриқсизлантириш услублари.**

Дарснинг мақсад ва вазифалари: операцияларда қўлланиладиган оғриқсизлантириш услублари ҳақида билим ва кўнимкамаларни шакллантириш. Оғриқсизлантириш услубларининг макро- ва микро тузилмаларига таъсирини баҳолаш. Оғриқсизлантириш турининг операция натижасига ва бутун организмга таъсирнинг аҳамияти ва оғриқсизлантириш асоратларини олдини олиш усулларини тушунтириш.

**Кўргазмали қуроллар ва уларни намойиш этиш:** Ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрлаб келинган, ушбу мавзуга оид материаллардан фойдаланиб оғриқсизлантириш услублари техникасини ўрганиш асосида олинган маълумотлар намойиш этилади.

#### **Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси:**

Метод: клиник анатомии фани бўйичаИнтернетбанкларида сақланадиган маълумотлардан вэлектрон анимацион слайдлардан фойдаланган ҳолда янги мавзуни тушунтириш. KWHL усулини қўллаш.

**Шакл:** гурухларда.

**Восита:** тарқатма материаллар, ахборот ва коммуникацион технологиялар имкониятлари.

**Назорат тури:** кузатиш, савол орқали, тестлар ёрдамида.

**Баҳолаш:** ўз-ўзини баҳолаш. Ўқитувчи томонидан баҳолаш.

**Дарсни ўтиш методикаси:** Машғулот бошида ўқитувчи талабаларга мавзуни ўрганишдан мақсад ва унинг вазифаларини эълон қиласди: Талабаларга ушбу мавзу юзасидан Кластерни тузиб, машғулот якунида топшириш вазифаси берилди. Талабалар оғриқсизлантириш турлари, уларнинг афзаллик ва камчиликларини, техникасиҳақида билим ва кўнимкамаларга эга бўлиши керак.

Ўқитувчи янги ўтиладиган мавзу юзасидан савол-жавоб ўтказади, талабаларни жавобларини эътибор билан эшитади, улар йўл қўйган хатоларни қайд этиб боради (бу талабаларнинг умумий билим даражасини ва улар томонидан қўйиладиган хусусий хатоликларни аниқлаш имконини беради.) ва тузатиб, тўлдириб боради. Сўнгра талабаларнинг жавоблари умумлаштиради.

Ундан кейин янги мавзуни маъруза шаклида баён этади. Маъруза давомида ўқитувчи мавзу юзасидан тайёрлаб келган анимацияли слайдларни видеопроектор ёрдамида экранга тушириб, намойиш қилиб боради.

**Янги мавзуни ўтиш методикаси:** Аввал ўқитувчи оғриқсизлантириш турлари ҳақида умумий маълумотлар беради. Шундан сўнг ҳар бир оғриқсизлантириш усули тўғрисида батафсил маълумотлар беради. Шу ерда, аввалдан ўқитувчи томонидан PowerPoint дастури ёрдамида тайёрлаб келинган слайдларёки ўқув-электрон мажмуа намойиш этилади. Слайдларни биринча сахифасида мавзунинг номи иккинчи сахифасида ушбу мавзунинг ўтишрежаси, кейинги сахифада мавзуга доир Интернет сахифаларини манзиллари кўрсатилади. Кейингисахифаларда эса ҳар бир оғриқсизлантириш усулларининг параметрлари навбат билан биологик объектлардакўлланилиши ва уларни ўрганиш ёрдамида аниқланадиган маълум бир жиҳатларислайдлар ёрдамида тушинтириб берилади. Ушбу мавзуни ёритиш давомида инсон организмига оғриқсизлантириш усулларининг таъсироқибатлари ва хусусиятлари намойиш этилади. Ушбу маълумотларниталабаларга ўз дафтарларига ёзиб боришлари талаб этилади. Дарс якунида бажарилган ишларрейтинг тизими бўйича баҳоланади. Талабалар билимини баҳолашда уларни ижодкорлигига алоҳидаэътибор қаратиш зарур. Шундан сунг, ўйга бериладиган вазифа тушинтирилади.

**Ўйгавазифа:** Талабаларга Интернет банкларидан фойдаланган ҳолдакейинги “Кон томирлар хирургиси” мавзуси бўйича анимацион тақдимот тайёрлаб келиш вазифаси топширилади.

Бундай усул ёрдамида машғулот олиб бориш ҳар бир талабада мустақил ишлаш қўникмасини ҳосил қиласди, ахборотлар излаб топиш жараёнида қизиқарли маълумотларга дуч келади ва ундағанга бўлган қизиқишини янада ортишига сабаб бўлади.

**Хуроса:** Талабалар мавзуни ўзлаштириш жараёнида ахборот технологиялардан фойдаланишталабаларни фаоллигини оширишга, натижада уларни фанга бўлган қизиқишлирини шаклланишига катта имкониятлар яратади.

## **V. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-маъруза.**

#### **Тиббий биологик фундаментал фанларни ўқитишда замонавий ёндошувлар.**

XXI асрда педагогдан ўз касбий малакасини муттасил такомиллаштириб бориш билан бирга инновацион педагогик технологиялар яратиш, уларни таълим жараёнида қўллашга лаёқатли бўлиш талаб этилмоқда. Педагогнинг инновацион фаолиятга тайёргарлик даражаси касбий малакасининг энг муҳим кўрсаткичига айланди. Педагогнинг инновацион фаолияти ижодий изланишлари, таълим шакли ва мазмунини такомиллаштириш йўлидаги илғор ғоялар яратиш, янгиликлар кашф этиш салоҳиятини намоён қиласди. Инновацион педагогик технологиялар воситасида ўқувчи-талабаларда ҳам яратувчилик, ижодкорлик, мустақил фикрлаш таълим мақсадларига ўз изланишлари, онгли ижодий муносабат орқали эришиш лаёқатини таркиб топтириш кўзда тутилади.

“Инновация” лотинча сўз бўлиб, янгиланиш, “янгилик” маъносини ифода этади, инновацион таълим-тарбия жараёнининг шакли ва мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилувчи янги ғоялар яратишни кўзда тутади. Педагогик инновациялар таълим сифати ва самарадорлиги ортишига хизмат қиласди.

Замонавий педагогларнинг фаол иш олиб бориши қатор касбий сифатлари қатори инновацион фаолиятга тайёрлик даражасини талаб этмоқда. Бундай фаолиятга лаёқатлилик даражаси таълим технологияси лойиҳаси ва унинг марказидаги педагогик ғояда аниқ намоён бўлади. Таълим технологиясининг яратувчиси – педагог назарий билим, амалий тажриба, илғор таълим методлари ва усулларини қўллаш маҳоратини эгаллаган бўлса, таълим сифати билан самарадорлиги кафолатланади.

Ҳар қандай ўқитиш технологияси муайян дидактик мақсадга йўналтирилар экан, унинг асосида аниқ педагогик ғоя ётади. Педагогик технологиялар моҳиятини ўқувчи шахсини хилма-хил жиҳатлардан ривожлантириш ғояси ташкил этгани учун турли хил мавзулар бўйича таълим технологиялари асосида ҳам айни шу ғоя ҳаракат қиласди.

Узлуксиз таълим босқичларида таълим технологиялари самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи интерфаол усуллардан кенг фойдаланилмоқда. Таълим амалиётида ўқитувчи улардан фойдаланишни режалаштирас экан дидактик мақсадни асос қилиб олади. Дидактик мақсад аниқ, уни амалгаошириш босқичлари, таълим усуллари белгиланган, аммо таълим технологияси нима асосига қурилади?

“*Фоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, жамият ва одамларни мақсад сари етаклайдиган фикр. Унда оламни билиш ва ўзгартириш мақсадлари, уларга эришиши йўллари ва воситалари мужассам бўлади*” – деб изоҳланган. Ушбу таърифни педагогик технологияларга тадбик қиласиган бўлсак, “таълим берииш ва ўзлаштириш усулларини

*яратиши, құллаш, уларни ягона тизимга келтириши”*нинг оптималь вариантларини тәдқиқ этиш деган таъриф келиб чиқади.

Замонавий таълим технологиялари бүйича қизиқарли кузатишлар олиб борган Анатолий Гин сўзлари билан айтганда: “*Бундай технологиялар талабаларни ягона фикр доирасидан озод қилиб, тафаккур осмонида эркин парвоз қилишларига имкон яратади*”. Бундай шароит яратища олим “очиқ топшириқлар”дан фойдаланишни маслаҳат беради. Бундай усулда талабалар креатив (ижодий) тафаккур юритишига, муаммо ечимиға турли йўллар, изланишлар орқали етиб боришга йўлланади. “Очиқ топшириқлар”нинг эса ечими кўп бўлади.

Демак, ҳар қандай педагогик технология янгиланишига, такомиллашишига йўналтирилган педагогик ғояларни тақазо этади. Таълим тизимиға хос инновация жараёнлари ана шу зарурат натижасидир.

Педагогик технология тамойиллари умумдидақтиқ принциплар (онглилик, фаоллик, кўргазмалилик, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги, таълим-тарбиянинг узвийлиги ҳамда узлуксизлиги, тушунарлилиги, билимлар пухталиги ва ҳ.к.) билан уйғунликда ўрганилади.

Инновацион технология асосида ишлашда педагог ва талаба муносабатларининг ўзгариш даражалари:

- педагог билимни ташувчи, етказувчи эмас, талабани ўқиш билим олишда ёрдамчи, маслаҳатчи, ташкилотчи раҳбарга айланади;
- унинг учун педагог-конструкторлаш, лойиҳалаш, алгоритмлаш, шараётида иш юритишига ўрганиб беради;
- икки томонлама фаол, маъсулиятли, ижодкорлик асосида иш юритиши малакаси шаклланади;
- талабани ўзини-ўзи ўқитиши, фаол ишлашида якка, жуфт, кичик гурухларда мустақил ишлаш мұхити ёрдам беради; ўқув жараёни индивидуаллаштирилади; таълим натижалари кафолатланади.

Ҳар қандай педагогик технология йўлловчи (йўналтирувчи), бажарувчи назорат қилувчи ва тузатувчи ҳаракатларни бирлаштиради.

Талабаларнинг аниқ, мўлжалли ҳаракатлари ўзлаштирилган ўқув материаллари, билимлар, кўникма ва малакаларни амалда қўллаш натижасига айланади. Айни дамда, янги малакалар ҳам шаклланиб беради. Ўқув ҳаракатлари давомида талабалар тақдим этилган топшириқларни ўрганиш, таҳлил қилиш, таққослаш, бажариш каби қатор фаолият турларини амалга оширадилар. Натижа эса бу ҳаракатлар якунидан юзага келади.

Дидактиқ мақсадларни изчил амалга ошириш тизимини яратиши орқали ўқув машғулотларининг самарадорлиги кафолатланади. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти мавхум эмас, аниқ мақсад ва вазифалар томон йўналтирилади. Натижаларни баҳолаш андозаси (этalon) ҳам биргалиқда яратилади. Нафақат ўқитувчи, балки ўқувчилар ҳам ўз-ўзини баҳолаш имконига эга бўладилар. Шу сабабли инновацион

педагогик фаолият модели дидактик мақсаднинг аниқлигини, белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш йўллари (метод, усул воситаларнинг) тўғри танланишини, ўқувчилар фаолиятини бошқаришни, ўқув мақсадларига йўналтириш ва таъсир кўрсатишни, мотивацияни кучайтиришни, ўқув машғулоти босқисма-босқич мазмунли, таъсирчан, самарали ўтишини қамраб олади.

Инновацион педагогик фаолият объектини таълим-тарбия олувчилик – ўқувчи-талабалар ташкил этгани учун бу жараён улар шахсига йўналтирилади. Шу сабабли ўқувчи шахсини шакллантириш ва юксалтиришга йўналтирилган инновацион педагогик жараён инсонпарварлик моҳиятига эга. Ўқитувчи-педагог ўз фаолиятини ижодий ташкил этар экан ҳар сафар янги изланишлар, янгича ёндашувлар туфайли дарс машғулоти шакли ва мазмунини янгилашга интилади, ўз қарашларини тажриба-синов тарзида амалиётга тадбиқ этади.

Инновацион педагогик жараён ўқитувчи фаолиятининг доимий ўсиб-улғайиб, такомиллашиб, янгиликлар билан бойиб боришини тақозо этади. Янги билимларни муентазам ўзлаштириб бориш, педагог шахсига, касбий маҳоратига нисбатан замонавий талабларга жавоб берадиган, яратувчилик қобилиятига эга бўлиш нафақат таълим-тарбия балки жамият талаби ҳамда эҳтиёжига айланди.

Бугунги қунга келиб ўқитувчи-педагогнинг инновацион фаолияти касбий маданияти билан компетентликнинг асосий таркибий қисмини ташкил қиласди.

Педагогик технология умумий дидактик тамойилларга эга бўлиши билан бирга, қўйидаги айнан ўзигагина хос бўлган тамойилларга ҳам эга.

**1. Бир бутунлик, яхлитлик тамойили** икки жиҳатни ўзида акс эттиради: 1) таълим, тарбия ҳамда шахс камолоти (тараққиёти) бирлиги; 2) педагогик технологиянинг муайян, қатъий тизимга эгалиги, “тизимлилик” тушунчаси бу ўринда ҳам маълум ўқув фанини ўқитиш жараёнига, ҳам умумий таълим жараёнига хосликни англатади.

**2. Асослилик (фундаментлик) тамойили** фанларнинг ўрганиш обьекти, ички моҳияти ва хусусиятларига кўра турли йўналиш (блок)ларга бўлиб ўрганиш афзалликларини ифода этади. Ўқув фанлари табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар тарзида туркумлаштирилган. Ҳар бир ўқув фани унинг учун “ўзак” саналувчи ахборотларга эга бўлиб, ушбу ахборотлар шахс томонидан фанлар асосларининг ўрганилиши, аниқ мутахассислик бўйича мустақил билим олиш, ўзлаштирилган билимларни кенгайтириб бориш йўлида таянч тушунчалар бўлиб хизмат қиласди. Бундай ёндашув маълум йўналиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш жараёнида фанлараро алоқадорлик хусусиятидан фойдаланиш имконини ҳам беради. Ўқув фанларининг муайян йўналишлар тарзда бириктирилиши шахс хотирасига нисбатан зўриқиши камайтиради, шунингдек, фикрлаш қувватини оширади, тафаккурнинг юзага келшини таъминлайди.

**3. Маданиятни англаш (маданий ҳаётнинг ривожланишига мувофиқлиқ) тамойили талабаларга ижтимоий жамиятнинг маданий тараққиёти даражасидан келиб чиқиб таълим берилишини назарда тутади.** Мазкур ўринда замонавий фан ва техника имкониятлари, хусусан, компьютер, мультимедия воситалари, шунингдек, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг эътиборга олиниши муҳим аҳамият касб этади. Эндиликда мутахассислар “*соҳа (ёки йўналиш)ларнинг ўзига хос жиҳатлари, бу борадаги назарий ва амалий билимларни чуқур билишлари, муайян фаолиятларни бажара олишлари, белгиланган муддатда аниқ вазифаларни ҳал этишга улгуришлари ҳамда маълум ютуқларга эриша олишлари*” ғояси етакчи ўрин тутувчи бозор муносабатлари шароитига пухта тайёрланиши лозим.

**4. Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштириш тамойили.** Инсонпарварлаштириш – инсон ва жамият ўртасида юзага келувчи муносабатлар жараёнида инсон омили, унинг қадр-қиммати, шаъни, ор-номуси, ҳуқуқ ва бурчларни ҳурматлашга асосланувчи фаолиятни ташкил этиш жараёни бўлса, инсонийлаштириш “*барча шароитлар инсон ва унинг камолоти (тараққиёти) учун*” деган ғоя асосида ташкил этилувчи фаолият жараёни саналади.

**5. Ўқитиб тадқиқ этиш, тадқиқ этиб ўқитиш тамойили.** Ушбу тамойил қуйидаги икки жиҳатни ёритишга хизмат қиласи: 1) таълим муассасаларининг ҳар бир ўқитувчиси ўз фани соҳасига талабаларни жалб қилган ҳолда тадқиқотларни олиб бориши лозим; 2) ўқитувчи таълим технологиясини ишлаб чиқади, уни амалиётда синаб кўради, кузатади ва тузатишлар киритади, яъни, у таълим жараёнини тадқиқ этади. Ўқитиш жараёнининг мазкур икки жиҳати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ўқитувчининг касбий ҳамда педагогик маҳоратини ошириб боришга ва талабаларни бўлажак мутахассислик фаолиятига пухта тайёрлаш учун замин яратади.

**6. Таълимнинг узлуксизлиги тамойили** таълим оловчиларнинг касбий сифатларга эга бўлишлари, мавжуд сифатларнинг ҳаётий фаолият давомида такомиллашиб боришини назарда тутади. Шахсга унинг бутун умри учун асқотиши мумкин бўлган билимларни бериш мумкин эмас, зеро, мавжуд билимлар ҳар беш-ўн йил мобайнида ўзгариб, мазмунан бойиб боради. Демак, мазкур тамойил ўқитувчининг ўз фаолиятида мустақил таълимни ташкил этишга эътибор бериши, педагог етакчилигини таъминлаган таълимдан талабаларнинг мустақил билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиб беришни ифодалайди.

**7. Фаолиятли ёндашув тамойили** назария ва амалиётнинг дидактик боғлиқлигига асосланади. Дидактика назариясида билим тушунчаси қуйидаги икки хил маънода изоҳланади: а) таълим оловчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар; б) улар томонидан ўзлаштирилиб, амалий фаолият жараёнида қўлланиладиган, шахсий тажрибага айланган билимлар. Билимлар фаолият жараёнида мустаҳкамланади, шу сабабли

талабаларда назарий билимларни амалда қўллай олиш иқтидорини тарбиялаш лозим. Амалиётдаги тадбиқига эга бўлмаган билимлар тез орада унутилиб юборилади.

Педагогик вазифанинг ҳал этилишига ўқитувчи ва талаба фаолиятларининг мазмунни, воситаларини лойиҳалаш орқали эришади. Замонавий шароитда таълим жараёнини технологиялаштириш уни лойиҳалашга нисбатан янгича ёндашув, яъни, таълим жараёнини технологик структурасига мувофиқ ёритиш заруратини тақозо этади.

Ўқитувчи касбий фаолиятини ташкил этишда таълим жараёнини лойиҳалаш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир ўқув курсини ўрганиш алоҳида мавзу ва бўлимларни лойиҳалаш асосида амалга оширилади.

Таълим муассасаларида таълим жараёнини лойиҳалаш икки даражада:

- а)** ўқитувчи фаолияти даражасида (таълим жараёнининг алоҳида қисмларини лойиҳалаш);
- б)** таълим менеджери фаолияти даражасида (таълим жараёнини яхлит лойиҳалаш) амалга оширилади.

Таълим жараёнини лойиҳалашда нафакат ҳар бир таркибий қисм, балки улар орасидаги алоқалар ҳам моделлаштирилди ҳамда лойиҳалаш қонуниятлари лойиҳалаш тамойилларининг назарий асосларини ишлаб чиқишига, педагогик фаолият амалиётида қўллашга замин тайёрлайди.

Моҳиятига кўра таълим жараёнини лойиҳалашнинг асосий тамойиллари қуидагилардан иборат.

**1. Марказлаштириш тамойилитехнологик жараёнда талабалар фаолияти моделини лойиҳалашнинг бош элементи сифатида ифодаланади.** таълим жараёни тузилмасида асосий тизимлаштирилувчи таълим мазмунни ва талаба фаолияти технологик жараён ҳисобланиб, унинг мазмунини талабаларнинг ижтимоий тажриба асосларини ўзлаштириб олишга йўналтирилган ўқув фаолияти ташкил этади. Ҳар бир ўқув фани бўйича таълим мазмуни умумий таълим мақсади ва вазифаларига мувофиқ белгиланади. Талабалар фаолияти модели тизимлаштирилувчи элемент бўлиб, талабанинг яхлит фаолияти мазмунини аниқлашга хизмат қиласади. Марказлаштириш тамойили лойиҳалашни қуидаги тартибда амалга оширишни талаб этади: фаолият моделиларини мақсадга мувофиқ яратиш, уларни талабалар томонидан ўзлаштириш усуллари, воситаларини танлаш (технологик операциялар), ўқув фаолиятини бошқариш усуллари (ўқитувчи фаолияти)ни асослаш.

**2. Рефлексивлик тамойилису бъектнинг ўзига, шахсий фаолиятига ва билимига баҳо бериши, ўзгаларнинг у ҳақидаги фикрлари ва улар ўртасидаги ҳамкорлик фаолиятига оид муносабатларни тавсифлайди.** Лойиҳалаш жараёнида ўқитувчига доимо таълим жараёни, унинг аниқ ва идеал шароитлари, талабаларнинг билишга бўлган эҳтиёjlари, уларни тўлдириш имкониятлари, шахсий сифат ва қобилиятлари, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш имкониятларини инобатга олиш

мақсадга мувофик. Рефлексивлик тамойили яратиладиган таълим жараёнининг лойиҳасини таълим жараёни иштирокчиси – субъектнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини таҳлил қилиш асосида узлуксиз тузатиб, тўлдириб боришни талаб этади.

**3. Натижавийлик тамойили** педагогик шарт-шароитларнинг қулайлиги, оз вақт ва куч сарфлаш эвазига самарали натижаларга эришишни тавсифлайди. Натижавийлик – ижтимоий тажриба фаолият моделлари мазмуни, технологик операциялар, уларни ўзлаштириш, бошқариш услубларини танлаш, ўқув фаолиятининг мувофиқлиги, таълим-тарбия воситалари, технологик жараёнда субъектнинг қисқа вақт ва куч сарфлаши воситасида белгиланган мақсадга эришишни назарда тутиши лозим.

**4. Кўп омиллийлик тамойили.** Ҳар бир таълим жараёни бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсирида амалгаошади. Улар сирасига ўқитувчи ва талабаларнинг ижтимоий-иктисодий ҳаёт шароитлари, таълим муассасалари атрофидаги ижтимоий ишлаб чиқариш ва табиий иқлим мухити, ўқув муассасасининг ўқув-моддий базаси, ўқитувчиларнинг касбий малака даражаси, таълим муассасаси ёки маълум синфдаги маънавий-психологик мухит, талабаларнинг ўқув имкониятлари, синфнинг интеллектуал салоҳияти, жамоанинг шахсларро муносабатлари киради. Таълим жараёнини лойиҳалашда ўқитувчи ана шу омилларни ҳисобга олиши зарур.

**5. Талаба шахсини таълим жараёнига мослаштириш тамойилига** мос ҳолда таълим жараёнининг самарали бўлиши, уни лойиҳалашда таълим мазмuni ва бошқа фаолият моделлари ҳисобга олиниши, уларни талабалар кундалик ҳаёт фаолиятида эгаллаб бориши таъминланиши зарур. Бу жараёнда шахсни ривожлантириш ва уни ижтимоий ҳаётга мослаштириш муайян қонуниятларга мувофик психолог ва социологларнинг иштироклари (психопедагогик ташхис хулосаси) зарурдир.

**6. Таълим жараёнида табиий ривожланиш ва ижтимоийлашув тамойили.** Табиий жараёнлар моҳиятини билиш таълим жараёнини самарали, талабаларнинг ёш хусусиятлари, сенситив ривожланиш даврлари, ривожланишнинг кейинги босқичига ўтиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш имконини беради. Тамойилнинг мазмуни таълимни ижтимоийлаштириш, талабалар томонидан ижтимоий тажрибани индивидуал қонуниятлар асосида ўзлаштирилиши билан изоҳланади.

Шундай қилиб, таълим жараёнини лойиҳалашда ўқитувчи лойиҳачи ва бажарувчи сифатида лойиҳани амалга оширишнинг қулай йўлини танлайди. Лойиҳалашда талабани ўқув фаолиятига йўналтирувчи усуллар, мустакил таълим шакли, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини ҳурмат қилиш имкониятларини аниқлаш зарур.

## **Назорат саволлари.**

1. Инновация нимани англатади?
2. Педагогик технологиялар нұқтаи-назаридан ғоя нимани таърифлаб беради?
3. Инновацион технология асосида ишлашда педагог ва талаба муносабатларининг ўзгариш даражалари.
4. Инновацион педагогик фаолият модели деганда нимани тушунасиз?
5. Касбий маданият ва компетентликнинг асосий таркибий қисми бу – ...
6. Педагогик технологиянинг тамойиллари.
7. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг икки даражаси.
8. Моҳиятига кўра таълим жараёнини лойиҳалашнинг асосий тамойилларини белгиланг.
9. Марказлаштириш тамойилида лойиҳалашнинг тартиби.
10. Рефлексивлик тамойили талаблари?
11. Натижавийлик тамойили нимани назарда тутади?
12. Таълим жараёнида кўп омиллийлик тамойилига нималар тааллуқли?

## **2-маъруза.**

### **Тиббий биологик фанларни ўқитишида лойиҳалар услуби технологияси.**

Лойиҳалар услуби мажмуали услугуб ҳисобланиб, ҳозирги вақтда ўқув жараёнида қўлланилаётган барча инновацион педагогик услубларни ўзида мужассамлаштиради.

Лойиҳа услуби – юзага келган муаммоларни ҳал қилиш йўлларини излашга қаратилган ўқувчи ва ўқитувчининг биргалиқдаги фаолиятидир. Ўқувчининг бутун билиш фаолиятини бошқариш ва ташкил этишда ўқитувчининг роли мухим (Д.Дъю).


Ўқув лойиҳаси – бу ўқув лойиҳаси устида ишлаш, аниқ «маҳсулот» (ложиҳа) кўринишидаги кўзланган мақсадга эришиш жараёнидир.

Педагоглар ушбу услугга дидактик вазифаларни ечиш мақсадида ёндошадилар. Таъкидлаш жоизки, бу услуг мажмуали услугуб ҳисобланади (лекин, универсал эмас), чунки ундан фойдаланиш бошқа муаммоли услубларни: кичик гурӯхларда ўқитиш, ақлий ҳужум, баҳс-мунозара, муаммога йўналтирилган ролли ўйинлар, рефлексия кабиларни биргаликда қўллашни талаб этади. Ушбу услубларнинг мажмуи шахсга йўналтирилган ўқитишининг дидактик тизимини ташкил этади ва касбий компетентликни шакллантиради. Шу сабабли, ушбу технологиянинг қўлланилиши ўқитувчидан инновацион ахборот технологияларни пухта эгаллашни ва алоҳида педагогик маҳоратни талаб этади.

Лойиҳа таркибини шакллантиришнинг асосий йўналишлари:

1. Лойиҳа мавзуси ва турини танлаш, қатнашчилар сонини аниқлаш.
2. Белгиланган мавзу доирасида муаммо вариантларини ўйлаш ва белгилаш.

3. Гурух бўйича вазифаларни тақсимлаш, тадқиқот усулларини муҳокама қилиш, маълумотларни излаш, ижодий қарорлар қабул қилиш.
4. Лойиҳа иштирокчиларини ўзларининг шахсий ёки гурухий тадқиқот ва ижодий вазифалари бўйича мустақил ишлаши.
5. Олинган маълумотларни гурухда оралиқ муҳокамаси (машғулотда, илмий тугаракларда, АРМда гурухий ишлаш давомида ва бошқалар).
6. Лойиҳа ҳимояси ва танқидий муҳокама.
7. Якунлаш, ташқи баҳолаш, олинган хулосалар ва натижаларнинг келажакдаги ўрнини белгилаш, ривожланишини олдиндан баҳолаш.



Лойиҳалар услубидан фойдаланишга қўйилган асосий талаблар қўйидагилар:

1. Муаммонинг тадқиқот ва ижодий аҳамиятга эгалиги, интеграллашган билим ва муаммо ечимида тадқиқот-изланишни талаб этиши.
2. Эҳтимол қилинган натижаларни амалий, назарий ва билим олишдаги аҳамияти.
3. Талабанинг мустақил фаолияти (шахсий, жуфтлиқда ва гурухда).
4. Лойиҳа мазмунини тузиш (босқичма-босқич натижалар кўрсатилган ҳолда).
5. Аниқ ҳаракат кетма-кетлиги кўрсатилган тадқиқот услубларидан фойдаланиш: муаммони ва ундан келиб чиқадиган тадқиқот вазифаларини аниқлаш; муаммо ечими бўйича фаразлар талқин қилиш; тадқиқот услублари муҳокамаси; охирги натижани баён этиш усуллари муҳокамаси (тақдимот, ролли үйинлар, видеоклип, маъруза ва бошқ.); олинган маълумотларни йиғиш, тизимлаш ва таҳлил қилиш; якунлаш, натижаларни қайд этиш ва тақдимот; хулосалар ва янги муаммолар талқини.

<b>Лойиҳалар туркуми</b>	
<b>1.Лойиҳадаги устун фаолият</b>  (тадқиқот, изланиш, ижодий, ролли, амалий)	тадқиқий,  амалий-мўлжалли,  ролли ўйинлар,  ахборот,  ижодий лойиҳалар.
<b>2.Фан-мазмуни соҳаси</b>	монолойиҳа (бир билим соҳаси доирасида);  фанлараро лойиҳа.
<b>3. Мулоқат усули</b>  (лойиҳавий фаолият жараёнида)	бевосита мулоқат;  коммуникацион технология (телекоммуникацион лойиҳа).
<b>4. Лойиҳа координацияси характери</b>  (қаттиқ, мосланувчан), яширин (аниқмас, лойиҳа қатнашчисини имитацияловчи, масалан, телекоммуникацион лойиҳаларда)	аниқ координацияли лойиҳалар;  яширин координацияли лойиҳалар (телекоммуникацион лойиҳалар)
<b>5. Мулоқат характери</b>  (гурухда, битта ўқув юрти доирасида, шахар, вилоят, давлат ва халқаро)	ўқув юрти доирасидаги лойиҳалар;  минтақавий лойиҳалар;  халқаро лойиҳалар (телекоммуникацион ложиҳалар).
<b>6. Лойиҳа қатнашчилари сони:</b>	шахсий (бир киши);  икки киши;  гуруҳли.
<b>7. Лойиҳа давомийлиги.</b>	қисқа муддатли (бир неча машғулотга мўлжалланган);  ўрта (бир ойдан яром йилгача);  узоқ муддатли (яром йилдан бир йилгача).

### **Лойиҳалар турлари.**

*Тадқиқот лойиҳалари* аниқ мақсад кўрсатилган, иштирокчиларнинг барчаси учун тадқиқот предмети долзарблиги таъминланган, ижтимоий аҳамиятли, услублар, шу жумладан тажрибалар сони, натижаларга ишлов бериш усуллари белгиланган шаклдаги пухта ўйланган таркибга эга бўлади.

*Ижодий лойиҳалар* лойиҳа иштирокчиларнинг биргаликдаги фаолиятида батафсил, ҳар бир элемент таҳлили кўзда тутилган таркибни талаб этмайди, асосий эътибор охирги натижага берилади ва гурухий фаолият мантиқига бўйсунади. Бундай ҳолда режали натижа ва уни тақдимот қилиш усули келишиб олинади. Шу сабабли лойиҳа натижаларини расмийлаштириш аниқ, пухта ўйланган таркибни талаб этади.

*Ролли, ўйинли лойиҳаларнинг аниқ таркиби лойиҳа бошида тахминан белгиланади ва лойиҳа якунига қадар очик туради. Лойиҳанинг мазмуни ва характерига мос ҳолда қатнашчилар маълум бир ролни олишади. Бунда лойиҳа муаммосига мос ҳолда келиб чиқадиган ишчи ёки ижтимоий муносабатларни касб этган муаммоли вазиятлар бўлиши мумкин. Бундай лойиҳаларнинг натижаси ё лойиҳа бошида белгиланади, ёки лойиҳа давомида шаклланади. Бунда ижодийлик (талабанинг ижодий қобилияти) даражада жуда юқори туради, лекин устун фаолият тури ролли-ўйин ҳисобланади. Оддий ролли-ўйинлардан лойиҳавий фаолият касб этган ролли-ўйинларда, қатнашчилар фақат аниқ олдиндан белгиланган ролни ўйнашмайди, балки турли манбалардан ўз роли бўйича маълумотларни тадқиқ қиласи, муаммоли вазиятни ва унинг эҳтимолли ечимларини очиб беришга интилади. Бу билан ўзининг нутқ ва муомула маданиятини кўрсатади ҳамда бойитади.*

*Ахборот лойиҳалари* кенг аудиторияга мўлжалланган бўлиб, иккиласми матнни яратиш мақсадида дастлаб қандайдир объект ёки ҳодиса тўғрисида маълумот йиғиш, лойиҳа иштирокчиларини ушбу маълумот билан таништириш, уни таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида амалга оширилади. Бундай лойиҳалар тадқиқий лойиҳалар каби пухта ўйланган таркибга эга бўлиб, лойиҳавий фаолият давомида унга тизимли тузатишлар киритиш имконини беришни талаб этади. Бундай лойиҳалар кўпинча тадқиқий лойиҳаларни тўлдириб, унинг бир қисми, модули сифатида ҳам бўлиши мумкин.

*Амалий лойиҳаларда* талаба фаолиятининг натижаси лойиҳа бошидаёқ аниқ белгиланган бўлади. Лойиҳа натижасини белгилашда албатта талабанинг ижтимоий манфаатлари ва қизиқишилари ҳисобга олинади. Бундай лойиҳа пухта ўйланган таркибдан иборат бўлиб, унда ҳар бир қатнашчининг функцияси белгиланган ҳолда барча қатнашчилар фаолиятининг сценарияси тузилади.

*Монолойиҳалар* битта фан доирасида ташкил этилади. Бунинг учун фаннинг энг мураккаб бўлими ёки мавзу олинади ва бир неча машғулот давомида лойиҳа амалга оширилади. Албатта монолойиҳа устида ишлаш бошқа фанлар бўйича олинган билимлардан ҳам фойдаланишни назарда тутади. Бунда лойиҳанинг мақсади ва вазифаси аниқ белгиланиши билан бир қаторда лойиҳа натижасида талabalар ўзлаштириши лозим бўлган билим ва кўникмалар ҳам режалаштирилади. Ҳар бир гуруҳ учун дарснинг мантиқий режаси ишлаб чиқилади. Қатнашчилар ўртасида вазифаларни талabalарнинг ўзлари тақсимлайдилар ва мустақил тақдимот шаклини белгилайдилар. Кўпинча бундай лойиҳалар шахсий ёки гурухий кўринишда дарсдан ташқари вақтларда ҳам (масалан илмий тугаракларда) давом эттирилади.

*Фанлараро лойиҳалар* асосан дарсдан ташқари вақтларда бажарилади. Бу бир неча фан доирасидаги унча мураккаб бўлмаган лойиҳа ёки маълум мураккаб масала ечимиға қаратиган лойиҳа бўлиши ҳам

мумкин. Лекин лойиҳа натижаси барча иштирокчилар учун аҳамиятли бўлиши зарур. Бундай лойиҳалар мутахассислар томонидан жуда малакали координацияни талаб этади. Чунки лойиҳа аниқ белгиланган тадқиқот вазифаларига эга, оралиқ ва якуний тақдимот шакли мукаммал аниқланган бир неча ижодий гурухлар билан амалга оширилади. Лойиҳа вақтидаги мулоқат усулига қараб лойиҳавий фаолият гуруҳда ёки бир таълим муассасаси доирасида бўлиши мумкин. Минтақавий ва халқаро ўқув лойиҳалари ҳамкорлар ўртасида мулоқат учун коммуникацион технологиялардан фойдаланишни талаб этади.

*Очиқ ва аниқ координацияли лойиҳаларнинг фаолият координацияси лойиҳа устида муваффақиятли ишлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Лойиҳа турига боғлиқ ҳолда координатор сифатида фан ўқитувчиси (монолойиҳаларда), ўқитувчи-координатор ёки муаммо бўйича мутахассис (ўқув муассасаси доирасидаги, минтақавий ва халқаро лойиҳаларда) иш олиб боради. Бундай лойиҳаларда координатор қуйидаги функцияларни бажаради: лойиҳа қатнашчиларини лойиҳа муаммоси бўйича йўналтиради; зарур ҳолларда алоҳида иштирокчилар фаолияти бўйича лойиҳа босқичларини ташкил этади; керак бўлганда бирор расмий муассасада учрашув ташкил этади; сўров(анкета)лар ўtkазади, мутахассислардан интервью олади, тақдимот олди маълумотларини тўплайди ва бошқалар.*


*Яширин координацияли лойиҳаларда координатор тармоқда ҳам, гурух иштирокчилари фаолиятида ҳам ўз функцияси бўйича иштирок этолмайди. У лойиҳанинг teng ҳуқуқли битта иштирокчиси сифатида қатнашади. Бундай ҳолатда координатор сифатида аниқ соҳа бўйича мутахассисёки тўлиқ маълумотга эга мутахассис сифатида ўқитувчи-координатор иштирок этади.*

*Ички ёки минтақавий (бир давлат чегарасида) лойиҳалар ёки бир таълим муассасаси ичida, ёки давлат миқёсида бир неча таълим муассасаси доирасида (телекоммуникация лойиҳалари) ўtkазилади.*

*Халқаро лойиҳалар асосан телекоммуникация лойиҳаларидир. Унда бир неча давлат вакиллари иштирок этишади ва унинг учун коммуникация технологияси талаб этилади. Кўпинча реал ҳаётда аралаш лойиҳалар, яъни тадқиқий ва ижодий, амалий лойиҳалар биргаликда учрайди. Ҳар қандай лойиҳа ўзига хос координация тури, бажарилиш муддати, ташкил этиш ва бажариш босқичи, қатнашувчilar сони бўлишини талаб этади. Шу сабабли, лойиҳани ташкил этишда унинг хусусий ва типологик белгилари ҳисобга олиниши зарур.*

Таъкидлаш жоизки лойиҳалар машғулотлар вақтида ёки дарсдан ташқари ҳам бажарилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам лойиҳанинг асосий қисми талабанинг мустақил дарсдан ташқари вақтдаги фаолияти бўлиши керак. Бу қўшимча маълумотларни излаш, уни таҳлил қилиш, мухокамага тайёрланиш, ҳамкорлар билан машғулотда баҳс-мунозараларга тайёрланиш билан боғлиқдир.

## Лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш босқичлари



Хулоса қилиб айтганда, лойиҳалар услуби юқори педагогик технологияларга киради ва у ўқитувчидан хам, талабадан хам катта тайёргарликни, талабанинг бутун ўқув фаолияти бўйича жиддий координациясини талаб этади. Шу билан бир қаторда лойиҳалар услуби талабани интеллектуаль ривожлантиришга, унда танқидий ва ижодий фикр-туйғуларни шаклланишига ёрдам беради. Бундай тизимли равишдаги ҳамкорликдаги фаолият ёшларда нафақат мустақилликни шаклланишига, балки уларда ўз ишига ҳамда гурӯҳ фаолиятига жавобгарликни ошишига хам олиб келади. Шу сабабли лойиҳалар услубини замонавий таълимтарбия тизими қўяётган талабларга жавоб берувчи таълим соҳасидаги энг самарали услублардан бири сифатида қараш мумкин.

### **Назорат саволлари.**

1. Лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш босқичлари.
2. Лойиҳа таркибини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.
3. Лойиҳалар услубидан фойдаланишга қўйилган асосий талаблар.
4. Лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш босқичлари.
5. Лойиҳалар туркуми.
6. Лойиҳалар турлари.

7. Ролли, ўйинли лойиҳаларнинг мақсади.
8. Ахборот лойиҳалари қайси лойиҳалар қисми ҳисобланади?
9. Монолойиҳалардан кўзланган манфаат.
10. Фанлараро лойиҳалар қачон қўлланилади?
11. Телекоммуникацион лойиҳаларга нима тааллуқли?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Абдураимов Ш. С. Касбтаълими тингловчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро интеграциянинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш: п. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. –Т.: - 2017. – 20 б.
2. Новиков, В. Е. Мотивация – ключевой фактор академической дисциплины и успеваемости студентов [Текст] / В. Е. Новиков // Фармация и общественное здоровье: сборник статей. – Екатеринбург, 2011. – С. 196-198.
3. Новиков, В. Е. Нравственное воспитание в медицинском образовании в современных условиях [Текст] / В. Е. Новиков, Е. В. Пожилова, Е. И. Климкина // Вестник Смоленской гос. медицинской академии. – 2014. – Т. 13, № 1. – С. 76-78.
4. Особенности преподавания медико-биологических дисциплин в подготовке психологов [Текст] / Л. К. Антропова, Г. Я. Двуреченская, Л. А. Козлова [и др.] // Медицина и образование в Сибири. – 2010. – № 3. – С. 8.
5. Платонов И. А. Необходимость средств технической поддержки дидактического материала на лекции [Текст] / И. А. Платонов, В. Е. Новиков // Актуальные проблемы педагогики высшей медицинской школы. – Смоленск: СГМА, 2011. – С. 15-16.
6. Престиж профессии врача и нравственное воспитание современного студента [Текст] / О. С. Левченкова [и др.] // Вестник Смоленской гос. медицинской академии. Специальный выпуск. Актуальные проблемы педагогики высшей медицинской школы. – 2014. – С. 156-159.
7. Соколов, Е. А. Психолого-педагогические основы профессиональной подготовки специалиста в высшей школе [Текст]: учебник / Е. А. Соколов. – Новосибирск: НГИ, 2004. – 464 с.
8. Ҳамидов Ж. А. Бўлажаккасбтаълимитингловчиларинитайёрлашдаўқитишнингзамонави йидиактивоситаларинияратишивақўллаштехнологияси: п. ф. бўйичафалсафадоктори (PhD) диссер. автореф. –Т.: - 2017. – 30 б.
9. Шарипов Ш. О., Абдурахмонов А. А. . Ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини ишлатишда педагоглар учун ёрдамчи дастурий воситалар // Фан, таълимва ишлаб чиқариш интеграциялашуви шароитида инновацион технологияларнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси I қисм илмий мақолалар тўплами. Т: – 2013.

10. Шоймардонов Т. Т. Педагог кадрлар малакасиниошириш и ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этишнинг электрон тизими: п. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореф. – Т.:– 2017. – 22 с.

### **З-маъруза.**

#### **Креативлик инновацион ривожланиш негизи.**

Дунёда инновацион ривожланишнинг глобал вазифаларидан бири инсонларда *креативлик*-ни шакллантиришдир. Бунда янги ғоялар ишлаб чиқариш, мураккаб жараёнларда ечим топа билиш, касбий фаолиятга ижодий ёндашиш, оқилона таваккалчиликка бўлган қобилият, касбий баркамоллик каби ҳаракатлар назарда тутилади.

ЮНЕСКО катталар таълимини XXI асрда «эшикларни очувчи калит» деб эътироф этди.

Жаҳон миқёсида педагог кадрларнинг ижодий салоҳияти, акмеологик компетентлиги ва креативлигини ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурлари орқали ўқитишнинг анъанавий ва замонавий методларидан комплекс фойдаланиш орқали ижтимоий-иктисодий юксалишнинг интеллектуал ресурсларини яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон миқёсида педагогика соҳасида олий таълим муассасаси педагогининг ижодий фикрлаши ва креативлигини ривожлантириш масалаларига қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Дунёдаги инновацияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш, профессор-ўқитувчиларнинг креатив компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш усулларини илмий асослаб бериш, малака ошириш тизими мазмунига мос креатив ўқитиш методикасини жорий этиш ва ўкув материалларини такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Малака ошириш тизими ва касб-хунар таълим и тизимини такомиллаштириш, креатив ўқитишни ривожлантириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида малака ошириш тизими ва касб-хунар таълим ини такомиллаштириш муаммолари Ш. Абдураимов, Ю. Асадов, Р. Жўраев, Р. Исянов, Ж. Йўлдошев, Н. Муслимов, У. Толипов, Ж. Ҳамидов, Т. Шоймардонов, илмий ишларида ёритилган бўлса, креатив ўқитиш муаммолари А. Арипжанова, Г. Ибрагимова, М. Уразова, М. Кадирова, А. Халиков ва бошқа олимлар томонидан ўрганилиб, илмий-методик асослари ишлаб чиқилган.

Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан Т. Барышева, Ю. Волкова, Ю. Жигалова, М. Кашапова, Е. Панова, Е. Подгузова, Н. Степаненко, Е. Шелестова ва бошқа олимлар креативликни шакллантиришнинг таълим мухитига таъсири бўйича салмоқли изланишлар олиб борган.

Хорижий тадқиқотлар тажрибасида креативликни шакллантириш масаласи, F. Barron, D. Harrington, D. Wechsler, S. Thaler, E. Torrance ва бошқалар ишларида кўриб чиқилган.

**Креативлик** – шахснинг яратувчанлик, ижодкорлик хислатлари билан боғлиқ кўникмалар мажмуи бўлиб, у ўз ичига муаммоларга нисбатан юқори даражадаги сезгирилик, интиуция, натижаларни олдиндан қўра билиш, фантазия, тадқиқчилик ва рефлексияни қамраб олади.

Агар креативликни ўрганиш бўйича педагогик фаолиятнинг ўзига хосликлари ва ёндашувлари инобатга олинса, педагог кадрларнинг креатив салоҳиятини фаолиятли, самарали, шахсий, муҳитга доир, муаммоли аспектларда кўриб чиқиш лозим.

Креативлик мезонларига оригиналлик, онглилик, ўзгарувчанлик ва бирлашувчанликманусабидир.

Педагогик фаолиятда креативликни пайдо бўлиш кўлами етарлича кенг ва буни педагогнинг талабаларга бўлган муносабатида, педагогик хулқ-атворда, фанни ўқитиши методикасида, талабаларга бериладиган материални танлашда, аудиториядан ташқари ўқиш ва тарбиявий ишларда кўриш мумкин.

**“Креатив ўқитиши”** деганда ўқитувчи ва тингловчи ўртасидаги ижодий муносабат, ўзаро тингловчи ёки маълум бир восита ва тингловчи орасидаги креатив жараён бўлиб, у шахс креативлигини ривожлантиришга хизмат қиласи деб таърифласак бўлади.

Инновацион педагогик фаолиятнинг юксалиши таълим ва тарбияни янги қирраларини очишга, ноанъанавийлик ва оригиналликка асосланган инновацион технологияларни, энг асосийси фикрлаш, тарбиялаш, англаб олиш қобилиятини муҳимлигигини оптималроқ шаклини яратишдек далилларга асосланади.

Креатив ўқитиши ташкил этиш инновацион жамиятда тингловчиларнинг фаол ҳаётга қизиқиши ва хоҳишини уйғотади, фикрларни таҳлил қилишга ундейди, ҳис-туйғулари ва билимларини мустаҳкамлайди.

Тингловчининг креативлигини ривожлантириш ва инновацияларни яратишга йўналтириш, муаммоли фаолият турларини таҳлил қилиш, муаммоларни мустақил англаш, ўз имкониятларини ривожлантиришга сарфлаш –**креатив ўқитишининг мақсади** ҳисобланади ва айнан креатив ўқитишига бўлган эҳтиёжни талаб қиласи.

Креатив ўқитишининг мақсади – тингловчиларнинг креатив компетентлигини ва педагогик маҳоратини ривожлантириш, шунингдек уларнинг ижодий фикрлашини креатив ўқитиши методлари ва дизайн фикрлаш технологияси ёрдамида такомиллаштиришдир.

Креативлик – таълим жараёнини ташкиллаштириши ўзида мужассамлаштириб, креатив ўқитиши жараёнини шакллантириш, креатив ўқитиши методлари ва дизайн фикрлаш технологиялари орқали креативликни ошириш, турии услублардан билим ва кўникмалар

мувозанатини ривожлантиришда фойдаланиш, тингловчиларнинг таълим дастурларини шакллантиришда фаол иштирок этишни ўз ичига олади.

Креатив ўқитишни самарали ташкил этиш учун ташкилий-педагогик шартлар – муайян методикани қўллаш самарадорлиги билан боғлиқ бўлган зарур ва етарли даражада муҳим шартлар мажмуи зарурдир.

Креатив ўқитиш методикаси бешта босқичда амалгаширилади:

**1-босқич:** ўз тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда ўз фаолиятида пайдо бўлган услубий муаммоларни илмий-методик тарафдан тушуниш;

**2-босқич:** илмий-методик муаммоларни ва ундан келиб чиқадиган эҳтиёжларни ҳар томонлама таҳлил қилиш;

**3-босқич:** янги билимлар, ечим ва танқидий таҳлилларни қидириш;

**4-босқич:** янги педагогик тажрибани яратиш ва ўзлаштириш;

**5-босқич:** янги педагогик тажрибани синовдан ўтказиш ва жорий қилиш.

Креатив ўқитишни ташкил этиш учун ўқув-услубий таъминот ўз ичига қуидагиларни олади:

- 1) креатив ўқитиш методлари ва технологиялари асосида назарий ва амалий машғулотларини олиб бориш учун методик кўрсатма ва тавсиялар;
- 2)креатив ўқитишни ташкиллаштириш учун муаммоли топшириқлар;
- 3) тингловчилар креативлигини баҳолаш учун назорат-ўлчов материаллар.

#### Креатив ўқитишнинг хусусиятлари.

Мезонлари	Креатив ўқитиш
<b>Мақсад</b>	Ахборотлашган жамиятда тингловчиларнинг касбий компетентлиги ва ижодкорлигини ривожлантириш. Инновацияни яратиш ва таълим жараёнига жорий қилиш.
<b>Ўқитувчи фаолияти</b>	инновацион бўлиб, тингловчиларнинг креативлигини ривожлантириш учун ташкилий-педагогик шарт-шароитларни яратиш.
<b>Тингловчининг фаолияти</b>	Фаол бўлиб, тингловчилар янги ғояларни яратиши ва таълим жараёнига қўллаши.
<b>Таълим шакллари</b>	Гурӯҳли, индивидуал, биргаликда ишлаш.
<b>Таълим методлари</b>	Муаммоли, лойиҳали, креатив ўқитиш методлари.
<b>Таълим воситалари</b>	Тармоқ технологиялари, электрон ва мобил технологиялардан фойдаланиш .
<b>Фаолиятни баҳолаш</b>	Ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш.

Таклиф этилган ўқув-услубий таъминотнинг афзаллиги, яратилган материаллар нафақат креативлик билан боғлиқ энг муҳим тушунчаларни билигина қолмай, балки инновационтаълим шароитида ҳам касбий соҳада ишончли тарзда ҳаракат қилиш имконини беради.

Натижада тингловчи:

- креативлик, креативлик мезонлари, инновацион жамиятни ривожлантиришда креатив инсонларнинг роли, ўқув-тарбия жараёнида креативликнинг аҳамияти, креативликни ривожлантиришнинг объектив қонуниятлари, креативликни ривожланиши да ахборот-коммуникация технологиялари таъсири, дизайн фикрлаш технологияси ҳақида тасаввурга эга бўлади;
- креативлигини фаоллаштирувчи техникасини қўллаш, касбий муаммоларни асл ечимини топиш, ўзаро фикр алмашинув билан боғлиқ бўлган вазиятларни таҳлил қилишни ўрганади;
- касбий фаолиятни тўғри ташкиллаштириш ва ҳамкаслар билан биргалиқда фаолият юритиш кўнимасига эга бўлади;
- янги билимлар, маълумотларни қидириб, қайта ишлаб, уни қўллайди;
- инновацион лойиҳаларни яратиш ва расмийлаштиришга қаратилган билимларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ривожлантиради.

### **Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг креатив компетенциялари.**

<b>Педагогик фаолият турлари</b>
<b>1. Ахборотлашган жамитдаги инновацион тизимда</b>
<b>2. Таълим мазмунини такомиллаштириш</b>
<b>3. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш</b>
<b>4. Мустақил таълим ни ташкил қилиш</b>
<b>5. Ўз-ўзини касбий ривожлантириш</b>

<b>Креатив компетенциялар</b>
<b>1. Инновационтаълим ни ташкил этишда креатив ўқитишининг асосларини билади ва уларни таълим сифатига ижобий таъсирини таъминлайди</b>
<b>2. Ўқув дастурларини креатив ўқитиши методлари асосида такомиллаштиради</b>
<b>3. Креатив ўқитиши методларидан фойдаланиб машғулот режасини ишлаб чиқаради, ўқитиши жараёнини ташкиллаштиради, таълим олувчиларнинг ўқиши-билиш фаолитини бошқаради</b>
<b>4. Машғулотларни креатив ўқитиши методлари ва продуктив дизайн-фикрлаш технологияси асосида ташкиллаштиради</b>
<b>5. Таълим олувчилар томонидан инновацион лойиҳаларни яратиш ва мустақил ишлаш кўнимасини ривожлантиришда креатив ўқитиши методларидан фойдаланади</b>
<b>6. Замонавий АҚТ воситалари орқали ўз касбий ижодкорлигини ривожлантиришда инновацион педагогик амалиётни ташкил қиласди</b>

**ОТМ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида креатив ўқитишни амалгаоширишнинг ташкилий-педагогик шартлари.**

**Педагогик фаолият турлари**

1. Тингловчиларнинг илмий-педагогик билимини ва мотивациясини ривожлантириш.
2. Узлуксиз ўз-ўзини таҳлил қилиш, назорат қилиш ва бошқариш
3. Ўқув-методик таъминотни яратишда педагогик инновациялар ва инновацион фаолият натижаларидан фойдаланиш .
4. Компетентли ёндашув асосида инновацион -методик лойиҳаларни бажариш.
5. Креатив ўқитиш муҳитини ратишда интерфаол ва креатив методлардан ва дизайн-фиркаларни инновацияларидан фойдаланиш .

**Креативлик ривожланганлик даражасини белгиловчи мезонлар.**

ЯРАТУВЧИ	ФОЙДАЛАНУВЧИ	ЭШИТУВЧИ
<b>Мақсадли-мотивацион</b>		
<ul style="list-style-type: none"> <li>■ креатив ўқитиштехнологияларини ўрганиш гақизиқиши юқори;</li> <li>■ - креативлиги жуда баланд;</li> <li>■ - креатив ғояларни яратувчанлиги юқори даражада.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>■ креатив ўқитиш технологияларини қисман ўрганишга қизиқади;</li> <li>■ креативлигини ривожлантиришга интилади;</li> <li>■ яратилган креатив ғояларни ўзлаштиради.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>■ креатив ўқитиш технологияларини ўрганмайди;</li> <li>■ креативлигини ривожлантиришга қизиқиши йўқ;</li> <li>■ яратилган креатив ғояларни ўзлаштира олмайди.</li> </ul>
<b>Креатив билим ва кўнималарга эгалик</b>		
<ul style="list-style-type: none"> <li>❖ креативлик тушунча сивакреатив ўқитишм етодлари ҳақидатўлиқ билади;</li> <li>❖ креативликни таълим сифатига ижобий таъсирини қисман ифодалайди.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>❖ креативлик тушунчаси ва креатив ўқитиш методлари ҳақида қисман билади;</li> <li>❖ креативликни таълим сифатига ижобий таъсирини қисман ифодалайди.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>❖ креативлик тушунчаси ва креатив ўқитиш методлари ҳақида билимга эга эмас;</li> <li>❖ креативликни таълим сифатига ижобий таъсирини ифодалай олмайди.</li> </ul>

Инновацион фаолиятга йўналтирилганлик		
<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ креатив ўқитиш методлардан фойдаланиб ўқув жараёнини такомиллаштиради;</li> <li>➤ инновацион фаолият билан шуғулланиб, янги ғояларни яратади ва таълим га тадбик этади.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ креатив методлардан фойдаланиб ўқув жараёнини режалаштиради;</li> <li>➤ инновациялардан фойдаланади.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ ўқув жараёнини аънавийликка асосланиб режалаштиради;</li> <li>➤ креатив методлар ёрдамида инновацион фаолият билан умуман шуғулланмайди.</li> </ul>

Креативликнинг хусусиятларидан келиб чиқиб тингловчиларнинг креативлигини баҳолаш мезонлари аниқланади. Бунда мотивацион, методологик билимларга эгалик ва инновацион фаолиятга йўналтирилганлик мезонлари танланади, ҳар бирида ривожланишнинг яратувчи, фойдаланувчи ва эшитувчи даражалари ажратилиб, ишлаб чиқлади.

**Креативлик (ижодийлик) методикаси** – ижодий йўл билан оригинал ғояларни пайдо қилиш, муаммолар ва масалалар ечимини топишда янги ёндашиш услублари ва техникаси.

Креативлик методлари масалани аниқ белгилашга, ғояларни топишни тезлаштиришга, ғоялар сонини қўпайтиришга, муаммога бўлган назарни кенгайтиришга ва ментал тўсиқларни йўқ қилишга ёрдам беради. Креативлик методлари алгоритм сифатида қаралмайди, аммо улар яхши ғоялар олиш имкониятини оширади. Ижодий фикрлашни стимуляциялаш оригинал ғояларни талаб қилувчи кўп соҳаларда қўлланилади.


Креативликнинг турли методикалари битта инсонга ёки иккита ва ундан кўп гурухлар учун мўлжалланган.

Креативлик методикасининг масалалари:

- ❖ муаммони аниқ белгилаб олиш;
- ❖ дастлабки маълумотларни тўплаш;
- ❖ дастлабки материалларни структуралаштириш учун мезонлар ишлаб чиқиш;
- ❖ дастлабки материалларни структуралаштириш;
- ❖ дастлабки материалларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиш;
- ❖ муаммо соҳасини кенгайтириш;
- ❖ муаммога нисбатан бўлган бир нечта нуқтаи-назарларни шакллантириш;
- ❖ максимал ечимлар сонини шакллантириш;
- ❖ истиқболли ғоя ва ечимларни танлаб олиш мезонларини ишлаб чиқиш;
- ❖ ментал тўсиқларни олиб ташлаш;
- ❖ ғоялар генерацияси жараёнини тезлаштириш;

❖ муаммонинг ечимини топишда энг оригинал ва фойдали вариантларини топиш.

## ОТМ ПКҚТ ва УМО курслари тингловчиларини креативлигини ривожлантиришнинг мантиқий тузилмаси.



***Мия ҳужуми*** – креативликнинг энг оммабоп техникаси.

***Ихтиро масалаларини ечиши назарияси*** – мия ҳужумидан фарқли улароқ, бу усулда янги тизимни яратиш ёки эскисини яхшилаш борасида алгоритмик ёндашиш қўлланилади.

***Делфи услуги*** – тўғри ечимни аниқлашда сўровномалар, интервю, мия ҳужуми ёрдамида максимал консенсусга эришишни таъминлайди. Бу услугда таҳлил бир нечта босқичда амалгаоширилади, натижалар статистик қайта ишланади. Услубнинг негизи бўлиб, структурланган гурухларга солиштирганда мустақил эксперталар натижани анча яхши баҳолашади ва башорат қиласди.

***Латерал фикрлаши*** – дастлабки шароитларни шубҳа остига қўйиши орқали бошқа вертикал фикрлаш услубларидан фарқ қиласди. Латерал фикрлашга “олти шляпа техникаси” (оқ шляпа – аналитик фикрлаш, қизил шляпа – эмоционал фикрлаш, қора шляпа – критик фикрлаш, сариқ шляпа – оптимистик фикрлаш, яшил шляпа – ижодий фикрлаш, кўк шляпа – катта перспективада фикрлаш) мисол бўлаолади. Метафорик тушунчада, одам ҳар бир шляпа кийганида муаммога бир нечта нуқтаи назардан қарashi мумкин.

***Синектика*** методикасида қатнашчилар “маълум нарсани гайриоддий, гайриоддийни эса одатий қилиб кўрсатиш”га уринишади. Услуб ўнта қадамдан иборат: муаммони таҳлил қилиш ва аниқлаш, муаммонинг спонтан ечимларини таклиф қилиш, муаммони янгитдан шакллантириш, тўғри аналогияларни қўйиш, шахсий аналогиларни қўйиш, символик аналогиларни қўйиш, яна бир бора тўғри аналогияларни қўйиш, тўғри аналогияларни таҳлил қилиш, аналогияларни муаммога ўтказиш ва ечимни ишлаб чиқиш.

«**SCAMPER**» услугиянги фикрларни юзага келтиришни стимулловчи маълум бир саволларни қўйиш схемасидир, бошқача қилиб айтганда – бу креативлик услуги, ўрганилаётган муаммонинг хусусиятлари устида мустақил ишлашни баён қилувчи сўзларнинг ҳарфлар билан белгиланган аббревиатураси ҳисобланади. «**SCAMPER**» – бу: Substitute (алмаштириш), Combine (бирлаштириш), Adapt (мослаштириш), Modify/Magnify (модификациялаш, катталаштириш), Put to Other Uses (бошқача қўллаш тавсияси ёки бошқа соҳаларда қўллаш), Eliminate (бартараф қилиш ёки минимумгача ўзгартириш, қисқартириш), Rearrange/Reverse (тартибини ўзгартириш). «**SCAMPER**» усули қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

***“KWL/KWHL креатив” усули***. Таълим да қўлланиладиган графикили органайзерларнинг сони кўп. Бу органайзерларнинг баъзилари конкретлаштирилган бўлса ҳам, улар орасида мия ҳужуми ва билимлар билан дастлабки танишиш борасида KWL-диаграммаси энг кўп ишлатилади.

Типик KWL-диаграммасида учта устунча бор: К – “Мен нимани биламан”; W – “Мен нимани билишим керак”; L – “Мен нимани билдим?”. Мажбурий бўлмаган «Н» устунча (Н – “Мен қандай ўқийман?”) ҳам бор, бунда KWHL-диаграммаси ҳосил бўлади.

**“Дизайн фикрлаш” методи.** Дизайн-фикрлаш (инг. *Design - thinking*) технологияси – таҳлилга эмас, балки ижодий ёндашувга асосланган бўлиб, муҳандислик, педагогик ва бошқа соҳаларда қўлланилади. Дизайн-фикрлаш технологиясини қўллашнатижасида янги ғоялар орқали муаммонинг ечими топилади. Ушбу технологиянинг назарий ва амалий машғулотларида қўлланилиши натижасида тингловчиларнинг мавзу юзасидан чуқур билимга эга бўлиши билан бир қаторда интеллектуал салоҳияти ва креативлиги ривожланди. Дизайн-фикрлаш технологияси мавзу юзасидан ечими маълум бўлмаган муаммоларни тингловчиларнинг педагогик тажрибасидан келиб чиқиб ўрганиш ва тўсатдан пайдо бўлган ғояларни ифодалашга имкон берди. У тингловчиларда тасаввурни, ижодий-яратувчанлик қобилиятини ривожлантириб, янги ғояларга илҳомлантириди. Натижада, уларда мавзу юзасидан илмий манбалар билан ишлаш кўникмаси ва креатив компетенцияси ривожланди.

Шундай қилиб, инновацион таълим негизида инсонларда креативликни шакллантириш таълимнинг вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли тингловчиларнинг креативлигини ривожлантириш долзарб муаммо саналади. Тингловчиларнинг креативлигини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шартлари ва босқичлари илмий-методик жихатдан асосланган бўлиши лозим. Креативлик ривожланганлиги мотивацион, методологик билимларга эгалиги, инновацион фаолиятга йўналтирилганлик каби даражалар ва баҳолаш мезонлари билан аниқланди. Таалabalарни касбий тайёрлаш жараёнига креатив ўқитиш технологиялари ва дизайн фикрлаш технологиясига таалуқли маълумотлар киритиш лозим.

### **Назорат саволлари:**

1. Креативлик тушунчаси нимани англатади?
2. Креатив ўқитишнинг хусусиятлари?
3. Креатив ўқитишнинг мақсади?
4. Педагогик фаолият турларига изоҳ беринг.
5. Креатив компетенцияларни аниқланг.
6. Креатив ўқитиш методикаси қандай босқичларда амалгаоширилади?
7. Креативлик ривожланганлик даражасини белгиловчи мезонлар.
8. Креативлик методикасининг масалалари.
9. Креативликни ривожлантиришга қаратилган услублар.

## **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Арипджанова А. Р.  
Таълимниахборотлаштиришшароитидаолийтаълиммуассасаларипедаго  
гларинингкреативсалоҳиятиниривожлантириш.  
п.ф.бўйичафалсафадоктори (PhD) диссер. автореф. Т.: - 2017. 24 б.
2. Барышева Т. А., Жигалов Ю. А. Психолого-педагогические основы  
развития креативности. СПб.: – 2006. - 285 с.
3. Ибрагимова Г. И. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари  
асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш:  
п.ф.бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. – Т.: – 2017. – 24 б.
4. Кашапова М. М., доц. Т. Г. Киселева, доц. Т. В. Огородова.  
Креативность как ключевая компетентность педагога: Монография.  
Под ред. проф. Ярославль: ИПК «Индиго». – 2013. – 392 с.
5. Панова Е. С. . Развитие креативного мышления: от проблемы к  
инновационному решению. 10 первых шагов изобретателя.  
Монография. М.: Берлин: – 2016. – 197 с.
6. Подгузова Е. Е. Развитие креативности специалистов социально-  
культурной сферы в процессе вузовской подготовки. Монография. –  
М.: СГИИ. – 2006. – 132 с.
7. Позилова Ш. Х. Олий таълим муассасаси ўқитувчиларини қайта  
тайёрлаш ва малака ошириш курсларида креатив ўқитиш методикаси.  
п. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. – Т.: – 2019. – 23  
б.
8. Структура ИКТ-компетентности учителей. Рекомендации ЮНЕСКО. –  
Гамбург. – 2011. URL: <http://ru.iite.unesco.org/publications/3214694>.
9. Чтотакоедизайн-мышление? URL: <https://te-st.ru/2015/01/28/what-is-design-thinking>.

## **VI. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-машғулот.**

#### **Тиббий биологик фанларни клиник фанлар билан интеграциялаган ҳолда ўқитиш асослари.**

Тиббий таълимнинг асосий мақсади соғлиқни сақлаш тизимиға замонавий инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали соғлиқни сақлаш тизими учун жаҳон андозаларидаги илмий-амалий, клиник стандартлар негизида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш.

Тиббий таълимнинг замонавий ривожланиш босқичи анъанавий таълим дастурларидан фанлараро интеграцияланган дастурларга ўтишни тақазо этмоқда. Таълим дастурларидан замонавий соғлиқни сақлаш тизимида тоборо кенг қўлланилаётган технологияларнинг ва самарали даволаш усулларининг пухта ўзлаштирилишини таъминлаши талаб этилмоқда. Бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши профессор-ўқитувчилардан юқори даражадаги компетентликни, талабалардан назарий ва клиник фанларга бўлган муносабатни қайта кўриб чиқишини талаб этади.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида ривожланган мамлакатлардаги етакчи таълим муассасалари анъанавий фанлар кесимидағи таълим тизимидан фанлараро интеграциялашган тизимга ўтмоқдалар.

Фанлар кесимидағи таълим ҳар бир алоҳида фанни бошқа тиббий фанлардан мустақил равишда ўқитишга асосланган. Бундай ёндошув албатта, организмни яхлит бир бутун тизим сифатида ўрганишга салбий таъсир кўрсатади.

Фанлараро интеграция эса барча фундаментал ва клиник фанлар орасида узвий боғлиқликни таъминлаб, талабаларда тиббий-биологик фанларга бўлган эътиборни кучайтиради. Талабалар бу фанлардан олган билимларини муайян амалий клиник муаммоларни ҳал этишда қўллаб, уларнинг аҳамиятини чуқурроқ тушунадилар.

Фанлараро интеграция умумий амалиёт шифокорида бемор организмиға тегишли бўлган барча маълумотларни ягона мантиқий тизим доирасида бирлаштириб, бемор тўғрисидаги тўлиқ ва объектив маълумотга эга бўлишини, даволашнинг патогенетик нуқтаи-назардан асосланган чораларини белгилашни таъминлайди.

Интеграция таълим тизимидағи барча таркибий қисмларнинг ўрни ва мавқеини асосий мақсад ва вазифалардан келиб чиқсан ҳолда белгилайди. Талабалар томонидан ўзлаштирилаётган барча янги билим ва кўнижмалар бир-бирини тўлдириб бориши муҳим аҳамиятга эга.

Фанлараро интеграциянинг самараси аниқ ва пухта ишланган календар тематик режа ва дарслар жадвалига боғлиқ. Ҳар бир янги мавзу сўзсиз олдин эгалланган билимларга таяниши лозим. Ҳар бир янги мавзу учун мос бўлган самарали таълим технологияси қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга (муаммоли маъруза, дидактик маъруза, шарҳли маъруза, кичик гурухларда ишлаш, муаммога асосланган таълим ва х.). Талабаларга

инсон организми алоҳида анатомия, гистология, цитология, физиология, биокимёдан иборат бўлган билим ва маълумотлар йиғиндиси эмас, балки ягона, бир бутун яхлит тизим эканлигини сингдириш ниҳоятда муҳим.

Таълим жараёнида фанлараро боғланишни тўғри йўлга қўйиш ва ундан моҳирлик билан фойдаланиш ўқувчиларнинг билиш эҳтиёжини орттиради, ўқув фаолиятини фаоллаштиради, экологик дунёқарашни кенгайтиради.

Бугунги кунда жаҳондаги педагог олимлар умумтаълим фанлардан интегратив билимларга эга бўлган ёшларни тарбиялаб вояга етказиш зарурлигини таъкидламоқда. Шу сабабдан 100 дан ортиқ ривожланган давлатларнинг таълим тизимида ёшларга интеграциялашган таълим бериш асос қилиб олинган.

Кейинги йилларда фанлар ўртасидаги фанлараро боғланишни интеграция атамаси билан юритиш одат тусига айланган.

Интеграция – лотинча «интегратио» сўзидан олинган бўлиб, тўлиқ, яхлит, бир бутун деган маъноларни билдиради.

Тиббий биологик фанларнинг жадал ривожланиши, улар ўртасида интеграллашган фанларнинг вужудга келиши узлуксиз таълим тизимида ўқитиладиган фундаментал ва клиник фанлар орасида ҳам горизонтал, ҳам верикал интеграллашни тақозо этмоқда.

Бунинг учун педагог-ўқитувчилар фанларнинг ривожидаги сўнгги ютуқлар, уларнинг фан ва техника, халқ хўжалиги ва инсон ҳаётидаги аҳамиятини англаши, уларни ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари, билим захираларига монанд ҳолда дидактик қайта ишлаши ва мавзуларнинг мазмунига киритиш йўлларини белгилаши лозим.

Тиббий биологиква клиник фанларни интеграллаш, яъни фанлараро боғланишни амалга ошириш таълим-тарбия жараёнининг муҳим дидактик шарти бўлиб, у қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Ўқувчилар учун асосий билим манбаи бўлган ўқув материалининг илмийлиги ва изчиллиги, бошқа табиий фанлардан ўзлаштирилган тушунчаларнинг дидактик боғлиқлигини таъминлайди.
2. Ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиш ортади ва ақлий ривожланиш тезлашади.
3. Табиий фанларни интеграллаш, яъни ўқитишда фанлараро боғланишни боқичма-босқич ва изчил амалга ошириш орқали ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришга имкон яратади.

Таълим-тарбия жараёнида ўқув фанларини интеграллаш, яъни фанлараро боғланишни амалга ошириш муаммоси жуда қўп тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Жумладан, М.Н.Скаткин ўз тадқиқотларида вақтинчалик фанлараро боғланишни учта турга, аввал ўзлаштирилган билимлар билан ўрганилаётган билимлар ўртасидаги, ўрганилаётган билимлар билан келгусида ўзлаштириладиган билимлар ўртасидаги, бир вақтда ўзлаштириладиган билимлар ўртасидаги боғланишга ажратган.

Фанлараро боғланиш ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, мустақиллигини оширади. Шунингдек, уларнинг фанларга бўлган қизиқишини ривожлантириш билан бирга меҳнат кўникма ва малакаларини шакллантиради, экологик маданиятни тарбиялашга катта ёрдам беради (Зверев И.Д.).

Фанлараро боғланишини тўғри йўлга қўйиш ва ундан моҳирлик билан фойдаланиш ўқувчиларнинг табиат ҳақидаги билимлари тизимини шакллантиришга хизмат қиласди (Суравегина И.Т.).

- Фанларнинг интеграцияси қўйидаги таркибий қисмларга ажратилган:
- объектга доир интеграцияда бир объектнинг турли фанлардаги тимсоллари бир мавзу, бўлим ёки курсларга киритилади; тушунчага оид интеграцияда умумий тушунчалар, мазмунни очиб берадиган мавзу ёки курслар қамраб олинади;
  - назарияга оид интеграцияда физика ва биологиядаги назариялар умумий ҳолатда ўрганилади;
  - методологик интеграцияда илмий билишнинг алоҳида методларига оид интеграцияни амалга ошириш кўзда тутилади;
  - муаммоли интеграцияда фанлараро муаммолар қамраб олинади ва ҳал этиш йўллари ишлаб чиқилади;
  - фаолиятга оид интеграцияда муаммони ҳал этиш юзасидан мунозара ўтказиш, кичик гурухларда ишлаш, фанлараро тадбирлар режасини тузиш, лойиҳалар тайёрлаш кабилар кўзда тутилади;
  - амалий интеграцияда аҳамиятга молик бўлган жараёнлар асосида техник маҳсулотларни яратиш назарда тутилади.

Горизонтал боғланиш деганда, ўқув фанлари мавзулари дастур ва ўқув режаси асосида синфлараро параллел боғланиш тушунилади.

Таълим жараёнида фанлараро алоқадорлик ўз-ўзидан эмас, балки ўқитувчининг касбий, илмий-назарий ва илмий-методик тайёргарлиги орқали ҳамда унинг моҳиятини чукур англаш асосида самарали амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун ўқитувчи ўзи дарс берадиган фанини чукур ва пухта билибина қолмасдан, унга яқин фанлараро билимлардан ҳам хабардор бўлиши лозим. Бу билимларнинг алоҳида турлари ва улар ўртасидаги алоқадорлик шаклларини эгаллашга ёрдам беради.

### **Фанлараро мавзулар интеграция шаклида ўтказиладиган дарснинг технологик харитаси.**

Технологик босқичлар	Ўқитувчининг фаолияти	Ўқувчининг фаолияти
I босқич. Ташкилий қисм.	Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, вазифаси ва бориши билан таништиради.	Дарс мавзуси, мақсади, бориши ва унда бажариладиган топширикларни англайди.
II босқич. Ўтган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолаш.	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топшириклари ёрдамида ўқувчиларнинг билимини назорат қиласди ва баҳолайди.	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топширикларини бажаради.
III босқич.	Ўқув дастурининг дидактик	Ўқув дастурининг дидактик

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиши.	мақсади, бажариладиган ўқув топшириклари билан таништиради.	мақсади, бажариладиган ўқув топшириклари юзасидан кўрсатмаларни англайди.
IV босқич. Янги мавзуни ўрганиш.	Ўқувчиларнинг гурухларда мустақил ишини ташкил этади.	Ҳамкорликда фаолиятини ташкил этади.
V босқич. Гурухлар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳс-мунозарасини ўтказиш.	Ўқув дастуридан ўрин олган топширикларнинг мустақил ўзлаштирилишини таъминлайди.	Ўқув дастуридан ўрин олган топширикларни мустақил ўзлаштиради.
6-босқич. Ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.	Топшириқ якуннида гурухлар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳс-мунозараси ўтказади. Тегишли ҳолларда ёрдам беради.	Жамоалар ўртасида ўтказиладиган савол- жавоб, ўқув баҳси, мунозарада фаол иштирок этади.
VII босқич. Эришилган натижани таҳлил қилиш ва якун ясаш.	Ўрганилган мавзу юзасидан тест топшириклари, саволлар ва дидактик жадваллар беради. Гурухлар фаолиятини таҳлил қиласи. Ўқувчиларга мустақил ва ижодий иш топширикларини беради.	Тест топшириклари, саволлар ва дидактик жадвалларни бажаради. Мустақил ва ижодий иш топширикларини белгилайди.

Давлатимиз олий тиббий муассасаларида фанлараро интеграция масалаларига оид олиб борилган таҳлил натижаларига кўра, тиббий-биологик фанларда ва клиник фанларда интеграцияга бўлган муносабат бир-бираидан фарқ қиласи. 1-, 2- ва 3-курсларда фанлар семестр давомида ҳафталик жадвал бўйича ўтилса, 4-курсдан бошлаб клиник фанлар узлкусиз цикл шаклида олиб борилади. Бундай ҳолат тиббий-биологик ва клиник фанлар ўртасида вертикал интеграцияни амалга ошириш имконини бермайди.

Шунинг учун ҳам фанлараро интеграция ҳеч бир фан дастурига, ишчи ўқув режасига расмий равишда киритилмаган, ҳеч бир меъёрий ҳужжатда қайд этилмаган, интеграция машғулотлари учун алоҳида соатлар ажратилмаган. Айрим профессор-ўқитувчиларнинг шахсий ташабbusи билангина кам миқдордаги интеграцияга асосланган машғулотлар ўтилган, аммо улар спонтан, яъни тизимсиз тартибда бажарилади.

Тиббий биологик фундаментал фанларда маълум бир миқдорда горизонтал интеграция календар-тематик режада белгиланган ва улар қисман амалга оширилиб келинмоқда. Масалан, 3-курсда патофизиология фани бўйича «Яллиғланиш» мавзуси патологик анатомиядаги «Яллиғланишнинг структур асослари», фамакологияда «Яллиғланишга қарши дори воситалари» мавзулари билан бир вақтда ўтилади. Оператив хирургия ва топографик анатомия фанидаги “Қон кетишни тўхтатиш усуллари”, “Оғриқсизлантириш”, “Жароҳатга бирламич хирургик ишлов бериш” каби ва шунга ўхшаш бошқа мавзулар Умумий хирургия фани мавзулари билан мос равишда ўтилади.

Лекин, Анатомия, Гистология, Фармакология, Физиология, Патологик физиология, Биокимё, Биофизика ва информатика, Патологик анатомия ва бошқа фундаментал фанларнинг Хирургия, Отоларингология, Неврология, Гинекология, Урология, Нейрохирургия, Травматология ва бошқа клиник фанлар билан вертикал интеграциясини самарага йўналтирган ҳолда ташкиллаштириш борасида анчагина ишлар ўз ечимини кутмоқда. Шу жойд таъкидлаб ўтиш жоиз-ки, 6-курсдан бошлаб УАШ кафедраларининг календар-тематик режасига асосий синдромлар бўйича интеграцион семинарлар режаси киритилган ва семинарлар 3 та, 4 та турдош мутахассислик йўналишлари иштирокида амалга оширилиши белгиланган. Аммо, турдош мутахассислик вакилларининг семинарда иштироки уларнинг асосий календар-тематик режасига киритилмаган. Кафедраларнинг аксариятида интеграция дастури мавжуд эмаслиги туфайли интеграцион машғулотларнинг ўкув-методик таъминоти талаб даражасида эмас. Кафедраларда интеграцион машғулотларни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник таъминот, кадрлар етарли эмас.

Хуллас, дарс жараёнида фанлараро алоқадорликни самарали амалга ошириш, ўқувчиларни янги ўкув материалларини қабул қилишга тайёрлаш, фанлараро, мавзулараро боғланишни амалга ошириш, муаммоли вазиятларни яратиш, шунингдек, ҳар бир дарсни режалаштириш ва уларни моҳирона ўтказиш ўқитувчидан чукур ва пухта тайёргарлик кўришни талаб қиласи. Бу эса, ўз навбатида, дарс самарадорлигининг ортишига хизмат қиласи.

Шундай қилиб, интеграция таълим сифатини ошириш учун зарур бўлган ўқитиш усули. Бу ёндошув ўқитиш самарадорлигининг ортишига асос бўлади, юқори курсларда мавзуларнинг қайтарилиши олди олинади, мавзу ҳар томонлама мукаммал тарзда муҳокамадан ўтади.

Интеграцияни фундаментал фанлар орасида, клиник фанлар орасида горизонтал кўринишда, шунингдек фундаментал ва клиник фанлар орасида вертикал кўринишда 2-курсдан бошлаб режалаштириш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Интеграцион машғулотлар мавзулари асосий синдромларни ўз ичига олган бўлиб, ўкув йили (семестри) учун режалаштирилиши ва турдош фанлар режаси билан мувофиқлаштирилиши лозим. Барча фанлар ўз ўкув режаларини замонавий талаблар ва фанлараро интеграция нуқтаи-назаридан қайта кўриб чиқишлиари ва оптимизациялаши тавсия этилади.

### **Назорат саволлари.**

1. Фанлар кесимидағи таълим нимага асосланган?
2. Фанлараро интеграциянинг энг асосий вазифаси нимадан иборат?
3. Фанлараро интеграция натижасида нимага эришилади?
4. Фанлараро интеграциянинг самараси нимага боғлик?
5. Интеграция сўзининг маъноси.

6. Интеграция машғулотларини самарали амалга ошириш учун педагог-үқитувчилардан нима талаб қилинади?
7. Фанлараро боғланиш вазифалари.
8. Фанлар интеграциясининг таркибий қисмлари.

### **Адабиётлар.**

1. Новиков, В.Е. Мотивация – ключевой фактор академической дисциплины и успеваемости студентов [Текст] / В.Е. Новиков // Фармация и общественное здоровье: сборник статей. – Екатеринбург, 2011. – С. 196-198.
2. Норбўтаев Х. Мактаб ўқувчиларида экологик тафаккурни фанлараро шакллантириш (биология ва физика фанлари мисолида). // Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т., 2012.
3. Особенности преподавания медико-биологических дисциплин в подготовке психологов [Текст] / Л.К. Антропова, Г.Я. Двуреченская, Л.А. Козлова [и др.] // Медицина и образование в Сибири. – 2010. – № 3. – С. 8.
4. Хуррамов Ш., Норбўтаев Х. Биологияни фанлараро ўқитищда асинхрон (горизонтал) боғланиш. Замонавий таълим/Современное образование. 2015, 4. 50-55 б.

### **2-машғулот.**

**Касаллик (нозологик шакл ёки бирлик), синдром, симптом тушунчаларининг тиббий-биологик фанлар миқёсидаги аҳамияти.**

**Режа.** Нозология ҳақида тушунча. Синдром. Симптом. Диагностика усуллари. Диагностика методологияси. Субъектив ва объектив белгилар. Диагностикада иккита ёндашув.

**Калим сўзлар:** нозология, синдром, симптом, текшириш усуллари, ташхис.

Клиник тиббиётда синдромнинг роли доимий равища ўсиб бормоқда. В.Х.Василенко синдромнинг доимий равища тақрорланадиган касаллик белгилари ёки белгиларининг комбинацияси эканлигини таъкидлайди.

Кўпгина тиббий адабиётларда синдром “битта патогенез билан бирлаштирилган аломатлар тўплами” деб талқин этилади.

Синдром – бу касаллик натижасида ривожланадиган ва уни идентификациялашга ҳамда турли этиологияли, аммо умумий патогенезига, клиник кўринишларига, даволашга бўлган умумий ёндашувларига эга гурухга киритишга имкон берувчи клиник, лаборатор, инструментал диагностик белгилар билан аниқланувчи ҳолат.

Синдромнинг хусусиятларини тушуниш учун биз унинг бошланишини топишимиз керак. Синдромнинг бошланиши симптом


бошланиши билан чамбарчас боғлиқ. Симптом (грек тилидан – ҳодиса, мос келиш) сўзи биринчи марта Асклепиаданинг методик мактаби шифокорлари томонидан қўлланилган (милоддан аввалги I аср). Шифокор-методистлар аниқлашича, турли беморлардаги битта касаллик стандарт тарзда кечмайди, балки турли сондаги белгиларга эга бўлади. Улар айнан шу касалликка мос бўлган касаллик белгиларини ажратса бошлашди, ушбу касалликка хос бўлмаган тасодифий белгиларни симптомлар деб аташди. Қадими шифокорлар симптомлар деб аталган ҳолатларни замонавий шифокорлар асораталр сифатида қарашади. Кейинчалик турли касалликларда бирга юзага келган симптомларнинг қўшилиб келишда қандайдир бир қонуният қайд этилди. Ушбу симптомлар тўплами синдром деб номланди.

Қадими тиббиётда юзага келган синдром нозология ривожланиши ва этиология ҳамда патогенез соҳасидаги билимимиз ривожланиши билангина замонавий тиббиётда энг кўп қўлланила бошланди. Хусусий этиология ва хусусий птаогенезига эга бўлибгина синдром касалликнинг асорати сифатида касалликнинг таркибий қисми бўлиши мумкин, лекин касалликнинг таркибий қисми бўла олмайди. Синдром юзага келишида, ривожланишида ва йўқ бўлиб кетишида функционал ва патологик тизимлар етакчи рол ўйнайди.

### **Клиник диагностика усуллари ва методологияси**

Тиббиётда ташхис атамаси, якуний ташхисга олиб келадиган касалликни аниқлаш жараёнини англатади. Диагностика жараёнининг усуллари ва методологиясини фарқлаш керак. Диагностика усуллари деганда ҳар қандай техник восита тушунилади, унинг ёрдамида патологик жараён ёки касалликнинг ҳар қандай белгиси аниқланади. Методология ушбу усулларни қўллаш тартибини, уларнинг ёрдами билан олинган натижаларни (белгиларни) таҳлил қилиш усулларини белгилайди ва шунинг учун шифокор фикрлашининг табиати ва йўналишига (тиббий фикрлаш) тегишли бўлган бир қатор қоидалар ва қоидаларни ўз ичига олади.

#### **Клиник диагностик жараённинг умумий алгоритми.**



## Клиник диагностика усуллари

Маълумки, ташхис қўйиш учун шифокор турли хил техник усулларни қўллади, улар ёрдамида беморни текширади ва соғлом организмни бемордан ажратиб турадиган белгиларни, яъни патологик жараён аломатларини аниқлайди. Бу клиник ташхис бўлганлиги сабабли, беморни текширишнинг барча усуллари (сўроқ қилишдан лаборатория ва инструментал усулларгача) клиник ҳисобланади. Бу тиббий ташхиснинг ваҳийси ўтмишдаги клинисенларга хос бўлиб, лаборатория аломатлариниёки инструментал клиник белгилар қаторида кўриб чиқди.

Ҳозирги вақтда олий тиббий ўкув юртларида беморни клиник текширувни сўроқ ва физик текширув, лаборатория ва инструментал усулларни қўшимча текширув усуллари сифатида таснифлаш тенденцияси кузатилмоқда.

Ташхис қўйиш керак бўлган патологик жараён мажозий равишда ичкарисида номаълум маълумотларга эга бўлган муҳрланган конверт шаклида тақдим этилиши мумкин. Тадқиқотнинг ҳар бир усулига конвертнинг ён томонларидан бирини очиш ва шунга мос равишда патологик жараённинг у ёки бу хусусияти ҳақида баъзи маълумотларни олиш имконияти берилади. Фақатгина барча тадқиқот усулларининг маълумотларини йиғиш ва умумлаштириш орқали шифокор касалликнинг ўзига ташхис қўйиш имкониятига эга бўлади.

Замонавий диагностика мураккаб. Уни фақат тегишли синдромнинг клиник кўриниши ва физик тадқиқотлар усуллари билан чеклаб бўлмайди, аммо рентген, лаборатория, биологик ва физиологик текшириш усулларининг натижаларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Диагностика методологияси нуқтаи назаридан, беморни текширишнинг турли усуллари шифокор томонидан «ташхисни тасдиқлаш» томонидан белгиланмаган, аммо у патологик жараённинг баъзи муҳим хусусиятларини (томонларини) аниқлаш учун онгли равишда амалга оширилади деган хulosага келиш жуда муҳимdir.

Беморни текшириш учун турли хил клиник усуллардан фойдаланган ҳолда, шифокор тиббиётда аломатлар деб аталадиган патологик жараённинг (касалликнинг) шу ёки бошқа белгиларини аниқлайди.

Симптом – бу ички патологик жараённинг ташки белгиси (белгиси) (касалликнинг ўзи кам бўлганда) шифокор bemорни ўрганишда аниқлаган ва у ташхис қўйиш ва касалликнинг прогнозини аниқлаш учун фойдаланган.

Маҳаллий тиббиётда bemорни шикоятлар ҳақида сўроқ қилиш пайтида аниқланган симптомлар субектив деб аталади ва bemорни жисмоний, лаборатория ёки инструментал текшириш пайтида аниқланган белгилар объектив деб номланади. Англия-Америкаадабиётида патологикжараённинг(касалликнинг)субъективваобъективбелгиларигамур

ожаатқилишучунтурлиатамаларқўлланилади. Уларнинг фақат биринчиси аслида аломатлар деб аталади, иккинчиси эса белгилар сифатида таснифланади. Келажакда диагностика жараёнида ундан фойдаланиш учун ушбу аломатни батафсил (батафсил) қўшимча таҳлил қилиш керак. Бундай таҳлилни ўтказиш шифокордан патогенезни аниқлаштиришга қаратилган бир қатор ақлий ва мантиқий операцияларни талаб қиласди, бу аломатнинг сабаби камроқ учраганда. Тиббиётга нисбатан қўлланилганидек, бу ҳар қандай аломат (субъектив ёки объектив) асл шаклида, олдиндан, батафсил таҳлилсиз, одатда, патологик жараённинг (касалликнинг) моҳиятини (моҳиятини) акс эттира олмайди.

Умумий қоидадан камдан-кам истисно бу патогномоник белгиларни аниқлаш, яъни, фақат маълум бир касаллик учун хос бўлган ва якуний ташхис қўйиш учун сабаб бўлган белгилар.

Юқорида айтилганларнинг барчаси «аломат» атамасини изоҳлаш учун хизмат қилиши мумкин, унинг сўзма-сўз таржимаси юонон тилидан «тасодиф» деган маънони англатади. Нимага мос келиши керак? Аниқланишича, субъектив (сўроқ қилиш) ва/ёки объектив (физиковий, лаборатория, инструментал тадқиқотлар) белгиларида тадқиқот усуслари ёрдамида шифокор томонидан қайд этилган патологик жараённинг (касалликнинг) ташқи кўриниши, бир қатор ақлий ва мантиқий операциялар натижасида ғояга тўғри келиши керак. bemorни ўрганиш пайтида юзага келадиган ушбу патологик жараён ҳақида шифокор.

Тиббий симптоматология ёки семиология касалликларнинг аломатлари ва патологик шароитларни ўрганиб, белгиларнинг умумий фанига киради - семиотика, ҳам тилшунослик, ҳам тилга оид бўлмаган белгилар (белги тизимлари)нинг маъноси ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда.

Шундай қилиб, тиббий диагностика обьекти ички патологик жараён бўлиб, унинг ташқи белгилари клиник тадқиқотлар усуслари ёрдамида белгиланади.

### **Клиник диагностика методологияси.**

Клиник тадқиқотлар усуслари ёрдамида симптомларни аниқлаш умумий диагностика жараённинг бошланиши, биринчи босқичидир. Аниқланган аломатлар вақт омилини (патологик жараённинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва натижаси) ва ҳаёт тарихидан олинган бошқа маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ақлий ва мантиқий операциялар ёрдамида гурӯхлаш ва таҳлил қилиш керак. Агар ақлий-мантиқий операциялар муайян қоидаларга мувофиқ амалга оширилса ва фикрлаш мантигининг умумий қонуниятларига таянилса, диагностика самарадорлиги муқаррар равишда ошиши аниқ. Сўнгги иккита ҳолат клиник диагностика усулини аниқлайди.

Асосий қийинчилик шундаки, тиббиётни ўқитиш жараёни, шунингдек, тиббий қўлланмаларда мавжуд бўлган материални тақдим этиш тартиби дастлаб bemor ётогида клиник ташхис қўйиш мантиқан

зиддир. Дастьлаб, талаба маълум касалликнинг патологияси ва клиникасини ўрганади, яъни у фикр операцияларни касалликнинг ташхисидан унинг аломатларигача бўлган йўналишда амалга оширади. Бемор ётоғида ташхис қўяётганда у “тескари” ақлий операцияни амалга оширади: симптомдан тортиб, олдиндан аниқланмаган касаллик ташхисига қадар.

Диагностикада иккита ёндашув узоқ вақтдан бери шаклланган ва бугунги кунда биргаликда мавжуд. Биринчиси – патологик жараённинг шаклланиши ва ривожланиш шаклларига асосланган (касаллик кам бўлганда) клиник белгиларини фаол равишда аниқлаш ва баҳолашдан иборат бўлган тадқиқот усулини тавсифлайди. Иккинчиси – ўхшашликни аниқлаш, қачонки аниқланган аломатлар асосида тасвир, ўхшашлик, илгари тасвирланган, одатда классик нусхани қидириш амалга оширилса. касалликнинг типик клиник қўриниши (аммо патологик жараён эмас).

У (субъектив ёки объектив) бирон-бир аломат таҳлил қачон шифокор унга унинг сабабини ёки ривожланиш механизмини яратиш мақсадида батафсил тушунтириб беради. Симптомни таҳлил қилиш асосан диагностика жараёнининг дастлабки босқичидир. Симптомни таҳлил қилиб ва физиковий текширувни тутатгандан сўнг, баъзан скрининг лаборатория ва инструментал тадқиқотлар ўтказгандан сўнг семиологик дифференциал ташхис босқичи бошланади.

Лотин атамаси дифференциация, том маънода ажратишни англатади, асосан диагностика жараёнига нисбатан қўлланилади, бу ҳолда дифференциал ташхис деб аталади. Дифференциалташхиснинг иккитуриниажратишкерак :семиологикванозологик дифференциал ташхис.

Нозологик дифференциал ташхис(«дифференциал диагностика»)умумийдиагностикажараёнинингякунийбосқичидирвабирхи лпатологикжараёндоирасида бирнечта нозологикшаклларни ажратиболишумумкинбўлганҳоллардаамалгаоширилади. Афусски, мамлакатимизда ҳам, чет элда ҳам икки хил дифференциал диагностика ўртасида улар кўпинча бир-биридан фарқ қилмайди, бу чалкашликка ва кўпинча тушунмовчиликларга олиб келади.

Семиологик дифференциал диагностика босқичининг мақсади ушбу симптомнинг сабаби бўлган патологик жараённи аниқлаш (ёки асосли тахмин қилиш). Аломатларнинг дифференциал ташхиси bemor тўғрисида олинган маълумотлар (хусусиятлар), шунингдек, ўрганилган симптомнинг физик ва лаборатория-инструментал тадқиқотлар давомида аниқланган бошқа аломатлар билан ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Семиологик дифференциал диагностикани ўтказишдаграфикклиникалгоритмларёрдамберади. Клиник алгоритмни семиологик дифференциал ташхис ўтказиш учун воситалардан (усуллардан) бири деб аташ мумкин, унинг асосий мақсади симптомнинг сабаби бўлган патологик жараённи аниқлашdir. Ташхиснинг кейинги босқичи битта сабабга (масалан, анатомик) ёки умумий патогенезга

(масалан, ягона патофизиология) асосланган симптомларни (субъектив, физик, лаборатория, инструментал ва бошқалар) гурухлаш. Француз терапевти Э. Ч. Ачард (1860-1944) таъкидлашича: «Симптомлар барглари остида уларни аниылайдиган ва боғлайдиган анатомик ва физиологик тармоқларни топиш керак».

Турли хил белгиларнинг умумий сабаб ёки патогенез асосида «яхлит» га қўшилиши шифокорга касаллик даврида этакчи синдромни аниқлашга имкон беради. Синдром, сўзнинг диагностик маъносида, битта сабаб ёки патогенез (бу кўпроқ кенг тарқалган) билан бирлаштирилган симптомларнинг барқарор субъекти (субъектив ёки объектив) деб тушунилиши керак. Ички тиббиётнинг турли бўлимларида умумеътироф этилган синдромларни таснифлашнинг йўқлиги, замонавий клиник шароитларда ҳам клиник ташхисларнинг аксарияти синдромик бўлиб қолмокда, гарчи расмий равишда уларни нозологик шаклларга ажратиш мумкин. Кўпинча бундай диагностика этиопатогенез ёки морфология билан боғлиқ тафсилотларни батафсил аниқлаш учун моддий имкониятларнинг этишмаслиги туфайли маҳаллий тиббиётда суистеъмол қилинади. Шуни ҳам инобатга олиш керакки, «синдром» атамаси тиббиётда жуда кенг тарқалган ва кўпинча диагностика жараёни доирасидан ташқарида қўлланилади.



**Клиник диагностика конверти.**

Диагностик маънода синдром – бу шифокор хулосаларининг босқичларидан бири бўлиб, унинг натижаси патологик жараённинг локализатсияси ва табиатини белгилашдир (одатда). Тиббиётда «симптомдан синдромгача ва ундан ташхисгача» диагностика занжири азалдан тиббиётнинг «қироллик ташхиси» деб номланганлиги бежиз эмас. Ушбу атаманинг юонон тилидан рус тилига «биргаликда югуриш» ёки «яқинда югуриш» деган маъноларини қизиқарли таржимаси. Эсда тутингки, алматлар тасодифан «бирга ёки ёнма-ён» ўтмаган, аммо бунга мажбур бўлган, чунки улар битта патогенезнинг кучли иплари билан боғланган (боғланган). Ихтиёрий равишда чана итлари жамоаси билан бирлашма мавжуд. Синдромлар оддий ва мураккаб, улар анатомик ёки

функционал бузилишларга асосланган бўлиши мумкин. Агар ушбу синдром бирон-бир тадқиқот усулидан фойдаланиб аниқланган аломатларни бирлаштиrsa, бу оддий синдром деб аталади. Масалан, «ўпка тўқималарининг сиқилиш синдроми» ёки «ўпка тўқималарига инфильтрация» радиологик синдроми (оддий, анатомик синдромлар) ва бошқалар. Агар синдром уч ёки ундан ортиқ тадқиқот усулларининг аломатларини бирлаштиrsa, у мураккаб деб номланади. Масалан, «порталгипертензиясиндроми», «жигарэтишмовчилигисиндроми», «ичак(колит)синдроми», «юракэтишмовчилигисиндроми» вабошқалар.

**Нозологик** дифференциал ташҳиснинг методологияси бемордааниқланган аломатлар мажмусини тахми нқилинаётган касалликнинг белгилари (нозологик шакл) билан таққослаш, яъни, ҳар бир ҳолатда аналогия усулини кўллашдан иборат. Шуни таъкидлаш керакки, нозологик дифференциал ташҳисни аналогия усулидан фойдаланган ҳолда, шифокорнинг фикри ҳам патофизиологик бўлиб қолиши керак. Бундан ташқари, ташҳиснинг ушбу босқичида шифокор «патогенезни индивидуаллаштириши» керак, яъни, ушбу беморда патофизиологияява патогенез хақида умумий маълумотлар қўлла нилади.

### **Назорат саволлари**

1. Нозология нимани анлатади?
2. Синдром маъноси.
3. Симптом сўзининг маъноси.
4. Диагностика жараёни нинг усуллари
5. Диагностика жараёни нинг методологияси.
6. Субъектив ва объектив белгилар.
7. Диагностика жараёни нинг биринчи босқичи.
8. Диагностикада иккита ёндашув.
9. Дифференциал ташҳиснинг турлари.
10. Семиологик дифференциал диагностика нинг мақсади.
11. Нозологик дифференциал ташҳиснинг методологияси.

### **Адабиётлар.**

1. Крыжановский Г.Н. Дизрегуляционная патология // Патол. физиол. и экспер. терапия. – 2002. – №3 - с. 2-19.
2. Серов В.В. Медико-биологическая оценка основных клинических понятий: синдром, нозологическая форма, группа болезней // Бюлл. экспер. биол. и мед. – 1997. - №3 – с. 244-247.
3. Тарасов К.Е., Великов В.К., Фролова А.И. Логика и семиотика диагноза (методологические проблемы). – М.: Медицина, 1989 – 279с.
4. Чернобай Г.Н., Чернобай А.Г., Колесников А.О. Клинический синдром и его свойства. Здоровье и образование в XXI веке. №4. 2007 г. (Т.9). С.364-366.

### **З-машғулот.**

### **Фундаментал ва клиник фанларни ўқитишининг узлуксизлик тамойиллари муаммоси. Режа.**

Фундаментал ва клиник фанларни ўқитишининг узлуксизлиги масалалари. Фанлараро боғлиқликларнинг долзарблиги ва зарурлиги, унинг шакллари, кутилган натижалари, мавжуд тўсиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари.

Фундаментал табиий фанлар ва клиник фанларни ўзаро боғлиқликда ўқитиш жараёнининг истиқболлари.

**Калит сўзлар:** таълим, узлуксизлик, фундаментал фанлар, клиник фанлар.

**“Шифокор нафақат хирург ва терапевт бўлиши, балки табиатшунос ҳам бўлиши лозим, сабаби табиий фанлар билимларисиз онгли тиббиёт шакланиши даргумон” (С.П.Боткин, 1864).**

Тиббиёт олийгоҳларида бўлажак шифокорларда асосий фундаментал фанлар бўйича яхши тайёргарлик даражаси бўлмасдан уларга клиник фанларни ўқитиш мумкин эмас. Талаба-шифокорнинг клиник фанларни ўзлаштириш ва беморлар билан ишлашдаги муваффақиятлари фундаментал фанларни эгаллаш даражасига чамбарчас боғлиқ.

Ҳар қандай даражадаги таълимнинг асосий босқичларидан бири бўлган узлуксизлик тамойили турли хил ички- ва фанлараро алоқалар, жумладан, табиий фанлар ва касбий кўнималарга ўргатиш бўлишини тахмин қиласди. Бугунги кун талабаси, келажакдаги шифокор учун реал вазиятларда муаммони топиш ва ҳал қилиш учун фундаментал табиий билимларни ишлата олиш қобилиятини шакллантирувчи табиий фанлар соҳасидаги билимдонлиги жуда муҳимdir. Бўлажак шифокорлар учун яхши фундаментал тайёргарлик давлатимиз олий тиббий таълимининг характерли хусусияти ҳисобланади.

Клиник фанларни ўзлаштиришни бошлар экан, тиббий олий таълим муассасаси талабаси одам организми тузилиши ва функциялари, патологик жаранларнинг негизлари ва механизмлари, юзага келган бузилишларни тўғрилаш имкониятлари ва патоген омилларга қарши курашиш ҳақидаги сифатли тушунчаларга эга бўлиши керак. Бироқ амалда бу идеал манзарадан четга оғиш кузатилади. Кўпинча клиник фанлар ўқитувчилари уларга келган талабаларда касаллик патогенези, дори воситалари таъсиrlари ҳақидаги масалаларда етарлича тушунча ва билимлар йўқлигини, касалликнинг морфологик негизи ҳақидаги нотўлиқ тушунчаларни қайд этишади. Ўз навбатида, фундаментал фанлар ўқитувчилари кичик курслардаги, яъни клиник фикрлашга бағишлиган ўқитиш тадбирлари шаклланмаган талабаларда юқорида кўрсатиб ўтилган жиҳатларни етарлича тушуна олмаслик ҳолатларини кўрсатишади. Ўкув режаларида асосий фундаментал фанларни ўқитиш клиник фанларни

ўқитишдан хронологик тарзда унчалик орқада қолмаслиги, ўқув режалариға боғлиқ ҳолда терапевтиқ, хирургик касаллар негизлари патологик анатомия, патологик физиология, фармакология каби фанлар билан деярли параллел ҳолда амалга оширилиши мавжуддек гуё. Бундан ташқари, таълимнинг амалиётга йўналганлик даражаси, компетентлик ёндашув таълим олувчилярни фундаментал билимларини амалиётда қўллашга ундейди. Клиник тадқиқотларни бошлиш учун асосий фанларни ўзлаштириш даражаси ҳар бир талабанинг умумий тайёргарлик даражаси ва интеллектуал ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Аммо, талabalар орасида, уларнинг келажакдаги даволаш-диагностик фаолиятининг негизини ташкил этувчи назарий фанларни ўрганишга бўлган мотивацияси етишмовчилиги каби муаммо ҳам бор. Бизнинг фикримизча, бунинг иккита асосий сабаби бор. Биринчидан, кичик курслардаги фундаментал фанларни ўрганаётган талabalарнинг клиник амалиёт ҳақидаги тушунчаларининг камлиги. Иккинчидан, ҳам фундаментал, ҳам клиник муаммоларни изчил тарзда ўргатиш борасида назарий ва клиник кафедраларнинг ўзаро биргалиқдаги фаолияти етарлича эмаслигидир, бу ҳолат қўпгина олимлар томонидан қайд этилган. Бунинг натижаси улароқ, назариятчилар ва клиницистларда таълимда ўзаро боғлиқлик ҳақидаги нотўлиқ маълумот мавжудлиги юзага келади.

Шу билан бир вақтда, замонавий тиббиёт фундаментал фанлар ютуқларини нафақат патология ривожланиши қонуниятларини тушуниш, балки бевосита беморни текшириш ва даволаш учун қўллаши кундан-кунга ошиб бормоқда. Замонавий ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни негизида фундаментал фанлар технологиялари ва ютуқлари ётган диагностика ва даволашнинг етарли тарздаги лаборатор-инструментал жиҳозларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мисол тариқасида қўпгина дори воситаларини амалий тиббиётга жорий қилиш вақтининг қисқариши, биокимё, физиология, патологик физиология ютуқларини бевосита беморни текшириш жараённида қўлланилиши, пулмонология, нефрологи, гептаологида ташхисни морфологик верификацилашни анча қўп ишлатилишини кўрсатиб ўтсак бўлади. Демак, фундаментал фанларни ўрганишга бўлган мотивациянинг асосий талаби – патологик жараёнлар моҳиятини, касалларнинг морфологик негизи ва патогенезини, дори воситалари таъсир механизмларини тушунишдан келиб чиқиши лозим. Аммо “утилитар” аспектлар – фундаментал фанлар ютуқларини бевосита диагностик ва даволаш жараёнларида қўллай олиш ҳақида ҳам унутмаслик керак. Бу шуниси билан ҳам муҳим-ки, улар ҳам назарий, ҳам клиник кафедраларда ўқув жараённида ишлатилиши мумкин (масалан, миокард шикастланишини ташхислаш учун биомаркерларни қўллаш, нефропатия ташхисинининг морфологик мезонларини жорий қилиш, моноклонал антитаначалар негизида препаратларни яратиш, ва уларнинг амалда қўлланилиши).

Фундаментал ва клиник кафедралар ўқув жараёнида амалга оширилиши мумкин бўлган ва жорий қилинаётган фанлараро ўзаро боғланишнинг бир нечта шакли мавжуд.

1. Кафедра мажлислари, услугбий ва координацион кенгашларда фундаментал ва клиник кафедраларнинг ўзаро фаолият қилиши

2. Электив курслар, фанлараро олимпиадаларни амалга ошириш борасида табиий фанлар ва клиник фанлар кафедраларининг биргаликдаги иши.

3. Талабалар илмий жамиятининг биргаликдаги ишлиши, кафедралараро фанлараро муаммоли йиғилишлар ўтказилиши.

4. Клиник ва фундаментал фанлар ўқитувчилари томонидан катта курс талабаларига мўлжалланган комплекс маъruzалар тайёрланиши ва ўтказилиши.

5. Фундаментал ва клиник кафедралар ходимларининг биргаликдаги ўқув қўлланмалар, монографиялар тайёрлаши ва чоп этиши.

Кўрсатиб ўтилган фанлараро боғланишларга тўсқинлик бўлиб кўпинча ўқув дастурлари доирасида ўқитувчиларнинг ҳаддан ташқари бандилиги, ортиқча вақти йўқлиги, материал ресурсларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Фанлараро фаолит юритиш ўқитувчилардан катта меҳнатни талаб қиласи, кўп ҳолларда бу меҳнатга ҳақ тўланмайди. Ушбу тўсиқларни ечиш борасида амалга оширилиши мумкин бўлган тадбирларга қўшимча ўқув соатларини ажратиш, ўқитувчи ва кафедра рейтингига ҳамкорлик ишларини баҳолаш параметраларини қўшиш, мос ҳолдаги материал ва маънавий қўллаб-қуватлаш ва бошқаларни киритса бўлади. Фанлараро ҳамкорлик борасида нафақат талабаларининг ҳар томонлама тайёргарлик даражасини ошириш, балки олий таълим муассасси ходимларининг ҳам касбий маҳоратларини кучайтириш, янги даражаларга кўтариш ҳам ижобий самараларга олиб келади.

Шундай қилиб, фундаментал ва клиник фанларни ўқитишида изчиллик тамойили бўлғуси мутахассисларни сифатли тайёрлашда жуда ҳам зурурдир. Изчилликнинг педагогик тамойили тиббий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади ва уни ташкиллаштиришнинг турли шаклларида амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳакорликнинг кутилаётган натижаси сифатида нафақат табиий фанлар бўйича билим даражаси яхши бўлган шифокорларни тайёрлаш, балки шифокорнинг шахсий-интеллектуал ўсиши, шунингдек назарий ва клиник кафедралар ходимларининг компетентлиги ошиши ҳисобланади.

### **Назорат саволлари.**

1. Талабанинг клиник фанларни эгаллаш даражаси нимага боғлиқ?
2. Узлуксизлик тамойили нималардан иборат?
3. Клиник фанларни ўзлаштиришга келган талабаларда қандай муаммолар мавжуд?

4. Кичик курслардаги талабалар фикрлаши доирасини оширишда нималарга эътибор бермоқ лозим?
5. Талабалар орасида назарий фанларни ўрганишга бўлган мотивацияси етишмовчилиги муаммоси нимадан иборат?
6. Замонавий ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни негизида фундаментал фанлар аҳамияти.
7. Фундаментал фанларни ўрганишга бўлган мотивациянинг асосий талаблари.
8. Фундаментал ва клиник фанлараро ўзаро боғланишнинг шакллари.

### **Адабиётлар.**

1. Баринов Э. Ф., Айзятулов Р. Ф., Баринова М. Э., Сулаева О. Н. Межкафедральная интеграция как инструмент создания стандарта медицинского образования. Морфология 2011; 3: 85–88.
2. Ворсина Е. В. Преемственность учебной и профессиональной компетентностей студентов медицинских вузов. Современные проблемы науки и образования 2015; 3: DOI 10.17513/spno.123–19806.
3. Муратова А. М., Риклефс И. М., Ларюшина Е. М., Досмагамбетова Р. С. Биомедицинские знания – ключ к пониманию клинических дисциплин. В кн.: Интегрированное обучение (состояние и направления развития): материалы республиканской научно-практической конференции. Караганда: Изд-во КГМУ, 2011; с. 81–88.
4. Поддъяков А. Н. Решение комплексных проблем в PISA-2012 и PISA-2015: взаимодействие со сложной реальностью. Образовательная политика 2012; 6 (62): 34–53.

### **4-амалий машғулот.**

**Тиббий биологик фанларни илмий-методологик жиҳатдан ўргатишда изчиллик, таҳлилий ёндашиш, фикрларни мантиқий тарзда баён қилиш, мустақиллик қўникмалари.**

**Режа.** Тадқиқотларда билимларнинг илмий усуслари. Экспериментал тадқиқотлар. Илмий тадқиқот методологияси ва методикаси. Илмий тадқиқотлар, унинг моҳияти ва хусусиятлари. Тадқиқот услубиятининг асосий компонентлари.

**Калим сўзлар:** тадқиқот, эксперимент, изчиллик, таҳлил, қўникма.

Илмийтадқиқотлар методологиясида иккадаражадаги билиммавжуд:

- эмпирик – кузатиш ва тажриба, шунингдек эксперимент натижаларини гуруҳлаш, таснифлаш ва тавсифлаш, кузатиш;
- назарий – илмий фаразларни, назарияларни қуриш ва ривожлантириш, қонунларни шакллантириш ва улардан мантиқий натижаларни танлаш, турли фаразлар ва назарияларни таққослаш.

Диалектик материализм методологиясига асосланиб, илмий билимларнинг қуйидаги усуслари фарқланади: умумий илмий ва конкрет-илмий (хусусий).

Умумий илмий усуллар назарий ва эмпирик тадқиқотларда күлланилади. Уларга таҳлил, синтез, индукция ва дедукция, ўхшашлик ва моделлаштириш, ажралмаслик ва аниқлаштириш, тизимли таҳлил ва расмийлаштириш, гипотетик ва аксиоматик усуллар, назария яратиш, кузатиш ва тажриба, лаборатория ва дала тадқиқотлари киради.

Таҳлил – бу объектни ақлий ёки амалий равищда таркибий элементларга (объектнинг қисмлари, унинг белгилари, хусусиятлари, муносабатлари, хусусиятлари, параметрлари ва бошқалар) ажратиш йўли билан ўрганишни ўз ичига олган тадқиқот усули. Танланган қисмларнинг ҳар бири бир бутун ичидаги таҳлил қилинади. Мисол учун, ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш ҳар бир дўкон ва умуман корхона учун амалга оширилади.

Синтез – объектни унинг яхлитлиги, унинг қисмлари бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги билан ўрганиш усули. Илмий тадқиқотлар жараёнида синтез таҳлил билан боғлиқ, чунки у таҳлил жараёнида ажратилган объектнинг қисмларини бирлаштиришга, уларнинг алоқаларини ўрнатишга ва мавзуни бир бутун сифатида билишга имкон беради (масалан, ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат унумдорлиги).

Индукция – кўплаб элементларнинг белгиларининг умумий холосаси ушбу тўплам элементларининг бир қисмида ушбу хусусиятларни ўрганиш асосида амалга ошириладиган тадқиқот усули. Мисол учун, ҳар бир корхона учун меҳнат унумдорлигига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар ўрганилади ва кейинчалик маълумотлар ишлаб чиқариш бирликлари сифатида ушбу корхоналарни ўз ичига олган ишлаб чиқариш бирлашмаси бўйича умумлаштирилади.

Амалий тиббиётда инцизион (очик) биопсия кенг тарқалган. Орган ёки унинг бир қисми оператив йўл билан кесиб олинади. Агар патологик ўчоқ бутунлай олиб ташланса, унда умумий (эксцизион) биопсия ҳақида гап кетади. Пункцион биопсия негизида маҳсус игналар, троакорлар ёрдамида аъзодан тўқима устунини олиш ётади. Яхши самара бўлиши учун бу муолажа УТТ, МРТ-назорат остида олиб борилади.

Трепанобиопсия пункцион биопсиянинг бир тури. Бунда суяк ёки суяк илиги тўқимаси маҳсус усқуна – трепан ёрдамида олинади.

Эндоскопик диагностика ва даволаш усулларининг ривожланиши эндоскопик муолажалар пайтида материал олиш сони кўпайишига олиб келди. Ушбу турдаги биопсия ёрдамида материални тананинг деярли ҳар қандай қисмидан олиш мумкин.

Аспирацион биопсия игна-шприц ёки бошқа маҳсус асбоблар ёрдамида кавак аъзолар бўшлиғидан олинган суюқликларни текшириш учун қўлланилади. Шу мақсадда бронхлар, ошқозон, плерал ва қоринпарда бўшлиғи, бачадон бўшлиғи, шунингдек паренхиматоз аъзолардан олинган диализ суюқлқилкрай ҳам текширилади. Олинган материал асосан цитологик текширувдан ўтказилади.

Йўлдошни морфологик ўрганиш билан ҳомила ва онанинг касалликлари билан боғлиқ патологик жараёнлар аниқланади. Ўлик туғилишнинг барча ҳолатларида, янги туғилган чақалоқларнинг оғир ҳолатида ва уларнинг ўлимиди йўлдошни ўрганиш мажбурийдир.

Шундай қилиб, ҳаёт вақтида морфологик материални ўрганиш мутахассисдан нафақат патологик цито- ва гистологиядан билимларни, балки клиник фикрлашни талаб қиласи, клинисистдан эса морфология асосларини билиш ва микроскопия имкониятларини англаш, биопсия ва операцион материаллар бўйича хулосаларни тўғри баҳолаш (шарҳлаш) қобилиятини талаб қиласи.

Ўлимдан кейинги текширишлар мурдада олиб борилади. Ушбу муолажани аутопсия эмас, балки некропсия деб аташ тўғри ва аниқдир. Аммо “аутопсия” атамаси кенг тарқалган.

Аутопсия – морфологик текширишнинг энг қадимги усули. Ҳозирги замон ватиқдаги аутопсия ҳам касаллик ҳақида тўлиқ маълумотни, функциялар бузилишида ва касалликнинг динамикаси клиник кўринишида, соғайиш даврида, ногиронланиш ва бемор ўлимидаги қайси морфологик субстрат мос келишини аниқлаш имконини беради. Шунингдек мурдани очиш вақтида далиллар (аъзолар ва тўқималар ўзгаришлари) аниқланади, улар ёрдамида ташхис тўғрилиги, даволаш тадбирларининг асосланганлиги ва самарадорлиги, даволаш шароитида ўзгаришлар, шунингдек диагностика ва даволаш патологияси ҳақида хulosи қилиш имконини беради. Кўп ҳолларда мурдани ёриш вақтида у ёки бу касалликка шубҳа туғилади, бу бошқа мутахасис шифкорлар билан биргаликда мос текширувларни амалга ошириш имконини туғдиради.

Мурда материаллари макроморфологик ва микроскопик даражада текширилади. Камроқ рентген, микробиологик ва биокимёвий усуллар ва бошқалар ишлатилади.

Тиббиётга замонавий ахборот-технологияларининг киритилиши “Виртобот” (Берн, Германия) роботи ёрдамида виртуал аутопсия, яъни виртопсияни амалга ошириш имконини туғдиради. Виртопсия муолажаси оптик сканерлар (ташқарида) ва магнит-резонанс томография (ичкарида) ёрдамида тўқималарни кесмасдан ўлган одам танаси устида кўп қаватли уч ўлчамли манзарани (рақамли мултипластинали тана томографияси) амалга ошириш мумкин. Натижада тадқиқотчилар мурадни ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан ҳар томонан текшириш имкониятига эга бўлашади.

Виртопсия натижаларидан фойдаланиб пункция ёрдамида қизиқтираётган тўқимани кўшимча равишда микроскопик текшириш учун олиш мумкин. Шу билан бирга, амалиёт шуни кўрсатадики, бу усул бир қатор чекловларга эга, масалан, тор ўлчамлари, юқори даражадаги мураккаблиги, жуда кўп электрон маълумотлари, тегишли профиллардан (радиологлар, муҳандислар) мутахассисларни жалб қилиш зарурияти ва бошқалар. Шунинг учун, бу усул ўзининг қатъий кўрсатмаларига эга ва уни классик аутопсияга кўшимча сифатида фойдаланиш мумкин, аммо уни тўлиқ алмаштириш сифатида эмас.

Лаборатория ҳайвонларининг этарлича сони билан ўтказилган эксперимент(тажриба) ўзига хос кўп қиррали тадқиқот бўлиб, касалликларнинг ривожланишининг ҳар қандай босқичини моделлаштириш ва ўрганишга имкон беради, фиксация усулларидан кенг фойдаланиш, гисто- ва цитокимёвий усулларни, электрон микроскопия ва радиоавтографияни қўллаш имконини беради. тўқима маданияти, унинг ёрдами билан даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқилади ва синовдан ўтказилади.

Бошқа томондан, морфологик тадқиқотлар экспериментал клиник ишларнинг ажралмас қисмидир. Ҳозирги вақтда морфологик тадқиқотлар, уларнинг юқори нархига қарамай, кенг қўлланилади. Бундан ташқари, улар тирик ҳайвоннинг танасида (*in vivo*), ҳам *ib vitro* (тўқима култураларида,

ҳайвонлардан олинган ҳужайралар, қон намуналари ва бошқалар) амалга оширилади. Шу билан бирга, якуний илмий холосаларнинг ишонччилиги учун экспериментал моделда олинган морфологик маълумотлар одамларда худди шу касаллик учун мос маълумотлар билан аниқ боғлиқ бўлиши керак.

### **Объекты морфологического исследования.**

#### **Морфологик тадқиқот объектлари.**

Макроморфологик объектлар бўлиб аутопси вактида текшириладиган мархумнинг танаси (мурда), унинг қисмлари, аъзолар тизимлари ва алоҳида аъзолар хисобланади. Шунингдек, макрообъектлар (тананинг патологик жиҳатдан ўзгарган қисмлари, аъзолари ёки уларнинг қисмлари, тўқима бўлаклари)ни текширишни ҳаёт вактидаги (операцион, биопсия материаллари) ва экспериментал материалларда ҳам амалга оширилади.

Морфологик тадқиқотнинг микроскопик обьекти сифатида ҳозирги пайтда тирик одамдан, одам жасадлари ва лаборатория ҳайвонларидан олинган тўқима бўлаклари, ҳужайралар гурухлари, алоҳида ҳужайралар, шунингдек сунъий равишда ўстирилган ёки клонланган тўқималар ва ҳужайралар маданияти ишлатилмоқда. Улар озуқа муҳитидаги тўқима ва ҳужайралар ҳамда препаратлари (“ойналар”) қўринишида микроскопик текширувдан ўтказиалди. Препаратлар ўз навбатида, гистологик (тўқима бўлаклари) ва цитологик (ҳужайралар ва ҳужайралар гурухлари); фиксацияланган (ўлик, барқарор, доимий, қурук) ва фиксацияланмаган (жонли, нативли, нам); бўялган (тамғаланган) ва бўялмаган бўлиши мумкин.

#### **Морфологик тадқиқот обьектларини визуализация қилиш усуллари.**

Макроскопик усул - бу биологик тузилмаларни обьектнинг тасвирини сезиларли даражада оширасдан, кўз билан мунтазам текшириш орқали ўрганиш усули. Унча катта бўлмаган катталаштириш ойнасидан фойдаланиш ҳам макроскопик усулга боғлиқ. Бироқ, амалда, макрообъектларни ўрганиш фақат макроскопик тадқиқотлар билан чекланмайди. Бундай тадқиқотни “макроморфологик” деб номлаш мақсадга мувофиқдир, чунки олинган маълумотлар нафақат визуализацион хисобланади.

Микроскопик тадқиқот усуллари – обьектнинг тасвирини сезиларли даражада катталаштирадиган маҳсус қурилмалардан (микроскоплар) фойдаланадиган морфологик тадқиқот усуллари. Тибиёт ва биологияда ушбу усуллар инсоннинг кўриш қобилиятидан (микроскопик) ўлчов доирасидан ташқарига чиқадиган обьектларнинг тузилишини ўрганади. Микроскопик тадқиқот усулларининг асосига ёруғлик ва электрон микроскопия киради. Ёруғлик микроскопиясида ёруғликнинг турли хусусиятлари қўлланиладиган бир нечта турлари бор: ёруғлик-оптик,

интерференцион, фаза-контрастли, люминесцент, стереоскопик, поляризацияли, инфрақизил, ултрабинафша ва бошқалар.

Фазали контрастли микроскопия шаффофф объектларнинг жуда юқори аниқликдаги тасвирларини ҳосил қилиш учун контрастни кучайтирувчи оптик услугуб ҳисобланади. Тиббиётда фазали контрастли микроскопия тирик (шаклланмаган ва бўялмаган) биологик объектларни (саддалар, суяқ илиги хужайралари ва периферик қон, турли тўқималарнинг културацион ҳужайралари ва бошқалар) ўрганиш учун ишлатилади.

Поларизацион микроскопиясининг асоси ўзаро перпендикуляр текисликлардаги иккита нурлар ёрдамида ҳосил бўлган поляризацион ёруғликда ўрганилаётган биологик объектнинг суратини олишидир. Поларизацияли микроскопия гистологик, цитологик тадқиқотларда кўлланилади ва микробиологик диагностикада ҳам ишлатилади. Поларизацияланган микроскопия фиксацияланмаган ҳам рангли, ҳам бўялмаган препаратларни ўрганишга имкон бериши жуда муҳим ва фойдалидир.

Люминесцент микроскопия негизида баъзи моддаларнинг қўзғалиш энергиясини олганидан кейин ёруғлик чиқарадиган ноёб қобилияти ётади – қўзга кўринадиган ёруғлик ёки ултрабинафша нурлар спектрининг кўкбинафша сегментидаги люминесцентга асосланган. Ўзининг люминесценсиясига эга бўлмаган бошқа моддаларни уларга маҳсус реагентлар – фторхромлар (иккинчи даражали люминестсент) қўшиб аниқлаш мумкин.

Ултрафиолетва инфрақизил микроскопияда тирик ҳужайралар ва микроорганизмлар ёки турғун препаратларни ташкил этувчи маълум кимёвий моддалар, кўринадиган ёруғликда бўялмаган ва шаффофф, маълум тўлқин узунликларининг ултрабинафша ва инфрақизил нурларини сингдириш қобилияти кўлланилади. Ултрабинафша микроскопидан фойдаланиб, нафақат оқсилларни, ароматик аминокислоталарни, нуклеин кислоталарни, пурин ва пиrimидин асосларини, балки уларнинг миқдорини, шунингдек тирик мавжудотлардаги метаболизмни ўрганиш мумкин. Тиббиётда инфрақизил микроскопия асосан офтальмология ва нейроморфология соҳасидаги тадқиқотларда қўлланилади.

Стереомикроскопия бизга фазовий йўналишни йўқотмасдан кучли катталаштириш остида ҳажмли объектларни кўришга имкон беради. Ўрганилаётган объектнинг юқори контрастлиги, аниқлиги ва жуда яхши чегераланган кўриниши керак бўлганда стереомикроскоплар бизга жуда қўл келади. Ҳозирги вақтда стереомикроскопларнинг икки тури мавжуд. Бу Грен ва Аббе схемаларига асосланган стереомикроскопилар. Ҳар бир схеманинг ўзига яраша афзалликлари ва камчиликлари бор, аммо иккаласи ҳам бир хил даражада ишлатилади. Маҳсус мақсадлар учун стереомикроскопиянинг бошқа усуллари, масалан интерференцион микроскопия ва бошқалар қўлланилади.

Электрон микроскопия субхужайра ва макромолекуляр даражада структур ўзгаришларни текшириш учун ишлатилади. Электрон микроскопия трансмиссив (равшанлаштирувчи) ва сканерловчи (юза релефини кўрсатувчи) бўлиши мумкин. Трансмиссион электрон микроскопияда ҳужайра ичидаги тузилмалар тасвири текис (2Д тартибida), сканерлашда эса ҳажмли (3Д тартибda) олинади. Электрон микроскопияни морфологик тадқиқот объектларини аниқлашнинг бошқа усуллари – цито-, гистокимёвий, иммуноцито- ва иммунгистокимёвий, авторадиографик усуллар билан уйғунлаштирилган ҳолда қўлланилиши жуда фойдали.

### **Назорат саволлари.**

1. Морфологик усулларнинг моҳияти.
2. Морфологик усулларни таснифлаш тамойиллари.
3. Морфологик тадқиқотлар материаллари.
4. Морфологик тадқиқот объектлари.
5. Макроморфологик усулнинг тавсифи.
6. Микроскопик тадқиқот усулларининг турлари.
7. Витал микроскопия.

### **Адабиётлар.**

1. Кисслич Р. Атлас эндомикроскопии. Кисслич Р., Гэйл П., Ньюрат М.; [пер. с англ.]; под ред. Ф. Г. Забозлаева, В. В. Соколова. С. С. Пирого- ва. - М.: Издат. дом «Практическая медицина», 2018. - 144 с.
2. Мальков П. Г. Стандартные технологические процедуры при проведении патологоанатомических исследований; клинические рекомендации. П. Г. Мальков, Г. А. Франк, М. А. Пальцев. - М.: Издат. дом «Практическая медицина», 2017.-136с.
3. Патологоанатомические исследования: нормативные документы / под ред. Г. А. Франка, П. Г. Малькова. - М.: Издат. дом «Практическая медицина», 2017. - 216 с.
4. Мальков П. Г. Основы обеспечения качества в гистологической лабораторной технике: руководство / под ред. П. Г. Малькова, Г. А. Франка. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2014. - 176 с.
5. Малотравматичные технологии в патологоанатомической практике / Т. И. Мустафин и др.; под ред. Т.И. Мустафина. - М.: Медицинская книга, 2014. - 112с.
6. Кумар В. Основы патологии заболеваний по Роббинсу и Котрану. В 3 т. [пер. с англ.] / Кумар В., Аббас А.К., Фаусто Н., Астер Дж. К.; под ред. Е.А. Коган. - Изд-во Логосфера. - 2014. - 624 с.
7. Павлова Т.В. Клиническая и экспериментальная морфология / Т.В. Павлова, В.Ф. Куликовский, Л.Л. Павлова. - М.: ООО «Медицинское информационное агентство», 2016. - 256 с.

8. Патологическая анатомия. Национальное руководство. / под. ред. М.А. Пальцева, Л.В. Кактурского, О.В. Зайратьянц. - Изд-во ГЭОТАР-Медиа. - 2014. - 1264 с.
9. Руководство по иммуногистохимической диагностике опухолей человека. / под ред. С.В. Петрова, Н.Т. Райхлина. - 4-е изд., перераб. и доп. - Казань, 2013. - 624 с.
10. Струков А. И. Патологическая анатомия: учебник [Электронный ресурс] / А. И. Струков, В. В. Серов; под. ред. В. С. Пауков. - 6-е изд., перераб. и доп. - Электрон, текстовые дан. - М.: Гэотар Медиа, 2015- 880 с. - Режим доступа: <http://www.studmedlib.ru/ru/book/ISBN9785970432600.html>
11. Патологическая анатомия: атлас [Электронный ресурс] / под. ред. О.В. Зайратьянца. - Электрон, текстовые дан. - М.: Гэотар Медиа, 2014. - on-line. - Режим доступа: <http://www.studmedlib.ru/book/ISBN9785970427804.html>
12. Басинский В.А. Краткий курс клинической лабораторной цитологии. / В.А. Басинский и др. - Гродно: ГрГМУ, 2013. - 292 с.
13. Введение в молекулярную медицину / под ред. М. А. Пальцева. - М.: Изд-во «Медицина», 2004. - 496 с.
14. Колтовой Н.А. Краевой С.А. Флуоресцентные методы диагностики в медицине. Монография. —М.: Bookvika.ru. 2014. —228 с.
15. Рыков В.А. Справочник патологоанатома/ Серия «Медицина для вас»,- Ростов-на-Дону: «Феникс», 2004. - 256 с.
16. Спиридовон В.А. К вопросу развития виртуальной аутопсии в России, или что делать. / В.А. Спиридовон // Судебная медицина. / - Т2. - №2,- 2016.-С.93-94.
17. Erozan Y.S., Tatsas A. Cytopathology of Liver, Biliary Tract, Kidney and Adrenal Gland. Springer, 2015. - 202 p.
18. Field Andrew S. (ed.) Practical Cytopathology. A Diagnostic Approach to Fine Needle Aspiration Biopsy. Elsevier, 2017. - 563 p.
19. Gill Gary. Cytopreparation: Principles & Practice. Springer, 2013. - 449 p.
20. Khalbuss W.E., Means M. Gynecological and Breast Cytopathology Board Review and Self-Assessment. Springer, 2013. - 576 p.
21. Kocjan Gabrijela. Cytopathology of the Head and Neck: Ultrasound Guided FNAC. 2nd ed. -Wiley-Blackwell, 2017. - 212 p.
22. Sheaff Michael T., Singh N. Cytopathology: An Introduction. Springer, 2013.-486.

## VII. КЕЙСЛАР БАНКИ

### **Муаммоли вазият**

Чап ўпканинг илдизи соҳасида жойлашган ўсма касаллигида беморнинг аҳволи ёмонлашганлиги туфайли товушнинг буғилиши (хириллаш) пайдо бўлди.

### **Топшириқлар:**

Бу аломатни анатомик асосланг.

Чап ўпка илдизи синтопиясини айтиб беринг.

### **Муаммоли вазият**

Бемор И. ЛОР булимига юқори ҳарорат билан оғир аҳволда, чап томонлама ўткир этмоидит ташхиси билан ётқизилди. Бир неча қундан сўнг, ўтказилган операцияга қарамасдан, чап кўз косасида флегмона ривожланди.

### **Топшириқлар:**

Инфекция қандай йўл билан орбитага тарқалганлигини тушунтириб беринг.

қайси тузилмалар заарланган?

### **Муаммоли вазият**

Флегмоноз ангина ўтказган боланинг жағ ости соҳасида шиш, қизариш ва оғриқ пайдо бўлди, шу соҳа пальпациясида флюктуация аниқланди.

### **Топшириқ:**

Ушбу асоратни анатомик асослаб беринг.

### **Муаммоли вазият**

Поликлиникага чап чов-ёнбош соҳасида ва чап ёрғоқда бўртиқ борлиги туфайли бемор мурожаат этди. Текшириш пайтида бу бўртиқ чап чов каналида ва ёрғоқ ичидалиги аниқланди. Бемор ётганда бу бўртиқ ҳажми камайди.

### **Топшириқ:**

Қандай ташхис қўйилади?

### **Муаммоли вазият**

16 ёшли bemor энгагидан зарб еган. У энгак соҳасидаги оғриққа, овқатни тишлаб узишда қийналаётганлигига шикоят қиласди. Кўриқда. буғим бошчаларининг харакати бир хилда, оғзи эркин очилади, аммо бунда пастки марказий курак тишлар орасида ўрта чизик бўйлаб ёриқ пайдо бўлади.

### **Топшириқ:**

Пастки жағ суюгининг бундай синишида нима сабабдан унинг синиклари силжимайди?

### **Муаммоли вазият**

Пастки трахеостомия операциясида оператив йўл очилаётган вақтда беморда кучли қорамтири туслаги қон кетиши содир бўлди.

#### **Топшириқлар:**

Қон кетиши сабаби?

Қайси томирдан қон кетаяпти?

### **Муаммоли вазият**

Бемор муваффақиятсиз қилинган ўмров ости венаси пункцияси туфайли елкага, билакка ва қўл панжасига тарқалаётган оғриққа шикоят қиласиди.

#### **Топшириқ:**

Бу муолажанинг қандай асорат берганлигини анатомик жиҳатдан изоҳланг.

### **Муаммоли вазият**

Терапия булимидан жарроҳлик булимига миокард инфарктини ўтказган 74 ёшли bemor ўтказилди. Bir неча кун олдин қоринда ўткир оғриқлар безовта қила бошлаган. Ҳозирда перитонит касаллигининг клиникаси мавжуд. Операция пайтида тушувчи ва сигмасимон чамбар ичак гангренаси топилди.

#### **Топшириқ:**

Қайси томирларда қон келиши бузилган?

### **Муаммоли вазият**

Операция вақтида bemorда ўнг буйракнинг пастки қутбидаги жойлашган флегмона очилди. Бу флегмона қоринпарда орти соҳасининг қайси қисмида жойлашган бўлиши мумкин?

#### **Топшириқ:**

Бу қисм нималар билан чегараланган?

### **Муаммоли вазият**

34 ёшли bemorда қийшиқ чов чуррасини операция қилиш пайтида чурра халтаси кесиб очилганда маълум бўлди, мояк халта тўқималари билан уч томонлама қопланган бўлиб, чурра халтасида ётгандек жойлашган.

#### **Топшириқлар:**

Чурранинг турини, унинг анатомик хусусиятларини айтинг.

Мояк қаватларини (қобиқларини) санаб беринг.

### **Муаммоли вазият**

Ўнг томонлама сурункали йирингли мастоидитли bemornинг ўнг тўш-ўмров-сурғичсимон мускули соҳасида шиш, қизариш ва оғриқ пайдо бўлди.

#### **Топшириқ:**

Ушбу асоратни анатомик асослаб беринг.

### **Муаммоли вазият**

Бемор бир неча кундан бери пневмония касаллигидан даволанааяпти. Охирги пайтда bemorning аҳволи ёмонлашди. Назорат рентгенографиясида плевра бўшлиғида суюқлик кўринди.

#### **Топшириқлар:**

Беморда қандай асорат борлигини тахмин қилиш мумкин?  
Қайси анатомик тузилмаларда суюқлик йиғилган бўлиши мумкин?

### **Муаммоли вазият**

40 ёшли bemor ўнг бел соҳасининг санчилган-кесилган жароҳати билан олиб келинди. Жароҳат XII қовурға остида умуртқани тикловчи мускулнинг ташқи қирғоғида жойлашган.

#### **Топшириқ:**

Қайси ички аъзолар жароҳатланган бўлиши мумкин?

### **Муаммоли вазият**

Автомобил авариясидан шикастланган жабрланувчи келтирилди. Рентген пленкасида тосдаги қов суягининг синганлиги ва сийдик пуфагининг олдинги девори жароҳатланганлиги кўринди.

#### **Топшириқ:**

Сийдик ва гематома қаерга тарқалади?

### **Муаммоли вазият**

40 ёшли bemorning чап кўз косасига пичоқдан жароҳат етган. Кўз соққаси бутун бўлсада, кўриш ўша заҳотиёқ бутунлай йўқолган.

#### **Топшириқ:**

Қандай тузилмалар шикастланган бўлиши мумкин ва унинг кўз косасида пайдо бўлиш йўли?

### **Муаммоли вазият**

70 ёшли bemorda сариқлик пайдо бўлди. Текширувлар натижасида ошқозон ости безининг ўсма касаллиги аниқланди.

#### **Топшириқлар:**

Бу ўсма қайси анатомик тузилмаларни эзган?  
Ўсма ошқозон ости безининг қайси қисмида жойлашган?

### **Муаммоли вазият**

Пичоқнинг жароҳати чапдаги 3-қовурға оралиғи бўйлаб плевра бўшлиғига ўтувчи bemor келтирилди. Катта гемоторакс белгилари мавжуд, жароҳат канали олдиндан орқага, юқоридан пастга ва бирмунча ичкарига йўналган.

**Топшириқ:** Қайси анатомик тузилмаларнинг жароҳатланганлиги тахмин қилиниши мумкин, жарроҳ тактикаси?

## **Амалий топшириқлар**

**Амалий машғулот:** тингловчиларнинг креативлик хусусиятларини шакллантириши.

Ишдан мақсад – Ишдан мақсад – тингловчиларнинг креативлик хусусиятларини шакллантиришда илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар кичик гурухларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

**Ишни бажариш учун намуна**

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гурухга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниклаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материалларданфойдаланишмумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гурухларда иш бошлиш вақтини эълон қиласди.

Гурухлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Тақдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қиласди. Ўқитувчи ҳар бир саволга яқун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хulosалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хulosалар қиласди. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолиятини таҳлил қиласди ва баҳолайди.

Гурухда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким фаол, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қарagan ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.
- кемага тушганинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиши.

2. Мухокама қилиши.

3. Презентация (тақдимот) варагини тайёрлаш.

4. Презентация (такдимот) қилиш.
5. Гурухлар бошқа гурухларни презентация (такдимот)лари вактида уларни баҳолаш.
6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

## **VIII. МУСТАҚИЛТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъерий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётларданфойдаланишасосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мазкур модул бўйича тингловчиларнинг мустақил ишини ташкил этишда **қуидаги шаклларданфойдаланишумкун**:

- модул мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;
- семинар машғулотларига тайёргарлик кўриб бориш;
- белгиланган мавзулар бўйича ишланмалар тайёрлаш;
- тестлар ечиш;
- амалиётдаги мавжуд муаммонинг ечимини топиш бўйича кейслар ечиш;
- мунозарали саволлар ва топшириқларга тайёргарлик кўриш;
- қўргазмали воситалар тайёрлаш;
- ахборот ресурс марказида белгиланган мавзулар бўйича назарий, амалий ва статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва муайян тизимга солиш;
- белгиланган мавзулар бўйича замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тақдимот материаллари тайёрлаш.

### **Мустақилтальиммавзулари**

1. Тиббий биология фанлари мавзуларини ўргатишида самаралииинновационўқитиши усуллари.
2. Талабаларда креативлик хусусиятларини шакллантириш услублари.
3. Дизайн-лойихалаш услугини амалий машғулотларда қўллаш афзалликлари.
4. Артериал қон томирлар функционал анатомияси ўрганишида инновациоон технологияларни қўллаш аҳамияти.
5. Буйрак тузилиши ва функционал анатомиясини ўрганишида интерфаол ўйинлардан фойдаланишнинг ахмияти.
6. Жигар, меъда ости бези аъзоларининг тараққиёти ва тузилишини модул тизимида замонавий педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ўрганиш.

7. Жинсий аъзоларининг функционал анатомиясини ўқитишда янги педагогик технологияни қўлаш аҳамияти.
8. Карбонсувлар. Моно-, ди- ва полисахаридлар мавзуларини ўргатишда замонавий педагогик технологиялар.
9. Кўз олмаси функционал анатомиясини модул тизимида ўқитиши жараёнида замонавий педагогик технологиялар қўллашнинг аҳамияти.
10. Кўкрак ва қорин аортасининг Moodle дастури асосида ўкув ресурсларини яратиш.
11. Липидлар. Совунланадиган ва совунланмайдиган липидлар мавзуларини ўргатишда янги педагогик технологиялар қўлланилиш муаммолари.
12. Меъда ичак тизимини ўқитишда масофавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш.
13. Модул тизимида таълим беришни ўпкаларда газ алмашинуви жараёнига бағишланган мавзуда қўллашнинг аҳамияти.
14. Нафас аъзоларининг анатомиясини бошқа тиббий биология фанлар билан интеграллаштирган ҳолда ўқитишининг аҳамияти:
15. Организм иннервациясининг умумий қонуниятлари ўрганишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.
16. Суяклар тузилиши ва биомеханикасини ўрганишда хорижий илгор технологиилар афзалликларининг қиёсий таҳлили.
17. Таянч-ҳаракат тизимининг функционал анатомиясини ўргатишда тиббий биологик фанларнинг интеграл маъruzалари аҳамияти
18. Тиббий биология модулида биотехнология ўрни.
19. Тиббий биология модулида нанотехнология ўрни.
20. Тиббий биология фанларини интеграл ўқитиши жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг аҳамияти
21. Тиббий биология фанларини интеграл ўқитишининг аҳамияти ва афзалликлари.
22. Тиббий биология фанларини ўқитишда масофавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш масалалари.
23. Юрак-қон томир тизимини ўқитишда хорижий давлатлар тажрибаларини модулли ўқитиштаълим тизимига тадбиқ этиш масаласи.

## IX. ГЛОССАРИЙ

Агрегат	маълум бир системани ёки унинг бўлакларини хосил қилувчи элементлар.
Адаптер	компьютер қўшимча қурилмалари ишини бошқарувчи электрон схема
Адгезия	хужайраларнинг ўзаро бирикиши, тўқимани хосил қиласди
Аккомодация	мослашиш, кўз қорачигининг, гавҳарининг узоқ-яқинни кўришга мослашиши.
Акромегалия	суюкларнинг (асосан найсимон) тезда қалинлашуви билан билан борадиган касаллик
Аллел	бу битта, иккта ёки бир нечта алтернатив формалардан бири.
Амалиймашғулотлар методи	асосан ўзлаштирилган илмий билимларни мустаҳкамлаш ва уни амалда қўллай олиш, тегишли кўникма ва малакаларга эга бўлиш
Антеверзио	бачадоннинг олдинга қараб букилиб жойлашиши.
Антиген	иммун ҳужайралар тамонидан танилиб, жавоб реаксия чақирадиган молекула
Антитело	антиген билан ўзаро алоқага кирувхи гликопротеин
Ануляр	узуксимон ёки бирор бир нарсанинг узуксимон тузилиши.
Апертура сони	буюм ва обектив орасидаги мухитнинг синдириш кўрсатгичига тўғри пропорсионал катталик
Аплазия	органнинг ёки тўқиманинг ривожланиши бузилиши натижасида бўлмаслиги.
Аудиометрия	ешитиш бўсагасини (ўткирлигини) аниклаш усули
Аускултация	ешитиб кўриш орқали диагностика қилиш усули
Афферент	перифериядан марказга йўналиш, нерв толасида таъсиротнинг перифериядан марказга утказилиши (марказга интилевчи тола)
БАЛТ	бронхлар шиллиқ пардаси билан жамланган лимфоид тўқима
Ганглий	тугун, асосан, сезувчи ва вегетатив нерв толаларининг йўлида хосил бўлади Тугунни нерв ҳужайраларининг йигиндиси ташкил қиласди.

Гассал таначаси	кератин филаментлари билан тўлган, яссилашган ретикулоепителיאל ҳужайралардан тузилган танача
Герантология	одам организмининг қаришини ўрганувчи фан.
Геринг найчаси	ўт каналчаси бўлакча перифериясида очиладиган найча ундан ўт бўлакчалараро найча очилади
Гетерохроматин	нофаол хромасома
Гигантизм	ўсиш гармонинг меёридан кўп ишлаб чиқарилиши натижасида келиб чиқадиган касаллик бўлиб, найсимон суякларнинг ҳаддан зиёд ўсиши билан характерланади
Гиперплазия	бутун бир органнинг ёки унинг маълум бир кисмининг физиологик жараёнларнинг бузилиши натижасида катталashiши.
Гипертрофия	орган ёки тўқима ҳажмининг нормага нисбатан катталashiши
Гипоплазия	Маълум бир органнинг ёки унинг бир бўлагининг ривожланиш жараёни бузилиши натижасида ҳажмининг кичрайиши.
Голография	тўлқинларнинг интерференсияси ва дифраксияси ёрдамида обектлар тасвирини ёзиб олиш қайта тиклаш усули
Гомоген зона	ациноцит митоплазманинг ядро базал мембрана оралиғида жойлашган зона
Гонадолиберин	жинсий гормонларни синтезини кучайтирувчи гомон
Гонадотроп гормон	жинсий безлар фаолиятига таъсир этувчи гормон
Дастурий таъминот	ахборот тизимлари иши учун мўлжалланган дастурий воситалар мажмуаси, шунингдек, ушбу воситалар ва технологик жараёнларга тегишли жараён.
Деляминация	бластостелни бластомер ҳужайраларини teng бўлиниши
Дендрит	қисқа ва шохланган ўсимта
Депрессор	маълум бир жараённи пасайтирувчи реагент ёки модда, пастга тортувчи (мимика мушаги) .

Десмин	барча силлиқ мушак ҳужайраларини оралиқ филаментларнинг асосий оқсили
Детектор	радиацион нурланишларни қайд қилувчи қурилма
Дешифратор	кўп разрядли кодни бирор чиқиш учун сигналга айлантиради;
Диаграмма	маълумотларни график тасвирлаш.
Диадалар	саркоплазматик тўр битта цистернаси ва битта найчадан иборат тузулма
Диамагнетиклар	магнит майдон индукциясини озгина кучайтирувчи моддалар
Дизъюнкция	мантиқий йиғинди ёки амали
Диктиосома	Голджи комплексини элементар бирлиги
Дисперсия	белги қийматларининг ўртача арифметик қиймати билан ҳосил қилган айирмаси квадрати йиғиндининг ўртача қийматига айтилади.
Диэлектриклар	электр токини ўказмайдиган моддалар
Дозиметр	нурланиш миқдорини ўлчовчи қурилма
Изоген гурух	хондростит ҳужайраларнинг тўплами
Иммуноглобулинлар	плазматик ҳужайра томонидан ишланадиган оқсил молекуласи
Импликация	эрғашлик
Интерферентсия	тўлқинлар қўшилиши натижасида бир-бирини кучайтириши ёки сўндириши
Информатика	тушунтириш, хабар қилиш, баён этиш.
Калмодулин	мушак бўлмаган ҳужайраларнинг қисқаришида иштирок этадиган калций боғловчи оқсил
Калмодулин	мушак бўлмаган ҳужайраларнинг қисқаришида иштирок этадиган калтсий боғловчи оқсил
Карбонгидраза	қопловчи ҳужайраларда кўп учрайдиган, карбон кислотани парчаловчи фермент, натижада водород ионлари ҳосил бўлади
Каталог(папка)	файллар ҳақидаги ахборотлар (файлноми, кенгайтмаси, узунлиги, сўнги таҳрир вақти, холати ва х. к. ) ёзиладиган дискдаги жой.
Катод	қиздирилиши натижасида электронларни буғлатувчи электрод

Кибернетика-	техник, биологик, ижтимоий ва бошқа турли тизимларда бошқарувнинг умумий тамойиллари хақидаги фан
Клар хужайралар	бранхиолалардаги секретор хужайлар
Когерент толқинлар	фазалар фарқи нол ёки ўзгармас бўлган тўлқинлар
Коллаген	толалар таркибидаги оқсил модда
Конъюнкция	мантиқий кўпайтириш
Коррозия	тўқималарнинг шикастланиши ёки бирор модда билан заҳарланиши натижасида эриб кетиши, емирилиши.
Котехаламинлар	адреналин ва норадреналин гормонлари
Қутбланган ёруғлик	аниқ бир текисликда тарқалувчи ёруғлик
Либерин	гипофиз фаолиятини кучайтирувчи гормон
Липаза	ёғлар, глитсеринларни парчаловчи фермент
Магнит майдон	ҳаракатланувчи зарядли зарралар атрофида хосил бўлган материянинг бир тури
Максимумлар	тўлқинлар қўшилиши натижасида бир-бирини кучайтирган жойлари
Марказлашган оптик система	Оптик марказлари битта тўғри чизиқ бош оптик ўқда ётувчи линзалар системаси
Медиана	танланган белгининг шундай қийматики, унинг вариантлари қийматларининг ярми ундан кичик, ярминики эса ундан катта бўлади.
Метаэпифизар тоғай	суюкларнинг эпифизи ва метафизи орасидаги ўсувчи тоғайдан иборат соҳа.
Микроглия	глиал ҳужайранинг бир тури бўлиб, ҳимоя вазифасини ўтайди
Микропроцессор	компьютернинг “мия”си.
Миоепителиал ҳужайра	охирги бўлимни ўраб турувчи қисқарувчи ҳужайра
Морфология	организмнинг ички ва ташқи тузилишини ўрганувчи фан.
Мукоцит	шиллиқ ишлаб чиқарувчи ҳужайра

Мультимедиа воситалари	бу инсонга ўзи учун табий мухит: товуш, видео, графика, матнлар ва бошқалардан фойдаланиб, компьютер билан мулоқотда бўлишга имкон берувчи техник ва дастурий воситалар мажмуидир.
Муцин	таркибида гликопротеин тутувчи модда
Нейрокраниум	калла суюгининг мия қисми.
Нополяр молекулалар	зарядларнинг масса марказлари бир-бирига тушадиган диэлектрик моддалар молекулалари
Операцион тизим	қандайдир қурилмани ишлашини таъминловчи дастурлар тизими.
Оптик куч	фокус масофага тескари бўлган катталик
Оссеин тола	суюк тўқимасини тузилмаси
Панет ҳужайралари	Апикал цитоплазмаси ацидофил доначалар тутган ва крипталарнинг тубига жойлашган баланд кубсимон ёки цилиндрик шаклдаги ҳужайралар
Парамагнетиклар	магнит майдон индукциясини камгина кучайтирувчи моддалар
Пезоэлектрик эфвест	механик тасирлар натижасида диэлектрикларнинг қутбланиши
Поляр молекулалар	зарядларнинг масса марказлари бир-бирига тушмайдиган диэлектрик моддалар молекулалари
Поляризатор	табиий ёруғликдан қутланган ёруғликни ажратиб берувчи оптик қурилма
Порасома	ядро қобигидаги маҳсус органоид
Радиометрлар	Радиоактив изотоплар активлигини ёки концентратсиясини ўлчовчи қурилмалар
Регенерация	тирикликининг, узини узи тиклаш хусусияти.
Регистр	кўп разрядли кодларни сақлаш ва айрим ўзгаришларни бажаришни таминлайди
Резонатор	бу ерда кучайтиргич
Сарколемма	қисқарувчи ҳужайра қобиги
Саркомер	кўндаланг тарғил мушакни элементар бирлиги
Сателлит ҳужайралар	базал мембрана яқинида жойлашган бир ядрога эга дуксимон ҳужайра

Спонтан	ўз –ўзидан ташқи таъсирларсиз
Статистика	сонлар ва уларни ўзгариш қонуниятларини ўрганади.
Тебранишлар фазаси	тарқалаётган тўлқиннинг аниқ вактдаги амплитуда қиймати билан аниқланадиган ҳарактеристикаси
Терминал	охирги қисмига (чегарасига) тегишли.
Технологик харита	таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият (ўкув жараён)и босқичларининг кетма-кетлиги ва мазмуни ҳамда уларда қўлланиладиган воситалар
Томс толалари	одонтобласт ўсимталари
Файл	матнлар ойнасидаги турли белгилар, сонлар ва харфларнинг мантикий кетма-кетлигидир.
Ферромагнетиклар	магнит майдон индукциясини минглаб марта кучайтирувчи моддалар
Функция	максус амалларни бажариш ёки амалнинг ўзи.
ХБС	халқаро бирликлар системаси
Хиломикрон	мураккаб липид, глитсерин ва ёғ кислоталаридан ҳосил бўлади
Хондроцит	тоғай тўқимасининг этук ҳужайраси бўлиб, изоген гуруҳини ҳосил қиласди
Чизиқли най	митохондриялари базал қисмда чизиқ холида жойлашган най
Шарпей толалари	периодонталбоғламдаги коллаген толалар тутами, сementни суяқ алвеоласи билан боғлайди кўприк ҳосил қиласди
Энамелобластлар	эмалнинг баланд устунсимон ҳужайралари
Эндомизий	ҳар бир мушак толасини ўрайдиган бириктирувч тўқимали парда
Энхондрал	бўлғуси суяқ шаклидаги гиалин тоғайдан иборат тузилмада суякланиш боради
Эпиволия	ҳужайраларнинг қамраб олиниши бўлиб, гаструлястияни бир тури ҳисобланади
Эпимизий	мушакни яҳлит қилиб ўрайдиган бириктирувчи тўқимадан тузилган парда
Эргометр	одамнинг бажарган механик ишини ўлчовчи қурилма
Эректор	тананинг маълум бир қисмини тўғирловчи мушак.

Эстезиология	сезги азоларнинг тузилиши ва функциясини ўрганувчи фан.
Эухроматин	фаол хромасома
Exsel	ривожланган, имконияти юқори деган маънони англатади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий тахлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
7. Каримов.И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон, 2008
8. Каримов.И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2011.
9. КаримовИ.А. Ўзбекистон мутақиилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон, - 2011.
10. Каримов И.А. Она юритимизнинг баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.:Ўзбекистон, 2015.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

11. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018, 40-бет.
12. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т, 1997.
13. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т, 1997.
14. "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2016 йил 14 сентябрь, ЎРҚ-406-сон.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари**

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947- сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон Фармони.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

### **Махсус адабиётлар**

1. Абдураимов Ш. С. Касбтаълими тингловчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро интеграциянинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш: п. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. –Т.: - 2017. – 20 б.
2. Айзман Р. И. Проблемы подготовки преподавателя ОБЖ и пути их решения // Вестник НГПУ. - 2014. - №5. - С. 9-19.
3. Арипджанова А. Р. Таълимни ахборотлаштириш шароитида олийтаълиммуассасалари педагогларининг креатив салоҳиятини ривожлантириш. П. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. Т.: - 2017. 24 б.
4. Асадов Ю. М. Индивидуально-психологические особенности учителя как факторы развития профессионализма: Автореф. дис. ...канд. Психол. наук. – Ташкент: «НУУз», 2007. -25 с.
5. Барышева Т. А., Жигалов Ю. А. Психолого-педагогические основы развития креативности. СПб.: 2006. - 285 с.

6. Государев И. Б. К вопросу о терминологии электронного обучения. Человек и образование. №1 (42) 2015,стр. 180-183.
7. Дунаев А. Медицинская микробиология,вирусология и иммунология. Учебник. В 2 томах. Том 1. - М.: ГЭОТАР-Медиа,2016. - 448 с.
8. Ибрагимова Г. И. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш: п. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. –Т.: - 2017. – 24 б.
9. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г. М.,Бочкара Р. В. - 2-е изд.,перераб. и доп. - М.: Дашков и К,2018. - 304 с.
10. Ишмухамедов Р. Ж.,Юлдашев М.таълимва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Т.: “Ниҳол” нашриёти,2013,2016. –279б.
11. Каримова В. А.,Зайнутдинова М. Б. Информационные системы. – Т.: Алоқачи,2017. - 256 стр.
12. Каримова В. А.,Зайнутдинова М. Б.,Назирова Э. Ш.,Садикова Ш. Ш. Тизимли таҳлил асослари. – Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти”,2014. –192 б.
13. Кашапова М. М.,доц. Т. Г. Киселева,доц. Т. В. Огородова. Креативность как ключевая компетентность педагога: Монография. Под ред. проф. Ярославль: ИПК «Индиго». -2013. - 392 с.
14. Креативная педагогика. Методология,теория,практика. / под. ред. Попова В. В.,Круглова Ю. Г. -3-е изд. –М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”,2012. –319 с.
15. Муслимов Н. А. Касб-таълими тингловчиларини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Дисс. п. ф. д. – Т.:2007. – 275 б.
16. Новиков,В. Е. Мотивация – ключевой фактор академической дисциплины и успеваемости студентов [Текст] / В. Е. Новиков // Фармация и общественное здоровье: сборник статей. – Екатеринбург,2011. – С. 196-198.
17. Новиков,В. Е. Нравственное воспитание в медицинском образовании в современных условиях [Текст] / В. Е. Новиков,Е. В. Пожилова,Е. И. Климкина // Вестник Смоленской гос. медицинской академии. – 2014. – Т. 13,№ 1. – С. 76-78.
18. Новиков,В. Е. Фармакология. Практикум для самостоятельной работы студентов фармацевтического факультета. Часть I [Текст]: учебно-методическое пособие для студентов / В. Е. Новиков,О. С. Левченкова,Л. А. Ковалева. – Смоленск: СГМА,2013. – 80 с.
19. Особенности преподавания медико-биологических дисциплин в подготовке психологов [Текст] / Л. К. Антропова,Г. Я. Двуреченская,Л. А. Козлова [и др. ] // Медицина и образование в Сибири. – 2010. – № 3. – С. 8.

20. Панова Е. С. . Развитие креативного мышления: от проблемы к инновационному решению. 10 первых шагов изобретателя. Монография. М.: Берлин: 2016. 197 с.
21. Платонов И. А. Необходимость средств технической поддержки дидактического материала на лекции [Текст] / И. А. Платонов, В. Е. Новиков // Актуальные проблемы педагогики высшей медицинской школы. – Смоленск: СГМА, 2011. – С. 15-16.
22. Позилова Ш. Х. Олийтаълиммуассасаси ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакаширишкурсларида креатив ўқитиш методикаси. п. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. – Т.: - 2019. – 23 б.
23. Престиж профессии врача и нравственное воспитание современного студента [Текст] / О. С. Левченкова [и др.] // Вестник Смоленской гос. медицинской академии. Специальный выпуск. Актуальные проблемы педагогики высшей медицинской школы. – 2014. – С. 156-159.
24. Структура ИКТ-компетентности учителей. Рекомендации ЮНЕСКО. - Гамбург. - 2011. URL: <http://ru.iite.unesco.org/publications/3214694>.
25. Ҳамидов Ж. А. Бўлажак касбтаълим и тингловчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси: п. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. – Т.: - 2017. – 30 б.
26. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари рисола. -Т:. 2017. Б. 70-71.
27. ШариповШ. О.,Абдурахмонова А. А. Ўқувжараёнидаахборот- коммуникациятехнологияларини ишлатишдапедагогларучунёрдамчидастурмийвоситалар//Фан,таълимваи шлабчиқариш қобилиятларини ривожлантириш: п. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. –Т.: - 2017. – 24 б.
28. Шоймардонов Т. Т. Педагог кадрлар малакасиниошириш и ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этишнинг электрон тизими: п. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореф. - Т.: 2017. 22 с.
29. ЮсупбековН. Р.,АлиевР. А.,АлиевР. Р.,Юсупбекова А. Н. Бошқаришнингинтеллектуалтизимларивақарорқабулқилиш. –Тошкент: “Ўзбекистонмиллийэнциклопедияси” ДИН,2015. -5726.
30. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia,2014. Vook 1, 2.
31. John Tiyefenbacher, Approaches to disaster management- examining the implications of hazards,yemergencies and disasters. 2011.
32. Mark A Friyend,James P Kohn,Fundamentals of Occupational Safety and Health. 2015.
33. Means,B.,Toyama,Y.,Murphy,R.,Bakia,M.,&Jones,K. (2010,September). Evaluation of Evidence-Based Practices in Online Learning: A Meta-Analysis and Review of Online Learning Studies.
34. Nataliye Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

35. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge;1 edition 2014. - 176 pp.
36. Thaler S. L. Cycles of insanity and creativity within contemplative neural systems // Medical hypotheses. – 2016. – Т. 94. – С. 138-147.
37. WilliamRice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing – ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

### **Интернет сайтлар**

1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
3. <https://ziyonet.uz/>
4. <https://meduniver.com/>
5. <https://www.udemy.com/ru/>
6. <https://www.adaptlearning.org/>
7. <https://ru.khanacademy.org/>
8. <https://codecombat.com/>
9. <https://blendedlearning.pro/>
10. <https://www.ispring.ru/>